

**Ш. Наралиева**

*Қозоғистон Республикаси  
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

# ЎЗБЕК ТИЛИ

**Умуттаълим мактабларининг  
табиий-математик йўналишдаги  
10-синфи учун дарслик**

# 10



Алматы  
«Жазушы»  
2019

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Узб-922  
Н 23

## Шартли белгилар

	савол ва топшириқлар		тақдимот
	якка тартибда ишлаш		тинглаш
	жуфтликда ишлаш		сўзлаш
	гурухда ишлаш		ўқиш
	«Сиздан – савол, биздан – жавоб»		ёзиш
	муҳокама қиласиз		уй вазифаси

**Наралиева Ш.**

Н 23 **Ўзбек тили. Умумтаълим мактабларининг табиий-математик йўналишдаги 10-синфи учун дарслик / Ш. Наралиева.** – Алматы: «Жазушы», 2019. – 216 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-677-3

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Узб-922

ISBN 978-601-200-677-3

© Наралиева Ш., 2019  
© «Жазушы» баспасы, 2019  
Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.  
Нашрнинг мулкий ҳуқуқлари  
«Жазушы» нашриётига тегишли.

## АЗИЗ ЎҚУВЧИ!

Қўлингиздаги ушбу дарслик мазмуни янгиланган таълим дастури асосида тузилган бўлиб, умумий ўрта таълим босқичининг табиий-математик йўналишдаги 10-синфи учун мўлжалланган. Дарслик сизнинг тил ҳақида шаклланган билимларингиз негизида нутқий фаолиятнинг барча кўринишлари (тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш) бўйича функционал саводхонлигингизни такомиллаштиради, сизни нутқи фаол ижодий шахс сифатида ривожлантиришни кўзлади.

Бундан ташқари, дарсликдаги маълумотлар ўзбек тили фонетикаси, лексикаси ва грамматикасидан олган билимларингиз асосида адабий тил меъёрлари – орфоэпия (тўғри талаффуз), орфография (имло), тиниш белгилари (пунктуация), ёзма нутқ услубларини ўрганиш ва мустаҳкамлашга бағишлиланади.

Дарслик қуидаги беш бўлимдан иборат мавзуларни қамраб олган: «Замонавий жамият қадриятлари: маданият ва тараққиёт», «Саноатлаштириш: миллий маҳсулотлар», «Инсониятнинг умумбашарий муаммолари», «Инсон ҳаётини муҳофаза қилиш», «Жиноят ва қонун».

Ҳар бир бўлимда берилган топшириқларни бажаришда оғзаки ва ёзма нутқ қоидаларига амал қилиш; ахборот излаш, топиш, ажратиб олиш ва уни қайта ишлаш; мулоҳазали фикрлаш, умумлаштириш, баҳолаш, олинган ахборотни талқин этиш/шарҳлаш; коммуникатив вазифаларга боғлиқ турли ўқиш турларидан фойдаланиш кўнилмаларини такомиллаштирасиз. Шунингдек, оммавий чиқишиларнинг турли жанрларида монологлар яратса олиш, мулоқот вазиятига мувофиқ танқидий баҳолаш; турли коммуникатив вазиятларда баҳс-мунозаралар олиб бориш малакаларингиз ривожланади. Бундан ташқари, сиз турли жанрдаги матнлар устида ишлайсиз, матнни тузатасиз ва таҳрир қиласиз.



Грамматик материал эса нутқий мавзуларга боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ўтилган грамматик қоидаларни ёдга олиш учун зарур ўринларда қоидалар ҳам берилди.

Тилни ўрганиш бошқа фанлар билан алоқадорликда, умумий мавзулар (нафақат ўзбек маданияти, балки замонавий Қозоғистон воқеиликлари, унинг тарихи, маданияти ва санъати ҳақидаги матнлар) орқали, турли фан соҳаларига тегишли матнлардан фойдаланиш, академик тилни ривожлантириш орқали юзага оширилади.

Она тилини соғлигини сақлаб, уни пухта ўрганишда барчангизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

*Муаллиф*



# I бўлим



## ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ ҚАДРИЯТЛАРИ: МАДАНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ



Ҳар кимки ҳаётдан олмаса таълим,  
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

*Ҳикматли сўз*



## ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ ҚАДРИЯТЛАРИ

Нутқ товушлари. Унли ва ундош товушлар, уларнинг талаффизи, талаффиуз меъёрлари

**Таянч тушунчалар:** замон, жамият, қадрият, тараққиёт, рақобат, ахлоқ-одоб, маънавият

**Ёдингизга олинг:** она тилининг ҳаётиңгизда, айниқса, ўқув фанларини ўзлаштиришда сизга қандай ёрдам беришни изоҳланг.




**1-машқ.** Қуйидаги тасвирларни сўзлатинг. Фикр-мулоҳазаларингизни жамлаб, постерда синфга тақдим этинг.

### I

**Қадриятлар** – инсон ёки жамият учун муҳимлиги нуқтаи назаридан муайян ғоя, тамойил, ҳодиса, нарса-буюм ва уларнинг хусусиятлари тавсифи.

<p>Хар бир инсонда унинг ўз «қадриятлар пирамидаси» бўлиб, у ҳар қандай инсоннинг бетакрор ички дунёси</p>		<p>Умуминсоний қадриятлар:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>✓ Оила</li><li>✓ Соғлик</li><li>✓ Эзгулик</li><li>✓ Билим</li><li>✓ Ҳақиқат</li><li>✓ Адолат</li><li>✓ Виждан</li><li>✓ Қадр-қиммат</li></ul>
--	--	--





### ЗАМОНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Мұхаббат, ишонч, ҳүрмат, ўзаро ёрдам, тушуниш ва меҳр-оқибат каби түшүнчалар оиласыв қадриятларнинг асосини ташкил этувчи қадриятлардир. Лекин, ағасус, бүндай түшүнчалар жамиятдаги муаммолар сабаб түрли омилларнинг босими остида қолиб кетяпти.

Хозирги кунда ёшлар учун оиласыв қадриятлар биринчи ўриндан жой олмаётгани ачинарлы ҳол.

Улар ўрнини ... босяпти.





1. Берилган қадриятларни (I) рақамлаб чиқинг. Қайси бирини қай ўринга қўясиз? Нима учун?
2. Инсоннинг жамиятдаги ўрни қандай? Жамиятнинг билим даражаси нимани шакллантиради? (II)
3. Улар ўрнини нима босяпти, қандай ўйлайсиз? (III) Жадваллардаги ҳукмлар билан келишасизми?

## ЁДИНГИЗГА ОЛИНГ!

Нутқнинг ва сўзнинг фонетик жиҳатдан бўлинмайдиган энг кичик қисми нима дейилади? Товуш ва фонема бир-бираидан қандай фарқланади?

Нутқ товушлари нутқ аъзолари ёрдамида ҳосил бўлишини берилган расм асосида ёдингизга туширинг ва изохланг. Нутқ аъзоларининг нутқ товушларининг ҳосил бўлишида иштирок этишига кўра турини айтинг.

1. Фаол нутқ аъзолари қайсилар: ..., ..., ..., ..., ... .

2. Нофаол нутқ аъзолари-чи: ..., ..., ..., ... .


Нутқ органларининг йифиндиси нутқ ... дейилади. Нутқ ... га қўйидагилар киради: **улар** ..., ..., ... .

## ЁДДА САҚЛАНГ!

Ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамаслиги натижасида қандай товушлар ҳосил бўлади?  
**Вокализм** дегани нима?

Ўзбек тилидаги унли товушларни айтинг: ...

Унли товушлар уч томонлама тасниф қилинади (жадвалга қаранг).



Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра			Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра		Лабларнинг иштирокига кўра	
Юқори топ унли	Ўрта кенг унли	Қўйи кенг унли	Тил олди унлилар	Тил орқа унлилар	Лабланган унлилар	Лабланмаган унлилар
<i>u, y,</i>	<i>Ё, э</i>	<i>a, o</i>	<i>u, э, а</i>	<i>y, ў, о,</i>	<i>y, ў</i>	<i>a, u, o, э</i>

Ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамаслиги натижасида унли товушлар ҳосил бўлади. Унли товушлар соф овоздан иборат бўлиб, уларнинг ҳосил бўлишида ун пайчаларининг тебраниши таъсир кўрсатади. Чунки унли товушлар бўғизда пайдо бўлади. Унли товушлар тизими **вокализм** дейилади.



**2-машқ.** Сўзлар таркибидаги унли фонемаларни унлиларнинг таснифи асосидаги қўйида берилган жадвалга жойланг.

Халқа айтинг: мен асло ўлганим йўқ,  
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ:  
Мен элимнинг юрагида яшайман.  
Эрк деганинг тилагида яшайман!

*X. Олимжон*

Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра		Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра			Лабларнинг иштирокига кўра	
Олд қатор	Орқа қатор	Юқори (топ)	Ўрта (ўрта кенг)	Қўйи (кенг)	Лабланган	Лабланмаган



**Жадвал устида мустақил ишланг!**

Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида бирор тўсиққа учраши натижасида қандай товушлар ҳосил бўлади? Консонантизм нимани англатади?

Ўзбек тилида 24 та ундош товуш бор: *б, в, г, д, ж, з, ў, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, Ӯ, ч, ш, Ӯ, Ӯ, Ӯ, Ӯ*.



Ундошларнинг ҳосил бўлиш ўрнига, усулига, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра тури

Ҳосил бўлиш ўрнига кўра		Ҳосил бўлиш усулига кўра			Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра	
Лаб ундошлари	Тил ундошлари	Портловчи ундошлар	Сирғалувчи ундошлар	Портловчи-сирғалувчи сононлар	Жарангли	Жарангсиз
<b>б, п, в, м, ф</b> (лаб-лаб), <b>в, ф</b> (лаб-тиш)	<b>т, д, н, л, з, с, ш, ж, ч</b> (тил олди), <b>й</b> (тил ўрта), <b>к, г, нг</b> (тил орқа), <b>қ, ә, х</b> (чукур тил орқа)	<b>б, п, д, т, к, г, ч, ж</b>	<b>в, ф, с, з, ш, ж</b> (журнал) <b>х, й, ҳ, г</b>	<b>м, н, нг, л, р</b>	<b>б, в, д, й, ж, з, г, м, н, нг, р</b>	<b>п, ф, к, т, ш, ч, х, қ, с, ҳ, н</b>

Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида бирор тўсиққа учраши натижасида ундош товушлар ҳосил бўлади. Ундош товушлар тизими консонантизм дейилади.

- 1. М, н, нг** товушлари қандай товуш аталади?
- Бу товушларни талаффуз қилишда ҳаво оқими тўлиқ қаердан ўтади?
- Л** товуши қандай товуш дейилади?
- Талаффузда қандай ҳосил бўлишини тушунтиринг.
- Р** товуши қандай товуш ҳисобланади, уни талаффуз қилганда қандай ҳолат рўй беради?



- Жадвал асосида ўзингиз жуфтликда савол-жавоб ўтказинг.
- Товушлар нима? Нега унли ва ундош турларга ажратилади?
- Хаёtingизда ҳарф ва товушларнинг қандай аҳамияти бор? Фикри-нгизни далиллар билан асосланг.



«Мен учун замонавий қадриятлар – бу...» мавзусида ихчам эссе ёзинг (120–150 сўз).





## МАДАНИЯТ ВА ҚАДРИЯТЛАР

### Бўғин ва урғу

**Таянч тушунчалар:** инсон, жамият, ижтимоий ҳодиса, маданият, моддий ва маънавий маданият.



**3-машқ.** Матнни ўқинг, гурухда муҳокама юритиб, фикр-мулоҳазалари-нгиз билан ўртоқлашинг. Матнга сарлавҳа қўйинг.

Маданият мураккаб, серқирра ижтимоий ҳодиса. У бир қатор фанларнинг ўрганиш обьекти бўлиб ҳисобланади. Масалан, археология ўтмишда яшаган кишилар фаолияти натижасида вужудга келган предметлар, ёдгорликлар, асори-атиқаларни ўрганади. Этнография маълум бир халқнинг маданиятини ўрганади.

Ижтимоий фалсафа маданиятни яхлитликдан иборат ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади. Маданият атамаси кўп маъноларга эга – экин экиш, қайта ишлов бериш, асрар, авайлаш, маълумот, таълим-тарбия, тараққиёт. Маданият инсонни бошқа барча табиий-биологик дунёдан ажратиб туради.

Маданият тушунчасини айрим олимлар арабча «мадина» ва «ият» сўзларининг қўшилишидан келиб чиққан ва у «шаҳарга оид» маъносини англатади, деб ҳисоблайдилар. Европалик олимлар маданият тушунчаси «культура» сўзидан келиб чиққан, у парваришлаш маъносини билдиради, деган фикри илгари сурадилар. Маданият ўзбек тилида тарбия қўрганик, билимлилик, сифатлилик маъноларида ишлатилган.

Инсон ва жамият ижодий фаолиятининг барча қўринишлари унинг оқибатида яратилган жами маддий ва маънавий қадриятларни ўз ичига қамраб олади.

Маданият тушунчасида:

- инсон фаолиятининг натижалари;
- инсон фаолиятининг ўзи, унинг усуллари ва воситалари ифодаланди. Инсоннинг фаолияти маддий ва маънавий турларга бўлинади.

Моддий маданият деганда инсоният томонидан яратилган жами моддий қадриятлар назарда тутилади. Мехнат қуроллари ва воситалари, техника, технология, ишлаб чиқариш маданияти, турмушнинг моддий шарт-шароитлари ва хк. моддий маданият шакллари ҳисобланади.

Маънавий маданият деганда маънавий қадриятларни ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол қилиш соҳалари назарда тутилади.

Маънавий маданият таркиби:

а) инсон маънавий фаолиятининг барча натижалари фан, фалсафа, санъат, сиёсат, ҳуқуқ, таълим-тарбия, дин, жамият бошқариш;

б) муассасалар ва ташкилотлар: мактаб, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, театр, кино, музей, кутубхона, концерт заллари ва ҳоказолар киради.

Моддий ва маънавий маданият орасига қатъий чегара қўйиш, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Мехнат қуролини ясаш моддий эҳтиёждан келиб чиқади ва моддий ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Айни вақтда меҳнат қуролини инсон билимсиз ясаш мумкин эмас.

Маънавий маданият ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади. Жамиятнинг тараққиёт даражаси маънавий маданият билан бошлиданади.

Инсон гўдаклик чоғиданоқ маданият таъсири остида яшайди. Инсон таълим-тарбияси деганда, аввало, уни маданиятили инсон сифатида камол топтириш назарда тутилади. Таълим-тарбия жараёнида инсон маданиятга ошно бўлишга ўрганади.

Маданиятда инсоният тажрибаси мужассамлашган бўлади ва билимлар шаклида намоён бўлади.

Маданият кишилар ижодий фаолиятининг муҳим омили ҳисобланади. Илмий изланишлар олиб бориш, санъат соҳасида фаолият кўрсатади маданиятининг яратувчилик функцияси моҳиятини ташкил этади.

Хаётнинг барча жабҳаларида: меҳнатда, турмушда, шахслараро муносабатларда маданият кишиларнинг хулқ-авторига таъсир кўрсатади, уларнинг хатти-харакатини бошқаради. Маданиятнинг норматив (тартибга солиш) функцияси ахлоқда, ҳуқуқда ўз ифодасини топади.

Маданият ижтимоий ҳаёт тажрибасини бир авлоддан иккинчи авлодга етказишнинг қудратли воситаси ҳисобланади. Маданият анъаналар тарзида авлодлар томонидан ўзлаштирилади ва шу асосда авлодлар алоқадорлиги таъминланади. Ижтимоий тажрибани авлодларга сингдириш маданиятнинг коммуникатив функциясини ташкил этади.

Маданият инсонда инсонийликнинг такомиллаштириш вазифасини баҷаради. Маданият туфайли инсон камолотга интилади, инсонда энг юксак инсоний хислатлар шаклланади.

Маданият инсонийликнинг меъёри ва кўрсаткичи ҳисобланади. Бу маданиятнинг инсонпарварлик функциясидан далолат беради.

Жамият тараққиётининг қайси соҳаси ҳақида гап кетишдан қатъий назар, бу тараққиётда асосий ўринни, инсон ва унинг маданий юксалиш даражаси ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.



1. Матн мавзусининг долзарблиги нимада?
2. Матндан асосий ва майда тафсилотли ахборотларни ажратиб олинг ва умумлаштиринг, бир неча кўзқарашларни таққосланг. Ўз фикрин-гизни билдиринг.



3. Жамиятимиз тараққиётини сиз, ёшлар, қандай тасаввур этасиз? У инсоннинг маданий юксалишига боғлиқми? Нега?
4. Матннинг сўнгти жумласидаги сўзларни бўғинларга ажратиб кўчириб ёзинг. Очиқ ва ёпиқ бўғинларни белгиланг. Бўғинларнинг нутқда қандай ўрни ва аҳамияти бор? Фикрингиз билан жуфтлиқда ўртоқлашинг.



5. Берилган назарий маълумотни ўқинг, маълумот асосида тақдимот тайёрланг.

**Бўғин** – бир нафас чиқариш зарби билан айтиладиган товуш ёки товушларdir. Бўғинлар унли товушлар орқали тузилади. Масалан, **тад-бир-кор** сўзида учта унли бўлиб, у уч бўғинли сўздир.

Бўғинлар унли ёки ундош товуш билан тугаганлигига кўра очиқ бўғин ва ёпиқ бўғинларга бўлинади.

6. Мисоллар келтиринг:

- а) очиқ бўғинли сўзлар:
- б) ёпиқ бўғинли сўзлар:

*Тилда бўғинларга ажратилмайдиган сўзлар қайсилар?*

*Масалан: нок,,*

*Бўғиннинг амалий аҳамияти нимада?*



### **Мустақил ишланг!**

1. Юқоридаги 3-машқда берилған матн асосида таянч сўзларни аникланг.
2. Таянч сўзлар иштироқида очиқ ва ёпиқ саволлар тайёрланг.
3. Бир бўғинли сўзларга мисоллар тўпланг.
4. Бир унли ва икки ундошдан, бир унли ва уч ундошдан, икки унли ва тўрт ундошдан иборат бўғинли сўзларга мисоллар тўпланг ва ёзинг.

Бир бўғинли сўзлар	1 унли ва 2 ундошли сўзлар	1 унли ва 3 ундошли сўзлар	2 унли ва 4 ундошли сўзлар	3 унли ва 5 ундошли сўзлар

### **Бўғиннинг амалий аҳамияти қўйидагилардан иборат:**

Сўзни бир йўлдан иккинчи йўлга кўчириб ёзишда бўғиндан фойдаланилади.

Биринчи синфда савод ўргатиш даврида болаларга сўзлар бўғинларга бўлинган ҳолда ўргатилиади.

Замонавий ўзбек шеъриятининг етакчи вазни бўлган бармоқ вазидаги шеърлар бўғинга асосланиб ёзилади.

### **4-машқ. Қўйидаги маълумотларни ўрганиб чиқинг.**

**Ургу.** Сўз таркибидаги бирор бўғинни ёки гап таркибидаги бирор сўзни бошқасига нисбатан кучлироқ айтилиши урғудир. Ургу икки хил:

**a) сўз ургуси; б) гап ургуси** (логик ургу).

Ўзбек тилида ургу, асосан, сўзнинг охирги бўгинига тушади: **Китоб-китобхон-китобхонлар** каби. Сўзларга қўшимча қўшилганда ургу охирги қўшимчага кўчади.

Бу ҳолат ўзбек тили ургуси учун умумий қоида бўлиб, ушбу қоидага мос келмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Бинобарин, қўйидаги сўзларда ургу биринчи бўғинга тушади.

**1)** араб ва форс тилларидан ўзлашган **доим, ҳозир, асло** каби равишларда;

- 2) барча, ҳамма, кимдир, аллаким, қандай, қанча, ҳар ким, ҳеч ким** типидаги таркибли олмошларда;
- 3) албатта, афсус** қаби модал сўзларда;
- 4) ўтири, ишила, бошли** типидаги феълнинг буйруқ шаклларига;
- 5) аммо, лекин, бироқ, чунки** боғловчиларида;
- 6) ўн беш, ўттиз уч** қаби таркибли сонларда;
- 7) ёзиб олди, бориб келди** типидаги мураккаб феълларда;
- 8) сават-сават, тез-тез** типидаги такрор сўзларда.

*Шунингдек, ургу олмайдиган қўшимчалар ҳам мавжуд. Бундай ҳолларда ургу шу қўшимчадан олдинги бўгинга тушади. Қандай ўйлайсиз, булар қайсила?*

Айрим сўзларда ургу маъно фарқланишига олиб келади. Масалан, **олма** (бирор нарсани олмаслик), **сузма, тўқима** феъл туркуми; **олма** (мева), **сузма, тўқима** от туркуми.

*Гап ургуси, асосан, қайси гап бўлагидан олдинги сўзга тушади?  
Мисоллар орқали фикрингизни баён этинг.*

Кўринадики, гап ургуси гапдаги ҳамма сўзларга туша олади.



Қуйидаги икки мавзудан бирини танлаб, вазифани бажаринг.

1. «Маданият – инсонийлик меъёри» мавзусида постер тайёрлаб келинг.
2. Ургу биринчи бўгинга тушган сўзларни қатнаштириб, 10–15 жумладан иборат матн тузинг.





## ҚАДР ТОПАЁТГАН ҚАДРИЯТЛАР

Алифбо. Орфография

Нутқдаги товуш ўзгаришларининг орфографияси

Унли ва ундош товушлар имлоси

**Таянч тушунчалар:** миллий қадриятлар, мерос, урф-одатлар, маънавий бойлик, ибрат мактаби, миллий ғурур, ифтихор дурдоналари.



**5-машқ.** Расмга диққат қилинг ва фикрингизни баён этинг. Расмга қараб матн мазмунини олдиндан баён қилишга уриниб кўринг. Матн билан танишинг, унга сарлавҳа қўйинг. Матн услубини аникланг.



Сайёрамизда бармоқ излари бирбириникига мутлақо ўхшаш иккита одамни топиб бўлмаганидек, миллий қадриятлари бир хилдаги иккита халқни ҳам топиб бўлмайди. Зеро, қадриятлар инсониятнинг неча минг йиллик тамаддунида ҳар бир миллат, элат ва халқнинг ўзиға хослигини таъминлаб келаётган бебаҳо неъматдир. Маълумки, муайян бир миллат, элат ва халқ ҳаёти, турмуш тарзи, ўтмиши, келажаги ва яшаётган ижтимоий муҳити билан боғлиқ қадриятлар миллий қадрият саналади.

Миллий қадриятлар жамият, инсон учун аҳамиятли бўлган барча воқеа-ҳодисалар – эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат-фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқаларни қамраб олади. Мухтасар тарзда ифодалайдиган бўлсак, тарихий синовларга бардош берган, халқнинг миллий манфаатларини ўзида тўлиқ мужассам этган, замонавий тараққиётнинг талабларига жавоб бера оладиган, асрлар ўтгани сари қадр-қиммати ортиб борадиган ғоялар жамланмасига миллий қадриятлар дейилади.



Аёнки, тарих саҳнасида ўз миллий қадриятига эга бўлмаган миллат ёки элат учрамайди. Эътиборли томони шундаки, бундай қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Албатта, асл миллий қадриятларимизнинг сарчашмалари буюк аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бебаҳо маънавий бойликларимиздир. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу қадриятлари бутун инсоният учун ибрат мактаби вазифасини ўтаб келган. Жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳодордин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари даҳоларнинг ўлмас асарлари бизнинг асл қадриятларимизни бутун дунёга танитди.

Зоро, бебаҳо қадриятларнинг эзгу қудрати билан қуролланган, ўтмишдан тўғри сабоқ олиб, бугунги кун талабларини тўғри тушунган, тарихни чуқур билган, айни пайтда ён-атрофида бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини англаган ёшлар Қозогистоннинг буюк келажаги, мустаҳкам пойдеворидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, миллий қадриятларимиз асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда аҳамияти янада кучайган, ифтихоримизга айланган дурдоналардир. Бундай бебаҳо қадриятларга эга, асрлар синовида тобланган, кўпни кўрган, бугун эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшайтган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий фуурур ва ифтихорини тиклаган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган, ўз кучи ва эртанги кунига ишонган, юрти, фарзандларининг келажаги фаровон бўлишига интилаётган халқимиз бундан кейин ҳам янада юксак марраларни забт этаверади!

*Г. Муродалиева*



1. Миллий қадриятлар жамият, инсон учун аҳамиятли бўлган қандай хислат-фазилатларни шакллантиради?
2. Тарих саҳнасида ўз миллий қадриятларига эга бўлмаган миллат ёки элат учрайдими? Нега?



3. Асл миллий қадриятларимизнинг сарчашмалари, буюклари кимлар?
4. Матнинг асосий фикрини сақлаган ҳолда, ўз фикрингизни ўзгача ёзма равища ифодаланг.

**Ёдимиизга оламиз! Графика** қандай маъно англатади? Нутқ товшларининг шаклий белгилари нима дейилади? Нега? Товушларнинг ёзувдаги ифодаси-чи, нимани англатади? Ўзбек алифбосида қанча фонема ва ҳарфлар бор?

1. Алифбомизда ўзича товушни ифодаламайдиган график белгилар мавжуд. Булар қайсилар?
  2. Алифбонинг асосий қисмини бир фонема ифодалайдиган ҳарфлар ташкил этади: *улар: .., ..*
  3. Бир вақтнинг ўзида иккита фонемани ифодалай оладиган ҳарфлар-чи?
- Орфография нима?* Унга таъриф беринг.

«Тил – нафақат мӯомала воситаси, балки миллатнинг улкан маънавий бойлиги ҳамдир. У маълум бир халқнинг миллий қадрият ва урф-одатлари, адабиёти ва санъати, бир сўз билан айтганда, миллат захирасини авлоддан-авлодга етказувчи, халқни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирувчи кучdir».

**6-машқ.** Матнни диққат билан ўқиб чиқинг. Услуби, жанрини аникланг.  
Матнда кўтарилаётган муаммо бўйича мазмунни олдиндан шарҳланг.

– *Ҳар бир миллатнинг мавжудлигини, яшаётганини намоён эта-  
диган омиллар бўлади. Тил ана шундай мавжудлик ҳодисасидир. Тил  
шунчаки сўзлашиш воситаси эмас. Тил миллат маънавияти ва мада-  
ниятининг тошойнасидир. Модомики, миллатнинг ўз тили бор экан,  
демак, унинг дунёга айтиш сўзи ҳам бордир.*

*Шу тириклик дунёсининг бир қисми ўлароқ асрлар оша жаҳонга  
ўз сўзимизни айтиб келдик. У узоқ асрлар наридан гоҳ Ўрхун-Энасой  
битиклари, гоҳ «Девону лугатит-турк», гоҳ «Қутадгу билиг» бўлиб  
жаранглаб турибди. Чунки бу тилни йўл-йўлакай не-не улуг зотлар  
тенгсиз закоси ва фидойилиги билан асраб келдилар, сайқалладилар...*

*Ваҳоб ака, ушбу сўнгги гапимизга тарихдан бир-икки мисоллар келтирангиз...*

– Ҳар бир миллатнинг улуг вакиллари ўз тили ва адабиётини шу халқ ё миллатнинг, аввало ғурури, шу билан бирга, муомала воситаси деб ҳисболовдилар ва уларнинг тараққиёти учун қурашадилар. Шундай миллат фидойиларидан бири XI асрда яшаб ўтган Ҳожа Аҳмад Яссавий бўлиб, у туркий тил мавқеини баланд кўтарган эди. У худди Алишер Навоий каби туркий оиласдан чиққан олимларнинг ўз она тилини менсимаганлигини ёқламади. Алишер Навоий «Туркистон мулкининг шайхул-машойихи» деб таърифлаган бу зот ҳатто Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг ҳам она тили – туркийда янграшини истаган эди:

*Хуиламайдур олимлар бизни айтган туркини,  
Орифлардан эшиксанг, очар кўнгил мулкини.  
Оят, ҳадис маъноси туркий бўлса мувофиқ,  
Маънисига етганлар ерга қўяр бўркини.*

Биласизми, давр тили ва адабиёти тараққиёти давлат тепасига қайси халқ вакили келиши билан узвий боғлиқ бўлган. Мисол учун, Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Қорахонийлар даврида Аҳмад Яссавийнинг туркий тилдаги ижоди гуллаб-яшнагани маълум. Шунингдек, соҳибқирон Амир Темур ва темурийзодалар ҳукмронлик қилган йилларда адабиёт, шу жумладан, тил масаласи кун тартибига чиқди. Алишер Навоий кўнгил түфёни маҳсулни бўлган «Муҳокамат ул-луғатайн»да маҳсус қайд этади: «Ҳукмронлик тизгини араб ва форс сultonларидан турк хонларига ўтганидан сўнг, Ҳалокухон замонидан сulton соҳибқирон Амир Темур Кўрагон замонига қадар туркий тилда ижод қилган мақтовга арзигулик шоирлар пайдо бўлмади. Аммо Соҳибқирон Амир Темурнинг издош фарзанди Шоҳруҳ Сulton замонининг охиригача турк тилида ижод қилган шоирлар зухур этдилар. Ҳазратнинг авлод ва набираларидан ҳам хуштабъ сultonлар етишиб чиқишиди...»

Ҳа, Алишер Навоий ўз она тили ва адабиётининг ҳаётлигини мустаҳкамлаш ва унинг ривожи учун қайғуриб, астойдил мунтазам қурашган буюк тилшунос олим ҳам эди. Ўз халқи адабиётини равнақ топтириш ва тил бойлигини ривожлантириш ҳар доим Алишер Навоий фаолиятининг дикқат-марказида турган долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган. Шу боис ўз халқи олдида турган бу муаммони ҳал қилиш мақсадида «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва маданий талабларидан келиб чиқиб ёзишга қарор қилган.

– *Домла, узр, гапингизни бўламан. «XIV–XV асрларгача йирик форсийгўйларга тенг кела оладиган туркийгўй ижодкорлар бўлмаган ёки*

*буюк ижод намуналари сақланиб қолмаган» деган сўзларни эшишиш кишига жуда алам қиларкан. Чунки Ҳазратнинг ўзлари «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида ўнлаб туркийгўй шоирларнинг номини келтирадилар. Таъби нозик темурий шаҳзодаларни қўйинг, ўз даврининг фозиллари санаатиши Мавлоно Лутфий, Гадоий, Атоий, Яқиний, Ҳайдар Хоразмий, Мавлоно Саккокий, Муҳаммад Али Фаридий, Муҳаммад Солих, Мавлоно Латифий, Мавлоно Ҳожи Абул Ҳасан сингари ўттиздан ортиқ шоир ва адилларнинг номи зикр қилинган. Нима, улар туркий тилни билмаганими? Ёки туркийда ёзган шоирларга қандайдир монеликлар бўлганми?*

— Навоий баёнотидаги оғриқли нуқта шундаки, замоннинг навқирон шоирлари, ўзлари ўзбек оиласидан бўлсалар-да, замон анъанаси ва ўзларини элга танитишдай шухратпарастлик туфайли, асосан, форсий тилда ижод қилганлар. Албатта, форс адабиёти ҳукмронлиги анъанаси таъсиридан ёш Навоийнинг ўзи ҳам четда қолмаган. Даҳонинг «Муҳокамат ул-луғатайн»-даги ўз эътирофича илк шеърий машқлари форсий тилда бўлган.Faқат камолот босқичига юксалгани сари ўз асарида қайд этган қоидага амал қилган: ўзбек оиласи фарзанди бўлгани учун она тилида кўпроқ, форсий тилда озроқ асарлар яратган.

Сиз ҳозир тазкирада саноққа кирган шоирларни санаб ўтдингиз. Била-сизми, уларнинг озгинаси соҳибdevon бўлганлар. Шунинг учун ҳам Алишер Навоийдек туркий тил ва адабиёт байроқдори назарида туркийгўйлар жуда оз бўлиб қўринган. Бу хусусда шоир ўз армон ва истакларини шундай изҳор этади: «Эндики, туркий тилнинг чексиз имкониятлари шунчалик далиллар билан исбот қилинди, керак эдиким, бу халқ орасидан чиққан истеъдод ахли салоҳият ва қобилиятларини ўз тиллари турганда ўзга тил билан зоҳир қилмасалар ва ишга солмасалар эди. Агар иккала тилда ижод этиш қобилиятлари бўлса, ўз тилларида кўпроқ ёзсалар эди ва иккинчи тилда озроқ айтсалар эди. Агар муболага қилгудек бўлсалар, иккала тилда баравар ёзсалар эди...» («Муҳокамат ул-луғатайн»).

Ҳақиқатдан ҳам, Султон Ҳусайн Мирзо замонига келиб манзара бир мунча ўзгарди. Хурросон адабиёт ва санъат жаннатига айланди. Ҳусайн Бойқаро Хурсоннинг шоир, адаб ва олимлар мамлакатига айлангани билан фахрланади... Яъни Султон Ҳусайн Мирзо ўз рисоласида буюк туркийгўйлар йўқлигидан ўқинади: «...Лекин маъноларнинг бокира танасига (ишлатилмаган нозик маъноларга) ҳеч киши туркона либос кийдирмаганди (туркий тилда ёзмаганди) ва ўша нозанинларни бу зебо кийим билан жамолини намоён қилишгача олиб келмаганди ва бу мушк ҳидли раънолар яланғочликда панада қолганлар ва бу ҳурдек зеболар кийимсизликдан юзларини намойиш қила олмаганлар». Бу шоҳона афсуслар бирдан Али-

шер Навоий зикрини бошлаш билан фахру ифтихорга ўз ўрнини бўшатиб беради: «... Мир Алишер «аслаҳаллоҳу шонаҳу»ким, «Навоий» тахаллуси билан (эл орасида) машҳур бўлган ва шеърларида бу тахаллусни қўллайди. У турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ нафаси билан жон киргизди, бу руҳни топганлар туркий сўз ўриш-арқоғидан тўқилган кийим ва енгил кўйлак кийдилар. Сўз гулистонида шоирлик навбаҳоридан жонга роҳат бағищловчи ёғинлар билан ранг-баранг гуллар очди ва шеърият дарёсига фикрлар булутидан парварищловчи томчилар билан турли дурлар сочди»...

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, «Муҳокамат ул-лугатайн» асарини чуқур тадқиқ қилган академик Алибек Рустамовнинг қайд қилишича, Алишер Навоийнинг ўзбек халқига тил жиҳатидан кўрсатган бебаҳо хизматларидан бири шу бўлганки, у ўзбек тилини ўзига қадар ўзбек адабий тилида ишлатилмаган туркий лаҳжалардаги сўзлардан унумли фойдаланиб, уларнинг адабий тилда сақланиб қолишига эришган ва бу билан адабий тилни янги сўзлар билан янада бойитган. Иккинчи хизмати шуки, у мавжуд сўзлар ва қўшимчалар асосида ўзича янги сўзлар яратган ва бадиий талабларга жавоб берадиган лугавий бирликларни ҳосил қилишнинг нозик ва ажойиб усусларини кашф қилган. Учинчиси, туркий лаҳжалар ва фольклордан унумли истифода қилиб адабий тилда ўзигача ишлатилган сўзларни янги маънолар билан бойитган.

Алишер Навоийнинг яна бир буюк хизмати шундан иборат бўлганки, у тил лугат фонди ва шева сўзлари ҳисобига адабий тилнинг сўз шакллари, синтактик гап тузилишларини кўпайтириб, уларнинг маъно ва қўлланилиш доираларини кенгайтириди. Мана шу хизматлари туфайли ўзбек адабий тилининг истифода имкониятлари кенгайтан, эстетик қиммати юксак даражага етган, қолаверса, илмий-бадиий қурдати ҳам ошган...

«Муҳокамат ул-лугатайн» муаллифи назариётчи ва амалиётчи тилшунос сифатида ўзбек тили лугат бойлиги, фонетик ва морфологик ҳодисалар туфайли тушунча ифода ва маъно имкониятлари чек-чегарасизлигини бирма-бир далиллар экан, туркий тилнинг мислсиз бой ва таъсирчан, бадиий қурдати ортиқ эканлигини ўз ижоди таҳлилида намойиш этиб улгурган. Навоий ижодининг биринчи буюк тадқиқотчиси Султон Ҳусайн мирзо бўлиб, унга «Рисола» бағищлаган бўлса, ижодининг умумлашма баҳосини Навоийнинг ўзи ушбу асарида иккинчи бўлиб бергандир. Савол туғилади: нега Навоийнинг ўзи «Муҳокамат ул-лугатайн»да ўз ижодининг ўзбек адабиётидаги ўрнини бунчалик жонкуярлик билан таҳлилий аниқлаштиришга уринди?

Бундан-да муҳими: ўзбек тилининг жаҳоншумул асарлар яратишга қодир буюк сўз захираси эканлигини Навоийдан бошқа қайси сўз санъаткори ижодида исботлаш имкони бор эди?

Шунга кўра Навоий ўз ижоди она тили ва адабиётининг олий намунаси эканлигини яхши биларди. Шунинг учун ҳам асар муаллифи ўз олий мақсади – ўзбек адаб ва шоирларини она тилида ёзишга рағбатлантириш ва чорлаш учун ўз-ўзини, ўз ижодини таҳлилий кашф этишга бурчли ҳам эди.

*– Раҳмат, домла. Биз тил ҳақидаги муроқотимизга, асосан, Ҳазрат Навоийнинг «Муҳокамат ул-лугатайн» асарини асос қилиб олиши миздан мақсад шу эдик, Ҳазрат она тилимизнинг барча ютуқларини назарий жиҳатдан муҳтасар таҳлилу талқин этиб, ноҳақ ҳасадгўйлар даъволарини чилпарчин қилиб, бу масалага узил-кесил нуқта қўйди. Бу улкан муаммони у қуруқ даъво билан эмас, балки чуқур асосли далиллар, ёргу фикрлар, теран илмий муроҳазалар билан ҳал қилиб берди. Буюк даҳонинг бу жонбозлиги асрлар оша бизга ибрат бўлиб келмоқда.*

*(Суҳбатдош: Алишер Назар қисқартириб олинди)*



1. «Концептуал жадвал» график органайзеридан фойдаланиб, матн мазмуни бўйича топшириқни бажаринг.

Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар	Мухим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат			
2-жиҳат			
...			

2. Матннинг асосий ғоясини етказиб беришда кичик қўшимча сарлавҳаларнинг ролини аниқланг.
3. Берилган материалнинг асосий фикрини сақлаган ҳолда, мазмунини ўзгача услуб, жанрда ифодаланг. Имловий меъёрларга риоя қилинг.
4. Матн таркибидан тил ундошлари, лаб ундошлари, юқори кенг унлилари, қуий тор унлилари, портловчи ундошларидан, сонор ундошларидан ҳосил бўлган сўзларга бтадан мисоллар топиб ёзинг.

Тил ундошлари	Лаб ундошлари	Портловчи ундошлар	Сонор ундошлар	Юқори кенг унлилар	Қуий тор унлилар



## **ЁДИНГИЗГА ОЛИНГ!** **Сўз таркибидаги товуш ўзгаришлари**

Сўз таркибидаги турли ўзгаришлар, асосан, товушларнинг бир-бига таъсири натижасида рўй беради. Шунингдек, товушлар сўзнинг бош қисмида ёки охирида, ургули бўғинида ёки ургусиз бўғинида ке-лишига кўра ҳам турли ўзгаришларга учрайди. Бундай ўзгаришлар комбинатор ва позицион товуш ўзгаришлари дейилади.

Товуш ўзгаришларининг қўйидаги турлари мавжуд. Ассимиляция, диссимилияция, метатеза, комбинатор ўзгаришлар эпитетза, протеза, эпентеза, диерез, элизия, синкопа (позицион-ўрнига кўра) ўзгаришлар.

**Ассимиляция** – лотинча ўхшашлик, мослаштириш демакдир. Товушлардан бири иккинчисини ўзига ўхшаш товушга айлантиради. Ассимиляция товушни айнан ёки ўхшаш товушга айлантиришига кўра икки хил:

- а) тўлиқ ассимиляция;**
- б) тўлиқсиз ассимиляция.**

Товушлардан бири иккинчисини тўлиқ ўзига ўхшатса, тўлиқ ассимиляция дейилади: эк-ган (**эккан**), тик-ган (**тиккан**) кет-ди (**кетти**), от-дан (**оттан**), бир-та (**битта**), от-ни (**отти**).

Товушлардан бири иккинчисини қисман ўзига ўхшатса, тўлиқсиз ассимиляция дейилади: кўч-ган (**кўчкан**), шош-ди (**шошти**), ош-ган (**ошкан**), ёғ-сиз (**ёхсиз**).

Ассимиляция ёнма-ён товушларнинг олдингиси ёки кейингисига ўхшаётганлигига кўра икки хил:

- а) прогрессив ассимиляция;**
- б) регрессив ассимиляция**

Олдинги товуш кейинги товушни ўзига ўхшатса, прогрессив ассимиляция дейилади: тўқ-ган (**тўқкан**), ўт-ди (**ўтти**), боряп-ман (**боряппан**).

Кейинги товуш олдинги товушни ўзига ўхшатиб олса, регрессив ассимиляция дейилади: бир-та (**битта**), туз-сиз (**туссиз**), тўқ-сон (**тўҳсон**), иш-сиз (**иссиз**), нонни (**нонди**).

**Диссимилияция** – лотинча ноўхашлик демакдир. Иккита ўхшаш товушдан бирининг ўзариб, ноўхаш товушга айланниши диссимилияция дейилади. Диссимилияция ассимиляциянинг тескариси. Бу ходиса ассимиляцияга нисбатан кам учрайди: **зарур-зарул, коридор-коридор, зарар-зарал, девор-девол**.



1. Товуш ўзгаришларининг қандай турлари мавжуд?
2. Сўз таркибида ёнма-ён келган товушларнинг бир-бирига таъсири на-тижасида ўзаро мослашуви қандай аталади? Унинг қандай турлари бор?
3. Сўз таркибида келган ўхшаш ёки қисман ўхшаш товушларнинг ноўх-шаш бўлиб қолиши ҳодисаси нима дейилади?
4. Сўз таркибида келган икки ундошнинг ўрин алмашуви-чи?
5. Сўзга қўшимча қўшилиши билан унинг таркибида келган унли то-вушнинг ҳам ундош товушнинг ҳам алмасиши нима дейилади?
6. Сўзга турли қўшимчалар қўшилиши натижасида унинг таркибидаги бирор унли ёки ундош товушнинг тушиб қолиши билан боғлик ўзга-риш содир бўлади, бу ҳол нима дейилади?
7. Ўзлашма сўзлар талаффузида қандай ҳодиса рўй беради?
8. Ўтилган мавзуларни ёдингизга туширинг, билим ва кўнималари-нгизга таянган ҳолда қўйидаги жадвални мисоллар келтириш орқали тўлдиринг.

<i>Ассимиляция</i>	<i>Диссимилляция</i>	<i>Метатеза</i>	<i>Товуш алмасиши</i>	<i>Товуш тушиши</i>	<i>Товуш орттирилиши</i>
<i>Tўник</i>	<i>Tўниқсиз</i>	<i>Прогрессиө</i>	<i>Регрессиө</i>	<i>Унлилар</i>	<i>Ундошлар</i>



Қуйидаги икки мавзудан бирини бажаринг.

1. «Мен учун энг муҳим миллий қадрият...» мавзусида мақола ёзинг.
2. «Ифтихорга айланган дурданалар» мавзусида тақдимот тайёрланг.



## ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС

Сўз ва үнинг маъноси  
Бир ва кўп маъноли сўзлар

**Таянч тушунчалар:** тарбия мезони, урф-одат, доно фикрлар, буюк даҳолар, маданиятили мулоқот.

### Лексикология

Лексикология – грекча «сўз ҳақида таълимот» демакдир. Лексикология тилнинг луғат бойлиги (сўз ва иборалар), уларнинг маъноси, маънонинг ўзгариши, маънонинг кўчиши, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатлари, сўзларнинг бир маънолиги ва кўпмаънолиги, тилнинг луғат таркиби каби луғавий бирликлар билан боғлиқ хусусиятларини ўрганади.

Лексикологиянинг семасиология (сўз ва ибораларнинг маъно хусусиятларини текширувчи) ва этимология (сўзларнинг келиб чиқишини текширувчи) соҳалари мавжуд.

Тилнинг луғат таркиби (сўз ва иборалар) тил воситаси сифатида маълум маъно англатувчи бирлик, нутқ воситаси сифатида у нутқнинг маъно англатувчи энг кичик қисмини ташкил этади.

Сўз ва иборалар мураккаб тил ҳодисаси ҳисобланиб, ўзига хос кўпгина хусусиятларга эга. Чунончи, ижтимоий ҳаётда юз берадиган ўзгаришлар, энг аввал, тилнинг луғат таркибида ўз ифодасини топади.



**7-машқ.** Ўқинг. Матнда кўтарилаётган муаммо бўйича сарлавҳа асосида мазмунини олдиндан шарҳланг.

### УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ – ТАРБИЯМИЗ МЕЗОНИ

Ҳар бир миллат, әлатнинг ўзига хос удумлари, анъана ва маросимлари бор. Одат – халқларнинг ички муносабатларини тартибга солувчи мезон ва анъаналар мажмуаси. У авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган хулқатвор усулидир.

Одат сўзи удум, урф, анъана ва маросим тушунчалари ўрнида қўлланилади. Ҳар бир одат, маросим, анъана ўзининг тарихий илдизига, иқтисодий

замирига, ғоявий асосига эга. Уларнинг бирортаси ҳам ўзидан-ўзи пайдо бўлган эмас. Ўзбек халқи жуда бой, хилма-хил одат ва анъаналарга эга.

Кишилар ўз урф-одатлари ва анъаналарини билмасликлари, билганда ҳам амал қилмасликлари, ўз халқининг тарихий маданиятини, қадриятларини билмасликка олиб келади. Чунки ҳар бир миллний урф-одатларимиз, анъаналаримиз асосида миллний рух, маданият, қадриятлар каби улуғ инсоний фазилатлар ётади.

Ўз қадр-қимматини билиш кишини виждонсизликдан, худбинликдан сақлайди, ўзининг бошқалар томонидан таҳқирланишига йўл қўймайди. Шунингдек, ўз қадр-қимматини, иззат-нафсини ҳурмат қиласидиган инсон ўзгаларни камситмайди, хўрламайди, бировларга озор бериш ўрнига фақат яхшилик қилишни ўйлади.

Хўш, бизнинг ўқувчиларимиз ўз қадр-қимматларини, урф-одатларимизни тўлиқ билишармикан? Аввало, шуни айтиш керакки, миллний урф-одатларимиз, қадриятларимиз оилада бола дунёга келгандан бошлабоқ ўргатиб борилиши лозим. Оилада ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, «сиз»лаб гапириш, нонни эъзозлаш, меҳмон кутиш, дастурхон атрофида ўтириш, дастурхонга дуо қилиш, эрталаб, энг аввало, ўрнидан туриб юз-кўлларни ювиш, ота-оналарига, кексаларга салом бериш каби саноқсиз урф-одатларимиз борки, буларни ёшларимиз унутмасликлари керак.

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларнинг маслаҳатларига, йўл-йўриқларига, панд-насиҳатларига қулоқ солиш, уларга амал қилиш қадимдан ўзбекларга хос одат бўлиб келган. Ёшлар уларнинг доно фикрларидан фойдаланмай, улар ҳурматини жойига қўймас экан, ишида барака ва натижа бўлмайди.

«Қари билганни пари билмас» деган ажойиб мақол бор. Бу мақолни тўлиқ англаш учун қуйидаги афсонага эътибор беринг: «Қадим замонларда қариларни ўлим тоғига олиб бориб ташлаш одати бўлган экан. Шунда отасини жуда яхши кўрадиган бир йигит уни ўлим тоғига олиб бормай яширган. Кунлардан бир куни подшо кема билан дарё саёҳатига чиқади. Кучли бўрон бошланиб, кемани дарёнинг чеккасига чиқариб ташлайди. Подшо ва унинг хизматкорлари қирғоққа тушибди. Бу ер парилар юрти экан. Улар атрофни айланиб юриб дарё ёқасидаги бир тепаликка келиб қолишибди. Подшо дарёга қараса, тухумдай бир гавҳар яраклаб турган эмиш. Дарҳол йигитларга шу гавҳарни олиб чиқишни буюрибди. Йигитлар бирин-кетин сув остига тушиб, гавҳарни тополмай, қуруқ чиқишибди. Подшонинг жаҳли чиқибди. Бу гавҳарга қизиқиб қолган подшо кимда-ким гавҳарни топиб чиқса, унга катта бойлик инъом қиласман, яна олмай чиққанларни ўлимга маҳкум этаман! – деб шарт қўйибди. Навбат отасини яширган йигитга келибди. У, оҳ куним битди, деб отаси билан видолаша бошлабди. Шунда отаси: «Дарёга тушмасдан тепага бир қарагин» ҳеч вақтда гавҳар, дарё-

нинг ичиди бўлмайди. Қирғоқдаги дараҳт шохиди бир қушнинг уяси бўлса кераг-у, гавҳар ўша инда бўлса керак. Шунинг шуъласи дарёга тушиб тургандир. Уни дараҳтга чиқиб қидир!» – деб маслаҳат берибди. Йигит отаси айтгандай дараҳтнинг дарёга әгилган шохига эҳтиёткорлик билан чиқибди. Пастга әгилган қуш инида гавҳар ярақлаб турган эмиш. Дарҳол қўлига олиб тушибди. Инда гавҳар борлигини, юрт әгалари парилар ҳам билмас эканлар. Подшо йигитдан: «Буни қандай билдинг?» – деб сўрабди. Йигит отаси ўргатганларини айтишга мажбур бўлибди. Шунда подшо ўша чолнигина тирик олиб қолмай, балки қарияларни ўлдириш тўғрисидаги қонунни ҳам бекор қилган экан.

Демак, ёшларимиз ота-оналар, кексалар, ўқитувчилар билан бамаслаҳат иш тутсалар, маслаҳатлашсалар, насиҳат қилганда эса хафа бўлмай, катталар ҳурмат-иззатини, одобини ўз ўрнига қўйишга одатлансалар, ҳеч қачон ҳаётда қоқилмайдилар.

Шу билан бирга, «Донолар даҳоси – кексалар насиҳати», «Отанг ўргатса, доно бўласан», «Ақлли қария – оқиб турган дарё», «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» каби қатор мақоллар ҳам бежиз айтилмаган.

А.Навоий, Бобур каби буюк даҳолар ҳаёти ва ижоди билан танишгани мизда, Қодирийнинг машҳур «Ўтган кунлар» романида Отабек ва Кумушбилилар ўсган хонадонлардаги оила тарбиясини қузатар эканмиз, ўзаро муомалада юксак маданиятга эга бўлган одобнинг гувоҳи бўламиз. Ёши улуғларнинг ёшлар билан, ота-оналарнинг фарзандлари билан, устозларининг шогирдлари билан ўзаро «сиз»лаб муомала қилганликларининг гувоҳи бўламиз. Бу файзли урф-одатимиз кишилардаги меҳр-оқибатни, ўзаро ҳурмат-иззатни, ўртоқлик, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этган. Бизнинг давримизга келиб эса, минг афсуски, фарзандларнинг ўз ота-онасига, ўзидан катталарга «сен» сираф, ўдағайлаб гапиришини, кўпол муомалада бўлганларини учратиб қоламиз. Мана шундай ҳолатдан эҳтиёт бўлмоғимиз даркор...

(*multiurok.ru* сайтида)



1. Матннинг асосий гоясини 1–2 жумла орқали баён этинг.
2. Матннинг асосий ғоясини етказиб беришда муаллиф қандай манбалардан фойдаланган? Уларнинг ролини изоҳланг.

3. Хўш, нима сабабдан бугунги ёшларимиз қўпол муомала қиласди? «Муаммо» усулидан фойдаланиб, сабабини аниқлашга урининг.

Муаммо тури	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммонинг ечиш йўллари (амалий ҳаракатлар)
1.		
2.		
...		

4. Бу ҳол оилада тарбиянинг етишмаслигиданми ёки урф-одатларимизни яхши билмасликданми? Ўйланг, фикр юритинг ва ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.



5. Матн таркибидан ассимиляция ва диссимилияцияга учрайдиган сўзларни териб ёзинг.  
6. Матн таркибида берилган мақоллардан бирини танлаб, газетага мақола эълон қилинг.

**8-машқ.** Қўйида берилган ҳар бир мавзу бўйича тақдимот тайёрланг.



1

### *Сўз ва унинг маънолари*

Сўз гапнинг маъно ва грамматик хусусиятга эга бўлган энг кичик қисмидир. Тил элементи сифатида сўз маъно англатувчи бирлиқдир. Сўзниң борлиқдаги нарса, предмет ёки ҳодисани ифодалаши унинг маъносидир. Масалан, *китоб*, *тош гул* маълум предметларни англатса; *яхши*, *катта*, белгини; *ўқимоқ*, *юрмоқ*, *ишламоқ* ҳаракат маъноларини англатади.

Сўз луғавий маънодан ташқари нарса ёки шахсга кишининг ижобий ёки салбий муносабатларини ҳам билдиради. Бундай сўзлар услубий бўёқдор сўзлар дейилади. Масалан, *чехрасидан нур ёғилади* гапидаги чехра сўзи ижобий маъноли, *одамнинг турқи шунча совуқ бўладими?* жумласидаги *турқ* сўзи салбий маъноли сўздир.

## 2

### *Сўз маъносининг ўзгариши*

Сўзлар бир маъноли ва бирдан ортиқ маъноларни англатиши мумкин. Бир маънони англатган сўзлар бир маъноли (моносемантик), бир неча маънони англатадиган сўзлар кўп маъноли (полисемантик) сўзлар дейилади.

## 3

Халқимизнинг умри боқий анъаналарини ўзида мужассам этган миллий урф-одатларимиздан: саломлашиш, никоҳ, тўй қилиш, оила тутиш, фарзандни тарбиялаш, ота-онани ҳурмат қилиш, саломатликни сақлаш, илм олиш, кийим кийиш, нонни эъзозлаш, касб-корлик, меҳмон кутиш, савдо-сотик қилиш, миллий байрамларни ўтказиш, табиатни муҳофаза қилиш, мотам маросимларини ўтказиш кабиларнинг ҳар бири буюк бир мактабдир. Уларни ота-боболаримиз асрлар давомида ўз ҳаётларида синаб, турмушларида қўллаб, синовдан ўтказиб бизларга мерос қилиб қолдирганлар. Демакким, уларнинг меросхўри сифатида бизлар ҳам улар томонидан кашф этилган миллий, маърифий, маданий, диний урф-одатларни авайлаб асраб, келажак авлоддаг мукаммал равишда инъом қилмоқлигимиз лозим.

*M.Сайдов*

## 4

Тилдаги сўзларнинг катта қисми кўп маъноли сўзлар ҳисобланади.

Кўп маънолилик, асосан, сўзниг янги маъно ифодалаши натижасида пайдо бўлади. Масалан, *кўз, бош, қулоқ, оғиз* ўз маъносида инсон аъзоларини билдирса, ясама маъносига кўра *узукнинг кўзи, бош ҳисобчи, шишанинг оғзи* каби маъноларни ҳам ифодалайди.

Кўп маъноли сўзлар қанча маънога эга бўлса ҳам, бу маънолар ўзаро бир-бири билан боғланган бўлади. Чунончи, *кўз сўзининг одамнинг кўзи, узукнинг кўзи, дараҳтнинг кўзи* маънолари ўхшашлик хусусиятларига кўра бир-бири билан боғлиқ. Шу хусусияти билан кўп маъноли сўзлар омонимлардан фарқланади.

Сўзниг бош маънодан ташқари бошқа маъноларда қўлланилиши сўздаги маъно тараққиёти билан боғлиқ. Бундай маъно тараққиёти-

га олиб келувчи воситалардан бири – сўз маъносининг кўчишидир. Ўзбек тилида сўз маъноси кўчишининг қуидаги усуллари мавжуд: *метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, киноя*.

**Метафора.** Метафора-грекча «кўчириш» демакдир. Бирор предмет, белги, ҳаракат, ҳодисанинг номини нисбий ўхшашлиги асосида бошқасига кўчиши метафора дейилади. Метафора йўли билан маъно кўчишида предмет, нарса, ҳодиса учун умумий бўлган бир белги (ранги, шакли, кўриниши) мавжуд бўлиб, шу белгининг ташқи ўхшашлиги асосида маъно кўчади. Масалан, *бурун сўзининг одамнинг бурни, кеманинг бурни, чойнакнинг бурни* каби маъно кўчишларида ташқи ўхшашлик, юз қисмидан олдинга бўртиб чиқиб турганлик асос бўлган. Кўз сўзининг одамнинг кўзи, узукнинг кўзи, ёғочнинг кўзи каби маъно кўчишлари учун шаклий ўхшашлик асос бўлган.

**Метонимия.** Метонимия – грекча «қайта номлаш», «алмаштироқ» демакдир.

Предмет ва ҳодисаларнинг ўзаро макон ва замонда боғлиқлиги асосида бирининг номини иккинчисига кўчиши метонимия дейилади. Маъно кўчишининг бу усулида предметлар ўртасида ташқи ва ички ўхшашлик бўлмайди. Бироқ предметлар орасида алоқадорлик, бир-бири билан боғлиқлик мавжуд бўлади. Масалан, *бир пиёла ичдим гапида пиёла билан чой ўртасидаги боғлиқлик* – чойни пиёлага қуишлиши асосида чой сўзи ўрнида пиёла сўзи қўлланилган. Маъно кўчишининг бу усулида нутқда битта сўз туширилади: Фузулийни олдим қўлимга (Фузулийнинг асарини), бир коса едим (бир коса овқат), зал оёққа турди (залдаги одамлар), Йигирма бешга кирди (йигирма беш ёшга) кабилар метонимия йўли билан маъно кўчишидир.

**Синекдоха.** Синекдоха-грекча «бирга англамоқ» демакдир. Қисм орқали бутунни ёки аксинча бутун орқали қисмнинг ифодаланиши синекдоха дейилади. Масалан, *тирноқ* сўзининг «бола» маъносида *бош, туёқ* сўзларининг «қўй», «сигир» маъносида ишлатилиши қисм орқали бутунни ифодалашдир. Қўл сўзининг бармоқ (кўлидаги узугим), *қўй* сўзининг (қўйнинг териси-қўй телпак) маъноларида қўлланилиши бутун билан қисмнинг ифодаланишидир. *Олма, ўрик, нок, беҳи, жийда, узум* каби мева номлари орқали дарахтни ифодаш, шунингдек, самовар (чойхона), *эшик* (уй) кабилар ҳам синекдоха орқали маъно кўчишидир.

**Вазифадошлик.** Бир предмет вазифасини иккинчи бир предмет ба жариши асосида ном кўчиш вазифадошлик дейилади. Маънонинг бу

усулда кўчиши метафорага ўхшаб кетади. Бироқ бу усулдаги маъно кўчиши предметлар орасидаги ташки ва ички ўхшашликка эмас, балки вазифавий ўхшашликка асосланади. Масалан, қанот (қушнинг қаноти, самолётнинг қаноти), ўқ (ёй ўқи, замбарак ўқи) каби. Вазифадошлиқ фақат от туркумига хос ҳодисадир.

**Киноя.** Сўзни тескари маънода қўллаш киноя дейилади. Киноя билан айтилган сўзлар қўштириноққа олинади.



#### **9-машқ. Матнни овоз чиқариб ифодали ўқиб эшиттиринг. Матн мазмуни ни ўзлаштиринг. Сарлавҳа танланг.**

Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз қуч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз. Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суюниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшashi учун бор қуч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгиригимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.

Эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида бундай машъум хатарларни неча бор кўрган, уларнинг жабрини тортган. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган мاشаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган.

(Ш.Оллоназарова)



1. Матнда қандай муаммолар кўтарилиган?
2. Тингланган материалдаги ахборотнинг долзарблиги нуқтаи назаридан баҳоланг, ўз муносабатингизни билдиринг. Ҳаётга боғлаб, ўз фикрини далилланг.
3. Матндан лексикологияга оид сўзларга мисоллар топинг.
4. Тилнинг лугат таркиби деганда нимани тушунасиз?  
**Холосаланг.**
5. Матнда берилган сўзларнинг ифодалаган тушунчалари асосида қуийидагича гуруҳларга ажратиб дафтaringизга кўчиринг:  
I. Тўери маъно ва кўчма маъно тушунчаларини ифодаловчи сўзлар.  
II. Метафора, метонимиya, синекдоха тушунчаларини ифодаловчи сўзлар.  
III. Грамматик омонимия, от омонимлар, сифат омонимлар, феъл омонимлар тушунчаларини ифодаловчи сўзлар.

**ЎЗ ТАРИХИНИ БИЛМАЙДИГАН, КЕЧАГИ КУНИНИ УНУТГАН МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ. БУ ҲАҚИҚАТ КИШИЛИК ТАРИХИДА КЎП БОРА ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПГАН.**



«Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» мавзусида маҳаллий газетага мақола ёзинг.





## АСЛ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ САРЧАШМАЛАРИ БЮОК АЖДОДЛАРИМИЗ- ДАН МЕРОС

Омоним, синоним, антоним ва паронимлар  
Касб-ҳунарга оид сўзлар ва атамалар  
Эскирган ва янги пайдо бўлган сўзлар. Неологизмлар

**Таянч тушунчалар:** Навоий, бой ва серқирра ижод, «Хамса», дурдона асарлар, улкан сўз захираси, савоб ишларга даъват, маънавий қувват, даҳо санъаткор.



### 10-машқ.

...Шуни қувонч билан айтиш жоизки, Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижоди фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам салмоқли ўринга эга. Навоий лирик, эпик ва фалсафий асарлари билан XV аср адабиётида чуқур из қолдириди. Улуғ шоирнинг асарлари ҳётлик давридаёқ Хитойдан тортиб Кичик Осиёгача етиб борди ва ҳозирда бутун дунё халқлари ҳам севиб ўқишишмоқда.

«Хамса» достони Навоий ижодининг дурдонаси саналади. Ўзбек тилида «Хамса» – беш достон яратиш мақсади ёшлигидан бўлган. Бу мақсадини 1483-85 йилларда амалга ошириди. Асар ўзбек адабиёти шуҳратини оламга ёйиб, жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бирига айланди. Яна унинг «Тарихи мулуки Ажам», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Риссолаи муаммо», «Мажолис ун-нафоис», «Муншашот», «Мезон ул-авzon», «Ҳолоти Паҳлавон Мухаммад», «Насойим ул-муҳаббат», «Девони Фоний», «Лисон ут-тайр», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб», «Назм ул-жавоҳир», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Сирож ул-муслимин», «Арбанин» каби бебаҳо асарлари мавжуд.

Навоий ижодига назар ташласак, шеъриятнинг 16 хил жанрида ижод қилганлигини билиб оламиз: ғазал, рубоий, туюқ, фард, қитъа, мухаммас, мусаддас, мўсаллам ва ҳоказо. Бу каби жанрларда ҳеч бир шоир Навоийдек ижод қилганлигини учратолмайсиз.

Улуг бобомиз шеър ёзишда фақатгина ўзбек тили имкониятлари билан чегараланиб қолмаган, бошқа тиллардан ҳам унумли фойдаланган. Ўткир Ҳошимов бу борада қуидагиларни қайд этади:

«Олимлар ҳисоблаб чиқишган. Пушкин ўз асарларида 21197 та бетакрор сўз ишлатган, Шекспир салкам 20 мингта, Сервантес мингтага яқин. Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 660 та бетакрор сўз ишлатган. Боиси, буюк бобомиз фақат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам маҳорат билан фойдаланган».

Далиллардан қўриниб турибдики, Навоийнинг сўз захираси ниҳоятда улкан экан. Ҳазрат ишлатган сўз ўйинлари кўлами ҳам бекиёсdir. Негаки, Навоий шеърни шунчаки бирор нарсани баён қилиш эмас, балки мўъжиза кўрсатиш дея ҳисоблайди. Ул зот ёзади-ки:

Бўлмаса эъжоз мақомида назм,  
Бўлмас эди Тенгри қаломида назм.

Навоий ўз асарларида ва Хуросоннинг вазири аъзами сифатидаги фаолиятида инсонни ана шундай тушунишни, қадрлашни, ҳимоя этишни ва савоб ишларга даъват қилишни муқаддас вазифа деб билди.

Инсонни тавсифлашда Навоий бир ёқлама муболагага йўл қўймайди, у одамнинг ожиз томонлари борлигини ҳам тан олади. Аммо инсон ўз фазилатларини ҳимоя қила ва саклай олса, унинг ҳаёт учун курашида фазилатлари устун чиқишига чуқур ишонч изҳор этади:

Бордир инсон зотида онча шараф, –  
Ким, ямон ахлоқин этса бартараф.

Навоий нафақат шоир, таржимон, тилшунос олим, балки давлат арбоби сифатида ҳам тарихда катта из қолдирган. Ана шунинг учун ҳам унинг кўп рубоийлари, достонлари халқни қай йўсинда баҳтли-саодатли қилмоқ мумкин, саволига жавоб тариқасида ёзилгандир. Алишер Навоий дунёни тушуниб ўтди. Шу боис, алғов-далғов замонларда ботинан хотиржам яшади. Зотан, Нозим Ҳикмат таъбири билан айтганда: «тушунмак – буюк хотиржамлик», – деганидир.

Навоий яшаган даврдан буён беш асрдан кўпроқ вақт ўтди. Мовароуннахр тупроғи не-не босқинларга, тожу таҳт учун қонли курашларга саҳна бўлди. Аммо шоир ижодининг қиммати асло пасаймади. Ҳар авлод ундан ўзи учун нимадир топди. Навоий асарлари халқимиз учун маънавий қувват ва юксалиш манбай бўлди.

Навоий шахсияти ва ижодини тадқиқ этиш XV асрдан буён олимлар, шоирлар, таржимонлар, котиблар, наққош ва мусавирлар диққат марказидаги масалалардан бири бўлган.

Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш миқёси XX асрда янада кенгайди. 1941 йили қамал қилинган ва бомбалар ёғилиб турган Санкт-Петербург шаҳрида шоир ижодига бағишлиланган анжуманнинг ўтказилиши илм йўлидаги фидойиликнинг ёрқин намунаси бўлган эди. Кейинги ярим аср давомида Навоий асарлари жаҳоннинг турли мамлакатларида қайта-қайта чоп этилди. Жаҳон тинчлик кенгаши 1968 йили Навоий юбилейи муносабати билан йўллаган табрикномасида: «Жаҳон маданиятининг энг яхши дурдоналарига мансуб бўлган Алишер Навоийнинг қудратли ҳаётбахш шеърияти бутун тараққийпарвар инсониятнинг бойлиги бўлиб қолади», дея эътироф этган эди.

Навоий ижоди ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини мустақил Ўзбекистонда топди, дея оламиз. 1991 йил Алишер Навоий йили деб аталган эди. Мамлакатимиз бу улуғ зот номи билан мустақиллик даврига қадам қўйди. Бунда ўзига хос рамзий маъно бор. Зоро, Навоий ўзининг ҳаёти ва фаолиятини юрт мустақиллиги ва тинчлиги, ўзбек тилининг нашъу намоси учун бахшида этган эди.

Бугун Алишер Навоий ҳақли суратда жаҳон маданиятининг мумтоз вакиллари сафидан ўрин олди. Унинг асарлари жаҳондаги юзлаб тилларга таржима қилинди. Дунё аҳли унинг мероси билан қизиқмоқда, асарларида тараннум этилган олижаноб гоялар ва фалсафий мушоҳадаларидан завқ олмоқда. Шоир ҳайкаллари Япониянинг Сока университети ҳовлисида, Москва ва Боку шаҳарларида қад кўтарди.

Барча даҳо санъаткорлар сингари Алишер Навоий ҳам ўзининг номи ва яратган асарлари оша яшаб қолишига ишонган эди. «Умидим улдурки ва хаёлимга андок келурки, сўзим мартабаси авждан қуи энмагай ва ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтиргай», деб ёзган эди улуғ шоир. Бу башпоратомуз сўзлар ижобат бўлди. Эндиликда шоир сўзлари дунё бўйлаб ўзининг юксак парвозини давом эттироқда.

(ferlibrary.uz/alisher-navoiy)



1. Матннинг асосий ва майдада тафсилотли ахборотини аникланг, далил ва фикрни ажратинг.



2. Навоий ҳақида олган маълумотларингиз бўйича қўйидаги «БББ» жадвалини тўлдиринг.

«Биламан»	«Билишни хоҳлайман»	«Билиб олдим»

3. Матннинг асосий ғоясини аниқланг ҳамда уни етказиб беришда изоҳларнинг ролини белгиланг.



**11-машқ.** Матндан лексик маъно ифодаламайдиган сўзларни аниқланг ва уларнинг нима сабабдан лексик маъно ифодалай олмаслигини тушунтиринг.

...Лекин Бобур сўнгги йилларда кўп касал бўлиб, жуда озиб кетган, жуссаси хийла кичрайиб қолган эди. Хондамир унинг ўзини қанчалик олдириб қўйганини Секри тоғига сайрга чиққанларида офтоб ёруғида жуда аниқ кўрди. Бобур Секри тоғининг мўъжазлиги ва текис жойга тушганлиги Ўшдаги Буратогни эслатиши ҳақида гапирар, тоғ этагидаги кўл ичиға қурилаётган тошсупани қўли билан кўрсатар, пастда қулф уриб ўсган ям-яшил боғ ва дараҳтлар орасидан кўриниб турган янги иморатлар қандай барпо бўлганини ҳикоя қиласарди.

Хондамир эса унинг суяги бўртиб қолган озгин юзига, кўз атрофлари ва пешонасидаги қават-қават ажинларига, уйқусизликдан ичига ботиб кетган қовоқларига қараб, ич-ичидан унга куюнар эди. Тоғдан кўл томонга тушиб борётганларида Бобур Хондамирнинг бу куюнишини сезгандай бўлиб:

– Менинг тақдирим ғалати, мавлоно, – деди. – Атрофимни обод қилганим сари ўзим сўлиб бормоқдамен.

– Унчалик эмассиз... ҳар қалай, ўзингизга ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилишингиз зарурмикин?

– Зарурликка зарур. Лекин мамлакат қанчалик улкан бўлса, уни идора этиш шунчалик қийинлашар экан. Мен зўр бир давлат тузиш мақсадини зиммамга олганимда бунинг қанчалик мушкул эканини тасаввур қилмаган эканмен...

*Пиримқул Қодиров*



1. Бу парча П.Кодировнинг қайси асаридан олинганд?
2. Калит сўзларни топиб ёзинг. Шу сўзлар ёрдамида матннинг ўзига хос жанрини инобатга олган ҳолда оддий ёки мураккаб цитатали режа тузинг.
3. Матн таркибидан замонавий қатламга хос бўлмаган сўзларни териб ёзинг.
4. З.Бобур орзуси ҳақида тўлароқ фикр юритинг ва тақдимот тайёрланг.
5. «Мен зўр бир давлат тузиш мақсадини зиммамга олганимда бунинг қанчалик мушкул эканини тасаввур қилмаган эканмен...» жумласи билан Бобур нима демоқчи? Бу гапга қандай изоҳ берасиз? Уйда адабиёт дарслигингиз ва интернет материалларидан фойдаланган ҳолда ижодий иш – эссе ёзинг.

**ЁДГА ОЛИНГ!** Таянч тушунчалар: замонавий қатлам, эски қатлам, тарихий сўзлар (историзмлар), архаизмлар, янги қатлам, неологизм, умумтил неологизмлари.

**Таянч тушунчалар асосида:**

- 1) замонавий қатлам ҳақида;
- 2) эски қатламга оид сўзлар ва уларнинг турлари;
- 3) архаизм ва историзмларнинг бир-биридан фарқли томонлари;
- 4) янги қатлам.

Неологизмларнинг пайдо бўлиш йўллари ҳақида гурӯҳларда маълумот тайёрланг.

## 12-машқ. Қўйидаги жадвалларни шарҳланг.

### 1-жадвал

Тилдаги сўзлар маъноси ёки шаклига кўра бир-бирига алоқадор бўлади.

Маъно муносабатига кўра сўзлар: **маънодош**, (*синоним*), **зид маъноли** (антоним), шакл муносабатига кўра эса: **шаклдош** ва **талаф-фуздош** (*пароним*) сўзларга бўлинади.

**Маънодош сўзлар** (сионим). Синоним грекча – «бир ном» демакдир. Бирдан ортиқ сўзларнинг бир маънони англатишидан синонимлар ҳосил бўлади.

Шакли ҳар хил бўлиб, бирлаштирувчи маъноси бир хил бўлган сўзлар синонимлар дейилади. Бундай сўзлар айнан бир маънони ифодаласа-да, турли маъно нозикликларига ҳам эга бўлади. Масалан, **бет, афт, башара, чеҳра, жамол** синонимлари учун «юз» маъносининг ифодаланиши бирлаштирувчи маъно.

Ушбу сўзлардан **бет, афт, башара** «юз» маъносининг салбий, **чеҳра, жамол** ижобий ҳолда ифодалаши шу сўзлардаги маъно нозикликларидир. Синонимларнинг кетма-кет қўйилиши синонимик қатор (сионимик уя) дейилади. Синонимик қатор камида иккита сўздан ташкил топади. Масалан, **одам, киши, инсон; чиройли, зебо, барно, юрт, ватан, ўлка, диёр**.

Синонимик қатордаги бир сўз бошқаларига кўра кўп ишлатилади. Масалан, **юрт, ватан, ўлка, диёр** сўзларидан **ватан** сўзи бошқаларига нисбатан кўп қўлланилади. Синонимик қатордаги бундай сўз доминанта (бош сўз) дейилади.

Нутқда фақат бир маъноли сўзлар эмас, кўп маъноли сўзлар ҳам бошқа сўзлар билан бир неча маънода синоним бўла олади.

Синонимларнинг нутқий вазифалари қўйидагилар:

Синонимлар нутқда фикрни аниқ ва мақсадга мос ифодалаш вазифасини бажаради.

Фикрда ортиқча сўз такрорини олдини олади.

Адабий тилни бойитади.

Ўзбек тили синонимларга бой тилдир. Синонимларнинг кўплиги тилнинг бойлиги бўлиб, бир маънони турли даражаларда ифодалаш имконини беради. Масалан, «**қарамоқ**» тушунчасини ифодаловчи **тиклиб қолди** «узоқ қарамоқ», қиё боқди «**бир қараб қўймоқ**», **зимдан кузатди** «яширинча қарамоқ» каби маъноларни ифодалаган.

Синонимлар қўйидаги турларга бўлинади:

Луғавий синонимлар.

Грамматик синонимлар.

Луғавий-фразеологик синонимлар.

Услубий синонимлар.

## 2-жадвал

**Антонимлар.** Қарама-қарши (зид) маъноларни билдирадиган сўзлар антонимлар дейилади. Масалан, *катта-кичик*, *яхши-ёмон*. Антонимлик муносабатлари, асосан, белги билдирувчи сўзларда бўлади. Шу боисдан антонимлар, асосан, сифат: *оқ-қора*, *яхши-ёмон*, *узун-қисқа* ҳамда равиш: эрта-кеч, яқин-йироқ туркумларига хосдир. Антонимлар қисман от туркумидаги ҳам учрайди. Масалан, *уруш-тинчлик*, *дўст-душман*. Тилдаги барча сўзларнинг антоними бўлавермайди. Чунончи, *сон*, *олмош*, *модал* *сўз*, *ёрдамчи* сўзларда антонимик муносабатлар мавжуд әмас.

Сўзлар асл маъносига кўра, шунингдек кўчма маъносига кўра антоним бўлиши мумкин. Масалан, *иссиқ-совуқ* (асл маъносига кўра), *иссиқ* (ёқимли – истараси иссиқ), *совуқ* (ёқимсиз турқи совуқ) кўчма маъноларига кўра ҳам антонимdir.

Кўп маъноли сўзлар ҳам ҳар бир маъноси билан бошқа сўзларга антоним бўлиши мумкин. Масалан, *оғир* сўзи бир маъноси билан енгил сўзига, бошқа маъноси билан эса *қийин* сўзига (унга оғир бўлди) антоним бўла олади.

Антонимлар жуфт ҳолда қўлланилади. Антонимлар ёрдамида бадиий адабиётда тазод санъати ҳосил бўлади.

Чархи кажрафторининг бир шевасидан доғман

Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур.

*Фурқат*

Байтдаги *нодон-доно* антонимлари ёрдамида тазод санъати яратилган.

## 3-жадвал

**Омонимлар.** Талаффузи ва ёзилиши (шакли) бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар омонимлар дейилади. Масалан, *олма* (мева) *олма* (бирор нарсани олмаслик); *от* (ҳайвон), *от* (ташла); *суз* (овқатни), *суз* (сувда).

Омонимлар, асосан, бир хил туркумдаги сўзлардан ҳосил бўлади. Масалан, *сузди* (сувда), *сузди* (овқатни) – феъл туркуми.

Баъзан омонимлар ҳар хил туркумдаги сўзлардан ҳам ҳосил бўлади: *от* (исм), *от* (ҳайвон) – от туркуми, *от* (ташла) – феъл туркуми.

Шунингдек, омоним сўзлар асосида ҳам омонимлар ҳосил бўлади: *суз* (сувда), *суз* (овқатни); *сузма* (қатик), *сузма* (ҳаракат); *ол* (қизил), *ол* (олмоқ); *олма* (мева), *олма* (ҳаракат).

Омонимларда эса маъно ўзаро боғлиқ бўлмайди. Масалан, ўт сўзи-даги «олов», «майса», «ўтмоқ», бошқа-бошқа маънолардир. Шунга кўра бу маъноларнинг ҳар бири учун ўт сўзи алоҳида сўздир.

Омонимлар бадиий адабиётда *туюқ жанрини* вужудга келтиради.

Шам янглиғ ёнадур бошимда ўт,  
Кўз ёшимдан ер юзида унди ўт.  
Қон ёшим қилди йўлингни лолазор,  
Мунча тақсир айладим, қонимдан ўт.

(*А.Навоий*)

Омонимлардан бадиий адабиётларда, айниқса асқиячиликда сўз ўйини сифатида фойдаланилади. Бадиий асарларда тажнис санъати омонимлар ёрдамида яратилади.

*Паронимлар.* Талаффузи бир-бирига ўхшаш, шакли ва маъноси бошқа-бошқа бўлган сўзлар паронимлар дейилади. Паронимларда сўз маъносини ўзгаришда бир ҳарф асос бўлади. Масалан, *аср-асир*, *азм-азим*, *шоҳ-шоҳ*, *ёд-ёт*, *ёндош-ёндаш*, *абзал-афзал*, *хол-ҳол*, *амр-амир*.





## МАЊНАВИЯТИ ЎОКСАК ХАЛҚ ЎЗЛИГИНИ ЙЎҚОТМАС

Кирма сўзлар. Ўзлашган сўзларнинг ишлатилиши

**Таянч тушунчалар:** ўз қатлам, ўзлашган қатлам, умумтуркӣ сўзлар, ўзбекча сўзлар, арабча сўзлар(арабизмлар), тожикча сўзлар, русча сўзлар, сўз ўзлаштириш, калька.

 **Ўйланг, изланг, қўйидаги мавзулар бўйича жуфтлиқда ижод қилинг.**

1. Ўз қатламга мансуб сўзлар ва уларнинг турлари.
2. Ўз қатламга оид сўзларнинг энг муҳим белгилари.
3. Ўзлашган қатлам ва унинг турлари.
4. Форсча – тожикча сўзлар.
5. Арабча сўзлар ва уларнинг энг муҳим хусусиятлари.
6. Русча-байналмилал сўзлар ва уларнинг мавзувий гурухлари.
7. Сўз ўзлаштириш йўллари ва усуллари.



### 13-машқ. Матнни овоз чиқариб ифодали ўқинг.

Одамзот нима учун кафтдек ҳовлисига гул экади? Ундан кўра шолғом экса, қозонига тушади-ку.

Одамзот нима учун булбул чаҳ-чаҳини эшитганда энтикиб кетади? Ундан кўра булбулни шўрвага солиб пиширса, нафсини қондиради-ку?

Одамзот нима учун осмонда чараклаб турган юлдузларни кўриб, кўнгли завққа тўлади? Юлдузлар унинг ҳамёнидаги тиллалар эмас-ку.

Одамзот нима учун китоб ўқиётисиб, суюкли қаҳрамони ўлиб қолса, йифлайди? Уни ёзувчи «ичидан тўқиб чиқаргани»ни билади-ку?

Одамзот нима учун ўзга юртларга бориб беҳисоб мол-дунё орттираса-ю, иттифоқ болалиги кечган кулбаси тушига кириб қолса, туни билан йифлаб чиқади? Ахир у шоҳона қасрда яшайди-ку!

Одамзот нима учун боласининг бошида алла айтади? Гўдак алла эшитмаса, ухламайдими?

Одамзот нима учун неварасини етаклаб неча замон аввал ўтиб кетган бобосининг қабрини зиёрат қиласди? Марҳум уларни кўрмайди-ку? Гап шундаки, Одамзотни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи Маънавият деб аталади!

Ўткир Ҳошимов



1. Матнда қандай масала кўтарилиган? Асосий фикр нимада?
2. «Т-жадвали» усули асосида матнда кўтарилаётган масалани жадвал ёрдамида ёритинг.

Ўрганилаётган масала (гоя, омил)	
Афзаллиги	Камчилиги
1.	1.
2.	2.
...	...



1. «Маънавияти юксак инсон бу...» мавзусида фикрни давом эттириб, эссе ёзинг (130–150 сўз).
2. Маданият, қадрият ҳақида ўзингиз ўқиган, томоша қилган маълум бир асар ҳақида таассуротларингизни ёзиб келинг.



#### 14-машқ. Матнни ўқинг ва муҳокама қилинг ва сарлавҳа қўйинг.

Келажак нима? Мен халқим келажагини қандай тасаввур қиласман? Келажак – инсонни эртанги куни ҳақида ташвишли ёки ширин хаёлларга берилиб, орзулас масканига элтувчи йўл. Йўл нотекис, пасту баландликлардан иборат бўлади, одатда. Қадимдан адолатли ҳукмдорлар юртининг нурли келажаги устида қайтурғанлар, режалар тузганлар. Шу ўринда фахр ва шукроналик ҳиссини туйган ҳолда айтамизки, қозогистонликлар тақдир елкасини силаган халқ.

Хон Тангридек осмонўпар тоғлари бор, Иртиш, Аяқүз, Едил, Илидек тошқин дарёлари сўлим боғларини суғорган Ватаним. Сахроларида, чексиз кенгликларида чўпон боласи ўзини султонлардек ҳис қилган юртим. Сенинг бағрингда истиқомат қилаётган 130дан ортиқ турли миллат фарзандлари ўзини бехавотир ҳис этадими? Фарзандларинг келажаги ташвишга солмайдими?

Шу саволни ёши ва миллатидан қатъий назар, кимга бермай, ҳамма бир овоздан эртаси учун кўнгли тўқлигини айтади. Юқорида айтилганидай бизнинг президентимиз халқлар дўстлиги масаласига алоҳида ургу бериб келмоқда. «Миллат афзаллиги масаласини кўтарган ҳар қандай инсонни мен шахсий душманим деб ҳисоблайман», шиори остида ишлаб келмоқда. Боғча, мактаб ва ўқув даргоҳларида барча миллат фарзандлари байналминал руҳда тарбияланиб, бир оила фарзандидек таҳсил олиб келмоқда.

Элбошимиз келажакка етакловчи йўлнимизни мунаvvар бўлиши учун қатор дастурлар ишлаб чиқмоқда. Шу дастур туфайли биз эллик эмас, эндиликда ўттиз рақобатбардош давлатлар қаторига изчил яқинлашдик. Ватанимиз обод, халқимиз фаровон.

«Биз, қозогистонликлар, ягона халқмиз! Ҳаммамиз учун бир тақдир – бу бизнинг Мангалик эл, қудратли ва шарафли Қозогистонимиз!», – дейди элга мурожаатида президентимиз.

Шу ўринда «Мангалик нима?» деган савол туғилади. Назаримда, асрлар оша қадр-қимматини йўқотмайдиган ҳар қандай обида мангаликка дахлдор. Амир Темурнинг Яссавий бобомиз учун қурдирган мақбараси, Сарёмийу Байзовичлар, Абай-у Қўрмонғози, Диналар яратган бетакрор мисралар, кўйлар мангалик эшигини аллақачон очиб берган.

Шамши оғамизнинг куйлари, Муқабали Мақатаев, Мағжан Жумабоевларнинг ашъорлари миллий оҳангларнинг ўчмас изи бўлиб янграб келмоқда.

Жунгорларни ер тишлатиб, чингизийларни сиқиб чиқарган Қабанбай, Науризбай, Бўгенбай каби ботирлар бугунги нурли ҳаёт учун тамал тошини қўйиб, мангаликка қадам босдилар. Улар қўлидан тушган туғни илиб олган ёшларимиз барча соҳаларда бутун дунё халқлари кўз олдида Қозогистон байроғини баланд кўтартмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ягона байроқ остига бирлашган қозогистонликлар ўйи ва тўйи бир, қувончу ташвиши, интилиш ва мақсади бир бўлиб Қозогистонимизни «Мангалик элим», деб алқаб яшайдилар. Бугуни ва эртаси учун пойдевор яратиб, илдизини мустаҳкамлаб бораётган, тарихидан сабоқ олиб, «Куч бирликда» деган нақлга амал қилиб яшаётган эл – мангаликка дахлдор эл!



1. Матн мазмунини жуфтликда мұхокама қилинг. Тезисини топинг.



2. Гурухда танлаган тезислар билан ўртоқлашинг. Матн юзасидан бир-бирингизга 5та ёпиқ ва 5та очиқ саволлар тузинг.
3. Гурухлараро савол-жавоб ўтказинг.



4. Матндан неологизм (янги пайтда бўлган сўзлар), касб-ҳунарга оид сўзлар (профессионализмлар), атамалар (терминлар)ни топиб дафтарингизга кўчириб ёзинг.



### **15-машқ. Қуийдаги сўзларни жадвалдаги ўз ўринларига жойлаштиринг.**

Дудоқ (лаб), тилмоч (таржимон), улус (халқ), ёғи (душман), ирин (лаб), дирам (танга), илик (қўл), бўрк (телпак), ораз (юз), қопқа (дарвоза), алам, ялов, туғ (байроқ), фалак (осмон), муаррих (тариҳчи), черик (қўшин), Жайхун (Амударё), Сайхун (Сирдарё), Шош (Тошкент), Кеш (Шахрисабз), Насаф (Карши); Ҳафтанома, таҳлилнома, тест, рейтинг, бакалавр, магистр, коллеж, лицей, маркетинг, баҳор, қиши, куз, гарб, шарқ, ер, осмон, тоғ, ёмғир, қор, дарё, яхши, ёмон, чиройли, тор, ким, бирор, ҳар ким, ҳар қандай, тез, оз, кўп, аста, ёзмоқ, яшамоқ; биржа, менежер, акция, сертификат, супермаркет, концерн, корпорация; Амир, канизак, чўри, мирзабоши, қушбеги, совут, қози, миршаб, чорик, мингбоши, оқсоч, ҳарам, юзбоши.

Замонавий қатлам	Эски қатлам	Янги қатлам
	Тарихий сўзлар (историзмлар)	Архаизмлар
		Неологизм



1. Тарихийлик нуқтаи назаридан тилдаги лексик бирликлар неча қатламга бўлиб ўрганилади?
2. Замонавий қатлам деганда нимани тушунасиз?
3. Эски қатламга оид сўзлар қандай турларга бўлинади?
4. Архаизм ва историзмлардан нутқда қандай мақсадларда фойдаланилади?

**Ўзлашма сўзлар.** Сўзлар тилнинг ўзига хослиги ва бошқа тиллардан кирганлигига кўра иккига бўлинади: а) ўз қатлам; б) ўзлашма қатлам.

Асли шу тилнинг сўзи бўлган сўзлар ўз қатлам сўзлари: *бош, қош, кўз, ол, бер, қўй, кел, кет, бек* каби. Ўз қатлам сўзлари қўйидаги хусусиятларга эга: кўп маънолилик ўз қатламга хос бўлади, мавҳум тушунчаларни билдирилмайди, бир, икки, қисман уч бўғинли сўзлардан иборат бўлади, икки ва ундан ортиқ унли ва ундош ёнма-ён келмайди, сўз ўзаги талаффуз қилинганда товуш ўзгариши юз бермайди. Масалан, *Самарқанд, гишт* сўзлари талаффуз қилинганда товуш тушади, *мактаб* сўзи талаффуз қилинганда б товуши п га айланади. Демак, булар ўзлашма сўзлардир. Тилдаги феъллар, сонлар, тақлид сўзлар ўз қатламга хос бўлади.

Бошқа тиллардан кирган сўзлар ўзлашма сўзлар дейилади. Масалан, *парта, перо, бокс, солдат-рус тилидан, капитар, гүшт, гишт, гул, пешона*-форс-тоҷик тилидан, кимё, таълим, муаллим, китобараб тилидан ўзлашган сўзлардир.



## «НУР ШАРҚДАН ТАРАЛАДИ» ЁХУД ШАРҚ – ИЛМ МАСКАНИ

**Таянч түшүнчалар:** Шарқ, улуғ аждодлар, илмий-маънавий мерос, уйғониш давари.



**16-машқ.** Матнни диққат билан ўқинг ва жуфтликда мулоҳаза юритинг.

Шу муқаддас заминимизда яшаган улуғ аждодларимиз бундан күп асрлар илгари ҳозирги замонавий илм-фанга пойдевор қўйиб, уни ривожлантиришга бекиёс ҳисса қўшишган. Хусусан, улар математика, астрономия, геодезия, география, тарих, арифметика, фармакология, тиббиёт, фалсафа ва тилшунослик соҳаларидағи қомусий ишлари, ихтиrolари билан жаҳон цивилизацияси равнақида ўчмас из қолдирганлар.

Фарбда «Нур Шарқдан тарапади» деган иборанинг пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳиридин Муҳаммад Бобур каби бобокалонларимиздан қолган илмий-маънавий мерос Шарқ уйғониш даврининг дурдоналари мақомида дунё аҳли томонидан ҳақли равища тан олинган. Айниқса, Марказий Осиё ўрта асрлар илмий-маданий марказларидан бири сифатида бошқа минтақалардаги Ренессанс жараёнига ижобий таъсир қўрсатгани жаҳон илм-фанида ўз тасдигини топган. 2014 йилнинг май ойида Самарқандда дунёning элликка яқин мамлакатидан келган олимлар, нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ва илмий марказлар вакиллари, эксперtlар иштирокида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида ўтказилган ҳалқаро конференция ва давлатимиз раҳбарининг унинг очилиш маросимидағи маърузаси улуғ аждодларимизнинг ана шундай бой маънавий мероси аҳамиятини яна бир карра чуқур англаш имконини берди.



Табиат ҳодисаларига оид такомиллашиб, тадрижий ривожланиб борган тушунча ва таълимотлар, инсоннинг табиат билан боғлиқлиги тўғрисида-ги маълумотлар илк маротаба «Авесто» ҳамда Шарқ Ренессанси даврида ижод қилган мутафаккирлар асарларида ўз ифодасини топган. Ўз навбатида, Амир Темур, Алишер Навоий сингари давлат арбоблари томонидан ободонлаштириш, бөг-роғлар барпо этиш, сугориш тизимларини ривожлантириш каби эзгу юмушлар доимо қўллаб-кувватлаб келинган. Бинобарин, табиатга эҳтиром, унинг сиру синоатларини англаб етишга интилиш илмий асарларда яққол ифодасини топиб, жаҳон илм-фанига бекиёс ҳисса бўлиб қўшилди. Бу, албатта, бизга катта ифтихор ва ғурур бағишлийди.

Улардан бири инсоният интеллектуал тарихида чуқур из қолдирган илмий мактаб – Хоразм Маъмун академиясида самарали фаолият олиб борган Абу Райхон Беруний ҳисобланади. Манбаларда айтилишича, улуғ қомусий аллома 150 дан зиёд асар ёзган. Улардан фақат 31 таси бизгача етиб келган.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, «Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимион глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни тақлиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъя мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср дунё табиий фанлар тарихчилари томонидан «Беруний асри» деб аталиши бежиз эмас». Дарҳақиқат, табиат неъматларини кўз қорачигидек асрабавайлаш, уларни қадрлаш ва ҳар томонлама ўрганиш миллий маънавияти-мизга чуқур сингган, ҳалқимизга хос эзгу фазилат ҳисобланади. Абу Райхон Берунийнинг «Сайдана» асарида 1118 турдаги доривор, шу жумладан, 750 та ўсимлик ҳамда 101 ҳайвонга батафсил таъриф берилади. У ўз ишида араб, юонон, ҳинд, форс, сўғд ва бошқа тилларга оид 4500 та ўсимлик номи, ҳайвон, минерал ва улардан олинадиган маҳсулотлар ҳақида маълумот тўплаб, ўша давр доришунослик атамаларини тартибга солишига ўзининг катта ҳиссасини кўшган. Унинг илмий даҳолиги шундаки, тадқиқотлари, тажри-баларида табиатдаги барча ҳодисалар муайян табиий қонуният асосида юз беради, ташқи кучнинг таъсири уни издан чиқариши мумкин, деган хуло-сага келади. Берунийнинг «Агар инсонлар табиатга нисбатан зўравонлик қилиб, унинг қонунларини қўполлик билан бузсалар, бир кун келиб, табиат уларнинг бошига шундай кулфатларни солиши мумкинки, буни ҳеч қандай куч қайтара олмас» деган сўзи буғунги глобал экологик муаммоларнинг бундан минг йил олдин башорат қилинганини кўрсатади.

*О.Мусаева*





1. Матн мазмунни билан танишиб чиққач, таянч сўз ва фикрларни аниқлаб, матннинг тезисини тайёрланг.
2. Матнда қандай долзарб масалалар кўтарилиган?
3. Ўқилган матн бўйича тадқиқот учун ғояларни аниқ ифодаловчи саволлар тузинг, гуруҳлараро алмашинг, савол-жавоб ўтказинг.
4. Матндан ясама сўз туркумларини аниқлаб, қўйидагича изоҳланг.

Ясама сўз	Ўзаги	Ясовчи қўшимчаси	Шакл ясовчи қўшимчалар	Сўз ўзгартирувчи қўшимча
Тарихчилари	тарих	-чи	-лар	-и

### Лексик-синтактик усул билан сўз ясаш

Қўйидаги савол ва топшириқлар асосида сўз ясалиши мавзусини ўзингиз таърифланг ва қоида яратинг.

1. Янги сўз ҳосил қилиниши қандай аталади?
2. Янги сўзлар тилнинг лугавий жиҳатдан бойишини таъминловчи асосий манбадир, деган изоҳни қандай шарҳлайсиз?
3. Сўз ясалиши қайси мустақил сўз туркумлари учун хос?
4. Қайси сўз туркумларидан сўз ясалмайди?
5. Сўз ясалишининг қандай усуллари мавжуд?
  - ..., усул
  - ..., усул
6. Сўз ясовчи қўшимчалар қўшилиши орқали сўз ясалиши қайси усулга мансуб? Мисоллар келтиринг.
7. Икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро бирикишидан ташкил топган сўзлар қандай усул деб аталади? Синтактик усул билан қандай сўзлар ясалади?
8. Қўшма сўзлар лугавий маънога эга бўлган икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бирикишидан ҳосил бўлиб, бир ургу билан айтилади: бу таърифга мисоллар келтириб, фикрни тасдиқланг ва тўлдиринг!
9. Мураккаб сўзлар, жуфт ва тақрорий сўзларнинг ясалишини изоҳланг! Мисоллар билан фикрингизни тасдиқланг.

## *Сўз ясалиши*

Янги сўз ҳосил қилиш сўз ясалиши дейилади. Янги сўзлар тилнинг луғавий жиҳатдан бойишини таъминловчи асосий манбадир. Сўз ясалиши мустақил сўз туркumlари: *от, сифат, феъл, равиш* туркumlари учун ҳосдир. Сон, олмош ва ёрдамчи сўз туркumlаридан сўз ясалмайди.

Сўз ясалишининг, асосан, қуидаги усувлари мавжуд:

1. Морфологик усул
2. Синтактик усул

Сўз ясовчи қўшимчалар қўшилиши орқали сўз ясалиши морфологик усул билан ясалиш дейилади: *ишли, гулли, сувчи, чиройли, билимдон* каби. Ўзбек тилида сўз ясовчилар, асосан, ўзакдан кейин қўшилади.

Икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро бирикишидан ташкил топган сўзлар синтактик усул билан ясалишдир. Синтактик усул билан қўшма, мураккаб ва жуфт сўзлар ясалади: *гултоҗихўроз, музқаймокъ, жигар ранг, шу ер, яхши-ёмон*.

Тоғнинг этаги.

## МУСТАХКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Тил қандай ҳодиса хисобланади?**  
А) табиий  
Б) ижтимоий  
С) оддий  
Д) иқтисодий
  
- 2. Ушбу гапда қўлланган қайси сўз бир товуш билан фарқланади?**  
А) уй тила  
Б) тилла, тила  
С) талаб қилди  
Д) тилла балиқ
  
- 3. Ёзма нутқнинг ҳарфлар тизими қайси бўлимда ўрганилади?**  
А) фонетика  
Б) графика  
С) лексикология  
Д) синтаксис
  
- 4. Нутқ аппаратига қўйидагилар киради:**  
А) нафас аппарати, бўғиз бўшлиғи, оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи  
Б) бўғиз бўшлиғи, оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи  
С) нафас аппарати, бўғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи  
Д) нафас аппарати, бўғиз бўшлиғи, оғиз бўшлиғи, лаб-тиш
  
- 5. Лаб-тиш ундошлари қатнашган сўзлар қайси қаторда берилган?**  
А) сумка  
Б) пухта  
С) наф  
Д) қиш
  
- 6. Қуи кенг унлилари иштирок этган қаторни топинг.**  
А) сўз, қўрқоқ  
Б) юрт, ҳашар  
С) тоқат, соғлом  
Д) тут, онг
  
- 7. Берилган товушларнинг қайси бири бурун товушлари хисобланади?**  
А) з, к, нг  
Б) т, д, с  
С) ч, у, х  
Д) м, н, нг



**8. Қайси қатордаги барча сўзлар хато ёзилган?**

- А) табият, узун, тиатр
- Б) санооти, юлдиз, туғулган
- С) иншоот, мудофао, тақдимот
- Д) мўтадил, обод, таассурот

**9. К undoши билан тугаган ўзакка қайси қўшимчалар қўшилганда к undoши ғ га айланади?**

- А) шахс-сон қўшимчалари
- Б) сўз ясовчи қўшимчалар
- С) эгалик қўшимчалари
- Д) шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар

**10. Шаклдош сўзлар қайси қаторда берилган?**

- А) кўча, гилам, пайпоқ
- Б) гулдон, рақс, байроқ
- С) қизил, йўл, оила
- Д) тут, олма, мол

**11. Қарама-қарши маънога эга сўзлар қаторини белгиланг.**

- А) авра-астар, уй-жой
- Б) кўп-кўп, йиги-сиги
- С) келди-кетди, боғ-рог
- Д) асал-заҳар, дўст-душман

**12. Мазкур гапдаги кўп маъноли сўзни аникланг. Кўчанинг бошида у билан учрашдик.**

- А) кўча
- Б) бош
- С) билан
- Д) учрашдик

**13. Кўчма маънодаги қўлланган сўз қаторини белгиланг.**

- А) зинапоя
- Б) кулдон
- С) олтин
- Д) япроқ

**14. Маънодош сўзлар қўлланган гап таркиби.**

- А) Унинг юзлари ўт бўлиб ёнарди.
- Б) У хатни ўз қўли билан ёздим.
- С) Яхшини яхши дейишади-да.
- Д) Бу китобни ўқиб чиқдингми?

**15. Тарвузи қўлтигидан тушди ибораси ифодаланган сўз.**

- А) Йиғлади
- Б) Афсусланди
- С) Ҳафсаласи пир бўлди
- Д) Тушкунликка тушди

**16. Қобилиятли сўзининг маънодошини аниқланг.**

- А) ақлли
- Б) заковатли
- С) истеъдодли
- Д) илгор

**17. Шаклдош сўзлар иштирок этган қаторни топинг.**

- А) Кўп ўйла, оз сўзла
- Б) Тайёрига айёр бўлма
- С) Ҳисобли дўст айрилмас
- Д) Ёз ўтмоқда соз

**18. «Ёв» сўзининг зид маъноли жуфтини аниқланг.**

- А) тўғри
- Б) дўст
- С) ганим
- Д) яхши






**19. Тил қандай йўллар тилан бойийди?**

- А) янги сўз ясаш
- Б) бошқа тиллардан сўз олиш
- С) шевалардан сўз олиш
- Д) А. Б. С жавоблар тўғри


**20. Тарихий эскирган сўзлар қайси жавобда берилган?**

- А) қози, хон
- Б) риёзиёт, фалакиёт
- С) ақча, раён
- Д) интернет, монитор

II  
бўлим



## САНОАТЛАШТИРИШ: МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР



Индустрлаштириш янги технологияларни  
жорий этиш дарғасига айланиши керак.

*Элбоши Мактубидан*



## ИНДУСТРЛАШТИРИШ – ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРЙИ ЭТИШ ДАВРИ КЕЛДИ

### Сўз туркумлари

**Таянч тушунчалар:** индустрлаштириш, саноат, замонавий тараққиёт, рақамли технологиялар, инновациялар, маҳаллий маҳсулотлар.

Сўзларнинг маъно ва грамматик белгиларига кўра маълум гурухларга бўлиниши сўз туркумларидир.

Сўзларни туркумларга ажратишда маъно хусусияти, морфологик ва синтактик белгиларига асосланилади. Сўзнинг маъно ифодалаш хусусияти сўз туркумларини ажратишдаги асосий белги ҳисобланади. Сўз туркумларига хос морфологик белги – шу туркумга хос қўшимчаларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Чунончи, от туркуми кўплик эгалик ва келишик қўшимчаларининг мавжудлиги билан характеристланади.

Синтактик белги эса сўзларнинг гапда бирор гап бўлаги бўла олиши ёки гап бўлаги вазифасини бажармаслиги билан белгиланади.

Ўзбек тилида сўз туркумлари 12та. Шу уч белгига кўра улар қуидаги гурухларга бўлинади:

Мустақил сўз туркумлари: *от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш.*

Ёрдамчи сўз туркумлари: *кумакчи, боғловчи, юклама.*

Алоҳида сўз туркумлари: *модал сўз, ундов, тақлид сўз.*



**17-машқ.** Матнни дикқат билан ўқинг ва гуруҳда муҳокама қилинг.

Бугун инсоният янги саноат инқилоби даврига қадам қўймоқда. Замонавий технологиялар дунёни ўзгартирмоқда. Глобал технологик ўзгаришлар даъватлар билан бирга юксалишнинг янги имкониятларини илгари сурмоқда, – дейди әлбошимиз Н.Назарбаев.



Қозоғистонда муваффақиятли фаолият юритувчи бозор иқтисодиёти мөдели шаклланди. 2017 йилда мамлакат дунёвий тангликнинг салбий оқибатларини бартараф этиб, дадил ўсиш йўналишига тушиб олди.

Индустрлаштириш янги технологияларни жорий этиш дарғасига айланниши керак. Таҳликали 2014–2015 йилларда, нефть баҳоси кескин тушиб кетганда унинг натижалари барқарорлаштирувчи асосий омиллардан бири бўлди. Шунинг учун ҳам юқори меҳнат унумдорлигига асосланган қайта ишловччи шўъбага муносабат ўзгармади. Шу билан бирга, индустрлаштириш янги технологик тартиб – 4.0 нинг барча устунликларидан фойдаланган ҳолда янада инновацион бўлиши керак. Маҳсулотни экспорт қилишга йўналтирилган корхоналаримизни янгилаш ва рақамлаштиришга мўлжалланган янги механизмларни ишлаб чиқиш ва синаб қўриш лозим. Улар биринчи навбатда технологиялар трансфертини рағбатлантириши керак. Қозоғистоннинг бир қанча саноат корхоналарини рақамлаштириш бўйича пилот лойиҳани амалга ошириш, кейин эса бу тажрибани кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир. Рақамли ва бошқа инновацион қарорлар ихтироилалининг ўз экотизимини ривожлантириши муҳим масалага айланади...

2018 йилда «рақамли давр» саноатининг шаклланишига бағишлиланган учинчи индустрлаштириш бешйиллигини ишлаб чиқишни бошлиш лозим.

(*Элбоши Мактубидан*)



1. Матнда қандай долзарб масалалар күтарилилган, элбошимиз Қозогистон халқи олдига қандай вазифалар қўймоқда?



2. Матннинг асосий ва майдада тафсилотли ахборотини аниқланг, матннинг ҳар бир абзасига эътибор қаратинг, далил ва фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.
3. «Индустрлаштириш янги технологияларни жорий этиш даргасига айланиши керак» деган фикрни қандай талқин этдингиз?
4. Матндаги мустақил сўз туркумларини ажратинг ва уларга мисоллар топинг ва ёзинг.



**18-машқ.** Қуидаги тасвирларни изоҳланг. Саноатнинг қайси турлари тасвирланган? Таснифланг.







1. Маҳсулотларни таснифлаб, гуруҳларга ажратинг.
2. Уларнинг рақамли технологияларга қандай алоқаси бор?
3. Тасвирларнинг мазмунини очиш учун саволлар тузинг.
4. Гуруҳлараро савол-жавоб ўтказинг.



Юқоридаги савол-жавоблардан фойдаланган ҳолда яхлит матн тузинг. Сарлавҳа кўйиб, газетага мақола эълон қилинг.



## ИСТИҚБОЛЛИ ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

От. Турдош, атоқли ва мавҳум отлар

**Таянч тушунчалар:** Сўзларнинг маъно ва грамматик белгилари, сўзларнинг морфологик ва синтактик белгилари, уларнинг луғавий маънога эгалиги, от – мустақил сўз туркуми, атоқли ва турдош отлар, аниқ ва мавҳум отлар, отларнинг кўплик, эгалик ва келишик қўшимчаларга эгалиги, барча гап бўлаги вазифасида келиши.

1. Берилган таянч тушунчалар орқали сўз туркumlари ва от сўз туркумига таъриф беринг.
2. Юқоридаги матндан отнинг турларига мисоллар топиб, изоҳ беринг.



### 19-машқ. Матнни ўқинг ва гурухда муҳокама қилинг.

...Биз ўз умидларимиз ва орзуларимизни «Қозоғистон – 2030» стратегиясига тикдик ва уни муддатидан илгари 15 йил ичида амалга оширидик. Мустақиллик ва иқтисодий муваффақиятлар келажакка ишонч билан қараш имконини берди. Натижада биз «Қозоғистон – 2050» деб номланган тараққиётнинг янги стратегиясини шакллантиридик. Бугунги кунда мамлакатимиз дунёning етакчи 30 мамлакати сафидан ўрин олиш учун ҳаралтланмоқда.

Очиқ эшиклар сиёсати ва бозор ислохотлари Қозоғистон ялпи ички маҳсулотининг 20 маротаба ўсишига, ўртача иш ҳақининг 17 марта кўпайишига туртки берди. ЯИМ аҳоли жон бошига таҳсимлагандан 11 минг АҚШ долларидан ошибб кетди ва бу борада РФ билан деярли тенглашди. Сўнгги 25 йил мобайнида мамлакатда 2 миллиондан зиёд иш ўринлари яратилди. Ўтган асрнинг 90-йилларида аҳолининг ҳар уч нафаридан бири қашшоқлик остонасида кун кечирган бўлса, бугунга келиб қашшоқлик даражаси 3 фоизга ҳам бормайди.

Мустақиллик йилларида Қозоғистонда 1400 та мактаб ва 1300 та соғлиқни сақлаш объектлари қурилди. Ушбу вақт оралиғида ижтимоий соҳа-

га сарфланган ҳаражатлар ЯИМнинг 11 фоизигача ўси, қозогистонлик-ларнинг ўртacha умр кўриши 72 ёшгача етди. 100 миллион квадрат метр ҳажмда уй-жойлар қуриб битказилди.

«Нурли йўл» («Нурлы жол») умуммиллий дастури доирасида бетонли автомобиль йўллари бунёд этилаётган бўлиб, ҳозиргача 11 минг километрда юқори сифатли автойўллар қуриб бўлинди. Бундай автотрассалар ёш пойтахтимиз Астана (Нур-Султон)ни республиканинг барча вилоятлари марказлари билан туташтиради.

Қозогистон олтин валюта захиралари ҳажми Фаровонлик миллий жамғармаси маблағлари билан қўшиб ҳисоблаганда 100 миллиард доллардан ошди, ЯИМнинг 50 фоизига етди.

Мамлакатимиз етакчи трансмиллий корпорациялар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Мустақиллик йилларида 255 миллиард доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий сармоялар жалб этилди.

Бу мамлакатимизга ва ўтказилаётган ислоҳотларга ишонч белгисидир.

Бундан ташқари, доим иқтисодий интеграция тарафдори бўлиб келган Президент Н.Назарбаев ташаббуси билан Евроосиё иқтисодий иттифоқини ташкил этишга эришилди. Бугун ЕАЭС ягона бозори 180 миллиондан зиёд нуфузга эга бўлган 5 та мамлакатни бирлаштирган.

*Ерик Утембаев*



1. Матнда қандай долзарб масалалар кўтарилган?
2. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг, матннинг ҳар бир абзацига эътибор қаратинг, далил ва фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.
3. 28 йил мобайнида Қозогистонимизда қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида фикр билдиринг.



4. Матндаги сўз туркумларининг ҳар бирига мисоллар топинг ва ёзинг. Атоқли ва турдош отларга мисоллар топиб, хусусиятларини таърифланг.





**20-машқ.** Қуидаги матнни ифодали овоз чиқариб ўқинг. Матн сарлавҳасидан унда күтарилаётган муаммо бўйича мазмунни олдиндан шарҳланг.

## Ё, ВАТАН

Мамлакат юксалмоқда,  
Равон йўллар, бинолар,  
Қудратли иморатлар,  
Бўй чўзмоқда минорлар –  
Ё, Ватан, юксал яна!

Қурилди коллеж, лицей,  
Истироҳат уйлари.  
Аркли саройда ўтар,  
Халқимизнинг тўйлари!  
Ё, Ватан, юксал яна!

Толе, истиқлол гуллаб,  
Берди асл мевасин,  
Ҳар битта фарзандингни  
Бутун қил насибасин!  
Ё, Ватан, юксал яна!

Асра ёмон кўзлардан,  
Нияти бузуклардан,  
Юраги тош-музлардан,  
Бағрингдан узуклардан,  
Ё, Ватан, юксал яна!

Халқларимиз баҳтига,  
Миллатлар иноқ бўлсин!  
Ёт кўзларга тавфикс бер,  
Дўст бўлсин, ўртоқ бўлсин!  
Ё, Ватан, юксал яна!

*Абдулла Вахшиворий*




1. Матн услуби, типини аникланг.
2. Матн таркибидан 2 тадан синоним ва антоним сўзларга мисоллар келтириб ёзинг.
3. Шеърий матнни насрый матнга айлантириб, монолог ёзинг.



Қуйидаги вазифалардан бирини бажаринг.

1. «Шаҳрим (қишлоғим) тараққиёти» мавзусида эссе ёзинг.
2. Атоқли отлар иштирок этган кичик матн тузинг (80–10 гап). Отларнинг гапдаги вазифасини белгиланг.





## ҚОЗОГИСТОНДА ҲАЛОЛ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Отларнинг бирлик ва кўплик сонда қўлланиши  
Отларда эгалик ва келишик қўшимчалари, имлоси

**Таянч тушунчалар:** Астана, индустрия кўргазмаси, ҳалол маҳсулотлар, ҳалол индустрия.



**21-машқ.** Қўйидаги назарий маълумот устида фикр юритинг, топширикни бажаринг. Мавзу юзасидан хуносаларингизни баён этинг.

### 1-жадвал

Кўпликтининг **-лар** қўшимчаси билан ифодаланиши **морфологик** кўплиқдир. **Халқ, омма, армия** каби сўзлар шаклан бирлиқда, маъно жиҳатидан эса кўплиқдир, бундай ифодаланиши **семантик кўплиқ аталади**. Шунингдек, **жуда кўп одам, юз китоб, бир неча кун** кабиларда ҳам кўплик, бу **синтактика** кўплиқдир.

**Тўёда-тўёда, минг-минг, сават-сават** каби сўзларни тақорорлаш орқали **лексик-синтактика** кўплиқ ҳосил бўлади.

-лар кўплиқдан ташқари қандай маъноларни билдиради?

1. Доналаб саналмайдиган предмет номига қўшилганда уларнинг ..., ... билдиради: (**ёғлар, унлар, асаллар, тузлар**).
2. Мавҳум отларга қўшилганда маънони ...: **орзулар, баҳтлар, хаёллар, ўйлар**
3. Атоқли отларга қўшилганда ... .... ....: **Фарходлар, Барчинойлар**.
4. Қариндошлик ифодаловчи отларга қўшилганда ... билдиради: **дадамлар, онамлар**.
5. Ўзи иккита бўлган предмет номларига қўшилганда уларни кўплигини эмас, балки ... билдиради: **кўзлар, қўллар, оёқлар, лаблар**.
6. Ўзи бир дона бўлган предмет номларига қўшилганда маънони ..., ...: **тилларим, бошларим**.
7. Предметларнинг аниқ бўлмаган ... билдиради: **йуллар, тунлар**.

Нуқталар ўрнига қўйидаги сўзларни мосини қўйинг (умумлашганлик; ҳурматни; иккиталигини; навини, хилини; кучайтиради, таъкидлайди; кучайтиради; кўп миқдорини)



## 22-машқ. Матнни ўқинг ва жуфтлиқда мұлоҳаза юритинг ва топшириқларни бажаринг.

Пойтахтимиз Астана (Нур-Султон) шаҳрида ҳалол индустрىя күргазмаси илк бор дабдабали равиша үтказилған әди. Сүнгра бундай күргазма Алмати шаҳрида озик-овқат саноати қүргазмаси тариқасыда ҳар йили үтказиладиган бўлди. Аммо 2017 йил 2–5 ноябрь оралиғидаги үтказилған күргазманинг олдингилардан фарқи шунда бўлдики, унда, асосан, ҳалол маҳсулотлар иштирок этди.

Мұҳаммад Ризо ўз компанияси билан Қозогистон бозорига энди кириб келмоқда. Асосан, кофе, қуруқ шоколад, лағмон, товуқ ва мол гүштининг таъмини берувчи кукунлар билан савдо қиласынан ушбу компания Қозогистон бозорида муваффақият қозонишига ишонади.

– Бу компания маҳсулотларининг бошқа маҳсулотлардан фарқи шундаки, барчаси «Ҳалол» маркаси остида чиқади. Иккинчи жиҳати эса маҳсулотнинг олий сифатлилигидадир. «Чунки, биз энг сифатли нарсалардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарамиз. Иккинчи даражали ва шубҳали нарсаларни ишлатмаймиз», – дейди Мұҳаммад Ризо.

Австрияда жойлашган яна бир компания колбаса маҳсулотлари учун қўшимчалар ишлаб чиқаради. Эътиборга молик томони шундаки, бу компания бошида мусулмонлар турмаса-да, ушбу бозорга кириш учун ҳалол маркаси остида маҳсулотлар етишириади. Ушбу маҳсулотда умуман ҳайвон ёғлари ишлатилмаган. Ҳозирда бу компания ҳам Қозогистонда ҳалол маҳсулот ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг аъзоси.



Қозоғистонда ҳалол маҳсулот ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг тузылганига энди беш йил бўлди ва бу вақт давомида 500 ортиқ ташкилот унга аъзо бўлди. Ҳалол маҳсулотларга бўлган талабнинг тез суръатларда ортиб бораётганини Қозоғистон Ҳалол индустрия уюшмаси директор ўринбосари Алмагул Абидинова қўйидагича изоҳлайди: «Ҳалол маҳсулот деганда, нафақат чўчқа гўшти қўшилмаган озиқ-овқат тушунилади, балки экологик тоза, алкоголь қўшилмаган ва гени ўзгартирилмаган маҳсулотлар ҳам назарда тутилади».

Шунинг учун ҳам, ҳалол маркаси остидан чиқаётган маҳсулотлар нафақат мусулмонлар орасида, балки бошқаларнинг ҳам ишончига сазовор бўлаётгани айтилади.

Бунинг ортидан эса, Қозоғистонга хориждан ҳалол маркаси остидаги маҳсулотлар кириб келиши ҳам кўпаймоқда. Ҳалол маркаси остида савдо қилиш шунчаки эҳтиёжга эмас, балки катта бизнесга айланадиган ва бунинг ортидан компания ва давлатлар мўмай даромад олаётгани айтилимоқда.

Озгур Капанўғлининг компанияси, асосан, ҳалол гўшти маҳсулотлари ва зайдун ёғи ишлаб чиқаради. Ушбу Компания Қозоғистонга энди кириб келган бўлса-да, аммо кучли рақобатга бардош бериб, муваффақият қозонишига компания раҳбарлари ишонади.

Кузатувчилар бундай эътибор ва ривожланишда Қозоғистон Малайзия сингари ҳалол маҳсулотлар етказиш бўйича минтақада етакчига айланishi мумкин деган фикр билдирилди.



1. Қандай ўйлайсиз, озиқ-овқат масаласини глобал муаммо дейиш мумкинми? Нима учун?



2. 2017 йилги озиқ-овқат саноати кўргазмаси аввалгилардан нимаси билан фарқланди?
3. Қозоғистон Ҳалол индустрия уюшмасига қанча ташкилотлар аъзо бўлган?



4. Құзатувчилар Қозогистон Малайзия сингари ҳалол маҳсулотлар етказиши бүйича мінтақада етакчига айланиши мүмкін деган фикр билдирділір, сиз шу фикрга қўшиласизми? Бу фикр ҳақиқатга айланиши учун сиз яна нима қылган бўлардингиз?



5. Берилган матн ва интернет материалларидан фойдаланган ҳолда «Қозогистон – ҳалол маҳсулотлар етказиши бүйича мінтақада етакчи!» мавзусида ижодий матн яратинг.
6. Матндаги қўплик қўшимчасини олган сўзларни топиб, қўлланиш маъносини тушунтиринг.

## 2-жадвал

### Отларда эгалик ва келишик қўшимчалари, уларнинг имлоси


Предмет ёки предметлик тушунчасининг уч шахсдан бирига тегишли эканлигини билдирадиган шакллар эгалик категорияси эканлигини унутманг!

1. I шахс сўзловчи, II шахс-тингловчи, III шахс-ўзга (нутқ жараёнида қатнашмайдиган шахс), буни қандай изоҳлайсиз?
2. Сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда сўз ўзагида товуш ўзгаришлари содир бўлади: *бурун – бурним, оғиз – оғзим, сингил – синглим; қишлоқ – қишилогим, юрак – юрагим, тилак – тилағим.*
3. Эгалик қўшимчасини олган сўз бош келишикдаги сўз билан («Дўстлик» боғи), қаратқич келишигидаги сўз билан (менинг уйим), чиқиш келишигидаги сўз билан (улардан бири) бирика олади.
4. Ўзбек тилида эгалик маъноси *-ники* қўшимчаси ёрдамида ҳам ифодаланади: *китобим – китоб меники*. Эгаликни билдирган бундай сўзлар гапда кесим вазифасини бажаради.



«Блум ромашкаси» усули орқали юқоридаги 1–2-жадвал мазмуни бўйича саволлар тузинг.

Билиш	Оддий саволлар	Ким?, Нима?, Қачон?, Қандай?, Қаерга?
Тушуниш	Аниқлик киритувчи саволлар	Мен сизни тўғри тушунган бўлсан, у ҳолда.... Менинг фикримча, ... сиз дедингиз.
Қўллаш	Амалий саволлар	Уни қандай қўлласа бўлади? Қаерда фойдаланасиз?
Таҳлил қилиш	Шарҳловчи/изоҳловчи саволлар	Нима учун?
Умумлаштириш	Ижодий саволлар	Агар ... бўлса, у ҳолда нима бўлади?
Баҳолаш	Баҳоловчи саволлар	Сиз нима деб ўйлайсиз? Қандай фикр билдирасиз?





## ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ: ЯНГИ КОРХОНАЛАР

Сифат. Сифатларнинг маъно ва грамматик белгилари.  
Аслий ва нисбий сифатлар.

**Таянч тушунчалар:** «Қозоғистонда ишлаб чиқарилган», саноат, инновация, саноатлаштириши.



- 23-машқ.** 1. Кўтарилаётган муаммо бўйича матнга келтирилган иллюстрациядан фойдаланиб, мазмунни олдиндан шарҳланг.  
2. Матнни овоз чиқариб ўқинг ҳамда жуфтликда муҳокама қилинг.



Ўтган йили Қозоғистонда 100дан ортиқ янги корхона очилди. Мамлакатимиз саноат-инновацион ривожланиш дастури туфайли бунга эришилди. Унинг доирасида кимё саноати, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга доир муҳим лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Деярли ҳар бир минтақада завод-фабрикалар қурилди. Бу ишларга жами бир триллион тенгедан зиёд сармоя сарфланди.

**Серик Асилбек, Қозогистон Республикаси саноат ва инфратузилмалар тараққиёти вазирлиги эксперти:**

– Умуман олганда, саноатлаштириш харитасига оид барча лойиҳаларни олиб қарасак, охирги йилда авваллари Қозоғистонда бўлмаган 500дан ортиқ янги маҳсулот ишлаб чиқарилаётганини кўрамиз. Шунингдек, экспорт ҳам ривож топиб боряпти. Бугунги кунда 50дан ортиқ янги турдаги товар хорижий бозорларга жўнатилади. Ушбу корхонанинг қуввати йилига деярли 2 миллион тоннани ташкил қиласиди. Лойиҳани рўёбга чиқариш туфайли олинаётган Қозоғистон олтини вазни йилига 85 тоннагача етади.

**Юрий Овчинников, Тог-кон бойитиши корхонаси бош директори:**

– Замонавий ускуналар ва технологиялардан фойдаланувчи янги төг-кон бойитиши мажмуаси пойдевордан бошлаб қурилди. Унда ўртача 10 тонна олтин концентрати ишлаб чиқарилади. Ўтган йили саноатлаштириш дастурига мувофиқ қурилган темир йўл маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи завод маҳсулотининг учдан бир қисмини экспортга юборади. Корхона ўзимизда ишланган вагон таъмирлаш заводларини ҳам эҳтиёт қисмлар билан таъминлайди. Шуни айтиш керакки, саноатлаштириш дастури туфайли машинасозлик юртимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган соҳалари қаторига қўшилди. Сўнгги етти йил ичидаги ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 марта ошди. Мамлакатда сотилаётган автомобилларнинг ярмига яқини Қозоғистон корхоналарида ишлаб чиқарилган.

**Серик Асилбек, Қозоғистон Республикаси саноат ва инфратузилмалар тараққиёти вазирлиги эксперти:**

– Жорий йилнинг биринчи январигача бўлган муддатда 283та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Умумий қиймати деярли 6 триллион тенгени ташкил этди. Шунингдек, 30 мингта иш ўрни яратилган. Саноат дастури рўёбга чиқарилаётган 2010 йилдан бўён мамлакатимизда салкам 8 триллион тенгели жами 1250 корхона очилди. Мамлакатимиз жаҳоннинг 110 мамлакатига товар чиқаряпти.

(Kazakh-tv kz сайтидан)



1. Матн услуби, жанрини аниқланг.
2. Матннаги маҳсус лексика, ибора ва бошқа бадиий тасвир воситаларини аниқланг ва тушунтиринг.



3. Ўқилган матн бўйича «*Иссиқ ўриндиқ*» усули орқали тадқиқот учун саволлар (очик ва ёпик саволлар) тузинг.





4. «Инсерт» усули орқали берилган матнни муҳокама қилинг.

<b>Махсус белгилар</b>	<b>Махсус белгиларнинг маъноси</b>
<b>З</b>	<i>Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса</i>
<b>С</b>	<i>Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса</i>
<b>?</b>	<i>Матн билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса)</i>



**24-машқ.** Берилган матнни ўқинг ва фикр юритинг.

### ҚОЗОФИСТОНДА RAVON R3 ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ



GM Uzbekistan Қозогистоннинг автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи миллий компанияси AllurGroup билан биргаликда Қўстанайдаги «СарыаркаАвтоПром» ишлаб чиқариш майдончасида Ravon Nexia R3 моделини серияли ишлаб чиқаришни бошлади.

Ravon Nexia R3 седани ишлаб чиқарилиши заводнинг мавжуд қувватларида амалга

оширилади. Ҳамкорликнинг кейинги босқичи ишлаб чиқарилувчи моделларнинг кенгайтирилиши бўлиши мумкин.

Ravon'нинг Қозогистондаги расмий дистрибьютори «Узавто Азия» компанияси мавжуд дилерлик тармоғи орқали ишлаб чиқарилётган машиналарни сотишни амалга оширади.

Бугунги кунда Қозогистондаги ҳамёнбоп автомобиль сегментида Ravon Nexia R3 нарх-сифат нисбатини ҳисобга олган ҳолда истеъмолчи учун энг



жозибадор модель ҳисобланади. Ушбу машинани Қозогистонда ишлаб чиқарилиши ҳисобига имтиёзли кредитлаш дастури орқали харид қилиш мумкин бўлади.

2017 йилнинг 4 ойи натижаларига кўра, Ravon Nexia R3 қозогистонликлар томондан талаб катта бўлган енгил автомобиллар рейтингида етакчи ўринларни эгалла-моқда.

2017 йил 16–17 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда «O'zbekspomarkaz»да Қозогистон миллий маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Унда Қозогистоннинг автомобиль, ҳарбий техника, қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи қирқдан ортиқ миллий компаниялар иштирок этди. Кўргазманинг очиқ павильонида ҳарбий техника ва воситалар намойиш этилди. Ички павильонда Қозогистоннинг «Lada», JAC брендси остида ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ташкилотчилар сўзларига кўра, эндилиқда бу каби кўргазмалар мунтазам равишда ҳар икки давлатда ўтказилиб борилади.



1. Матннинг асосий ва майдага тафсилотли ахборотини аниқланг, далил ва фикрни ажратинг.



2. Матннинг белгилари ва нутқий хусусиятларига кўра услубини аниқланг.



3. Келажакда Қозогистонда... матн асосида ўз фикр-мулоҳазаларингизни ишга солиб, мавзуни давом эттиринг ва матн яратинг.
4. Жадвални тўлдиринг.

Рангтус	Хусусият, характер	Ҳажм-ўлчов	Шакл-кўриниш	Ҳолат	Мазатаъми	Ўрин ва вактга муносабат	Хид
Оқ, ...	Чиройли, ... Айёр, ...	Катта, ...	Думалоқ, ...	Кекса, ...	Ширин, ...	Уйдаги, ... Баҳорги, ...	Хушбўй, ...

Сифатлар маъносига кўра иккига бўлинади: аслий сифатлар, **нисбий сифатлар**.

Бевосита белги билдирадиган сифатлар аслий сифат дейилади: **катта, ёруғ, кенг, узун, ширин**.

Аслий сифатлар:

- а) белгини даражалаб кўрсатади: **яхши, яшироқ, жуда яхши, қизил, қизилроқ**.
- б) белгини кучайтириб ёки камайтириб ифодалайди: **қизғиш-қизил-қип-қизил**;
- в) модал маъно ифодалайди: яхшигина, каттагина каби.

Предмет белгисини бошқа предмет белгисига ўхшатиш, ўрин ёки пайтга нисбатлаш асосида ифодалайдиган сифатлар нисбий сифатлар дейилади. Нисбий сифатлар махсус сифат ясовчи қўшимчалар орқали ҳосил бўлади: **-ли, -ий (-вий), -симон, -лик, -ги (-ки, қи)**. **-даги** қўшимчалари билан ясалган сифатлар нисбий сифатлардир. Нисбий сифатлар белгини даражалаб кўрсатмайди: **оила-вий, кузги, -ли** қўшимчали нисбий сифат маъно жиҳатдан аслий сифатга яқин бўлганлиги учун белгини даражалаб кўрсата олади, модал маъно ифодалайди: **чиройлироқ, жуда чиройли, чиройлигина**.

Нисбий сифатлар қўйидаги маъноларни билдиради:

- а) предметга нисбат бериш: **мевали дараҳт, баҳтли болалар, илмий иш, тарбиявий соат**;
- б) вақтга нисбат бериш: **кузги буғдой, ёзги таътил, тунги ёғду**;
- в) ўринга нисбат бериш: **жанубий кенглик, кўчадаги гап, шерободлик қиз**;
- г) бирор предмет ёки нарсага мўлжалланганлик: **кўрпалик (пахта), ёзлик (кийим), кузги (экин)**;
- д) предметга ўхшашлиқ: **бутасимон, одамсимон**.





## ҚОЗОГИСТОН – ҚОРА ОЛТИНГА БОЙ МАКОН

Сифат даражалари

Озайтирма ва күчайтирма сифатлар, уларнинг имлоси

**Таянч тушунчалар:** қазилма бойликлари, модернизациялаш, миллий режалар, күмір технологиялари, ёқилғи захиралари.



**25-машқ.** Матнни ўқинг ва матн таркибидаги ғализ жумлалар, хатоларини аниқланғ ҳамда таҳрир қилинг.

Күмирдан олинадиган қувват Қозогистоннинг кундалик ҳаётида электр энергия, иссиқлик ва иссиқ сув күринишида ажралмас қисмга айланған.

20 аср бошларидан улкан күмір захиралари ва қазиб олишнинг нисбатан арzonлиги боис қора олтин Қозогистон саноати ривожининг асоси бўлди.



Айни вақтда нефть ва табиий газнинг экспортдан тушган даромадлари мамлакат иқтисоди ўсишининг асосий бўғинига айланар экан, кўмир деярли фақат майший мақсадларда ишлатила бошланди.

Қозогистонда кўмир истеъмоли ҳавонинг ифлосланиши (қазиб олиш ва электр станциялар), шунингдек печларда ёқилганда, биноларда ҳавонинг заҳарланишига сабаб бўлади.

Кўп ҳолларда кўмир бутун мамлакатдаги кўп худудларда камбағал қишлоқ оиласлари қурби етадиган ягона ёнилғи бўлиб қолган. Кўмир ёқиладиган печкалар кўпинча қўлбола ва ҳавони ёмон айлантиради, бу эса оиласлар доимий равишда ҳавфли ифлос ҳаво ичидаги яшаётганини англатади.

Ўзининг ҳар бир босқичида, қазиб олинишидан қайта ишлашгача ва ниҳоят утилизация жараёнида кўмир жамиятдаги соғлиқни сақлашга жиддий таъсир кўрсатади. Нафас йўллари, юрак-қон томирлари ва бошқа касалликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади.

Қозогистоннинг ривожланиш йўли бўлган «аввал иқтисод, кейин сиёсат» ғояси деградация кўринишида мамлакатдаги атроф-муҳит ва саломатликка салбий из қолдирди. Даромад олишга интилган электр ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тизими эгалари эскириб қолган кўмир билан ишловчи электростанция ва марказий иссиқлик тизимларини қайта жиҳозлашни исташмайди.

Хукумат мулк эгалари маблағларни модернизациялашлари учун «инвестицияга айирбошлаш» тарифини жорий қилди. Лекин 1940 йилдан 60 йилларгача қурилган кўмир электростанцияларни янгилаш учун қанча муддат керак бўлади?

Ва бу тарифларни барча электр манбаларига нисбатан татбиқ этилса-чи? Қозогистон хукумати кам микдорда чиқариш, янги энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш стратегиясини ишга солиш орқали яшил иқтисод томон боришга ҳаракат қилаяпти.

Бироқ кўмир саноатини кенгайтириш миллий режалари бу усулларни аҳамиятсиз қилиб қўйиши мумкин: энергияга нисбатан ўсиб бораётган ички талаб чиқиндиликларни камайтириш ҳаракатлари билан тўғри келмайди. Аслида, яшил иқтисодни ривожлантиришга қаратилган ҳаракат, асосан, атроф-муҳитнинг глобал ўзгаришининг йирик сабабчилари парник газларга тааллуқли масалаларга эътибор қилиб, маҳаллий ҳаво, сув ва тупроқ аҳволига кам диққат қаратадилар.

Кўмир Қозогистондаги энг арzon ёқилғи ҳисобланади ва айни пайтда иккала энергия тизим ва маҳаллий истеъмол учун энг қулай вариант бўлиб қолади. Лекин кўмир оғир ижтимоий ва экологик муаммолар келтириб чиқариб, кўпинча у мувофиқ бўлмаган ҳолда энергияни охирги истеъмол

қилувчилар елкасига тушади. Агар қўмирнинг атроф муҳит ва соғликка келтирадиган зарари ҳисоблаб кўрилса, ёнилғи ўйланганидан анча қиммат тушиши аниқ бўлади.

Замонавий қўмир технологиялари воситасида атроф-муҳит заарланишини камайтириш мумкин.

Шубҳасиз, қўмир саноати Қозогистон иқтисоди учун муҳим соҳа ҳисобланади ва албатта янада тозароқ қўмир саноатига қаратилган сиёsat ва инновация жуда аҳамиятли.

Биринчи қадам бу соҳада чиқиндиларни камайтириш. Қозогистон ҳукумати фуқароларга таъсирини ҳисобга олмасдан қарор бериш каби совет тажрибасини мерос қилиб олган.

Натижада мамлакатда давлат қарорлари қабул қилинаётганда жамоатчиликнинг ахборотга эга бўлиши тажрибада йўқ. Таъсирили экологик сиёsat ва тартибларни ижтимоий ва экологик адолат принципларини қарор топтирмай юритиб бўлмайди.

Ниҳоят, тоза ҳаво инсонларнинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Бироқ у одамлар, Қозогистонда экологик муаммолар миқёсларидан яхши хабардор ҳамда ўзларининг хавфсиз атроф-муҳит ва тоза ҳаво учун ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тайёр деб бўладими?



1. Ушбу матнда қандай долзарб муаммолар кўтарилилган? Бир жумла билан фикрингизни ифодаланг.



2. Қўмирнинг инсон ҳаётидаги фойдаси ва зарари ҳақида фикр юритинг.
3. Юқоридаги харитадан фойдаланган ҳолда Қозогистонда қандай қўмир захиралари борлигини ва қўмирнинг қандай турлари олинишини айтинг.



4. «Ёқловчилар» ва «Қаршилар» гурухларда муаммоларнинг рўйхатини ёзинг ва уларни ҳал этиш йўлларини тавсия этинг.



Ёқловчилар		Қаршилар	
Муаммолар	Ҳал этиш йўллари	Муаммолар	Ҳал этиш йўллари

5. Сифатларнинг маъносига кўра турини юқоридаги матндан мисоллар келтириш орқали таърифланг.



Предмет белгисини қиёслаб, бир-биридан фарқлаш ҳодисаси нима дейилади? Улар ҳақида тақдимот тайёрлаб келинг!

### *Сифат даражалари*

Предмет белгисини қиёслаб, бир-биридан фарқлаш ҳодисаси сифат даражалари дейилади.

Сифатларда учта даража мавжуд.

- 1. Оддий даража.**
- 2. Қиёсий даража.**
- 3. Орттирма даража.**

**Оддий даража** предмет белгисини тўғридан-тўғри ифодалайди: **яхши, кучли, мазали, сариқ, катта** каби.

Предмет белгисини қиёслаш орқали қиёсий ва орттирма даража ҳосил бўлади.

**Қиёсий даража.** -роқ қўшимчаси билан ҳосил бўлиб, белгини бошқа шундай белгидан ортиқ ёки кам эканлигини билдиради: **кучлироқ, яхшироқ, баландроқ**. -роқ қўшимчаси билан ҳосил бўлган сифатлардаги белги ортиқ белги бўлса ҳам оддий сифат ифодалайдиган белгидан кам эканлиги билиниб туради. Масалан, **Бу йигит сендан билимлироқ** гапида қиёсланаётган белгининг ортиқлиги ифодаланган. Бироқ бу белги **билимли** сўзидаги белгига нисбатан камдир. Қиёсий даража морфологик усул билан ҳосил бўлади.

Предмет белгисини бошқа предметдаги шундай белгидан ортиқ эканлигини билдирадиган даражада орттирма даражада дейилади. Орттирма даражада сифатларыңыздың қызығынан даражада өзгөрді.

1. Сифатлардан олдин **энг, жуда, ғоят, ниҳоят, бениҳоят, ниҳоятда** сүзларини келтириш билан: **жуда яхши, ғоят мазали, ниҳоятда жозибали** каби.

2. Сифатлардан олдин **ҳамма, барча, бари** олмошларини чиқиш келишигі шаклида келтириш билан: **ҳаммадан яхши, баридан кучли, шириндандан ширин**.

Сифатларда даражада морфологик (кеттерек) лексик тиеріттің орталығынан (кеттерек) берілгенде даражада, **лексик-морфологик** (сал қорароқ-озайтирма) үсуллар билан ҳосил болады.

Бундан ташқары белгининг ортиқ ва камлигини, ноаниклигини ифодаловчи сифатлар ҳам мавжұд.

Белгининг ортиқлигини ифодаловчи сифатлар күчайтирма сифатлар болып, сифатнинг башынан шу сифатнинг олдидан тақрорлаш орқали ҳосил болады. Бундай ҳолатда биринчи қисмдаги сүзда айрим товушлар үзгариши ёки бир неча товушлар құшилиши ҳодисаси юз беради.

**Дум-дұмалоқ, ям-яшил, сап-сарық, қип-қизил, оппоқ, күм-күк, соппа-соғ** каби.

Күчайтирма сифатлар сифатдан олдин **лик, ғирт, тим, жиққа** сүзларини келтириш билан ҳосил болады: **лик тұла, ғирт ёлғон, тим қора, жиққа ҳүл**.

Белгининг камлиги сифатларға **-ш, -иши, -мтири, -имтири, -ғиши, -ғимтири** құшимчалары құшилиши билан ҳосил болады: **күкиш, күкимтири, сарғиши**.



## ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСИШ САРИ ЁКИ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ТОВАРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Сон. Соннинг маъно ва грамматик белгилари.

**Таянч тушунчалар:** интеграллашиш, импорт, экспорт, локоматив тармоқлар.



### 26-машқ.

Бугунги жаҳон хўжалигига интеграллашув жараёнларида импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга оширишга ҳар қандай мамлакат учун иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг мажбурий чорасига айланиб бормоқда. Зеро, бу сиёсатни тӯғри ва самарали йўлга қўйиш мамлакатнинг импортга боғлиқлик даражасини камайтириб, иқтисодий барқарорликка эришиш имкониятларини вужудга келтиради.

Ана шундай бир шароитда, табиийки, ривожланётган давлатлар томонидан импорт ўрнини босиш механизмларидан фойдаланиш тобора оммалашшиб бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, юқори савдо тўсиқларини қўйиш орқали маҳаллий товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда квота, лицензия ва тарифларни жорий этиш. Чет эл маҳсулотлари ўрнига маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланишга талаб ўрнатиш, импорт учун валютадан фойдаланишни чегаралаш каби усуллардан фойдаланиш халқаро амалиётда кенг қўлланмоқда.

Масалан, импорт ўрнини босиш гояси илк бор XVIII асрда инглиз олими А.Хамильтон томонидан илгари сурилиб, у ўзининг «саноатчилар ҳақидаги рапорт» асарида бу ҳақда фикр юритган. Унинг гоясини такомиллаштирган немис иқтисодчиси Фридрих Лист миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида импорт товарларига ҳимоя чораларини жорий этишини ёқлаб чиққан.

Иқтисодчиларнинг фикрича, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарishнинг асл моҳияти мамлакатларнинг бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтиш зарурати билан изоҳланади. Чунки бундай давлат-

ларга маҳаллий маҳсулотнинг жаҳон бозорида рақаботбардошлигини таъминловчи, молиявий ва техник ресурсларни жамлай оладиган локоматив тармоқлар мавжуд бўлиши талаб этилади.

Мамлакат импорт ўрнини босиш сиёсатининг асосий вазифаси бўлиб маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқишини қўллаб-қуватлаш орқали экспортга йўналтирилган миллий модел тизимини шакллантириш ҳисобланади. Яъни ҳар бир мамлакатда унинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда аниқ чора-тадбирларни белгилаб берувчи давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Бу дастурлардан кўзланадиган мақсад бозор талабини рақабатбардош маҳсулотлар билан қондириш асносида давлатнинг импортга боғлиқлигини камайтириш, импорт қилинувчи хомашё ва энергетик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишdir.

Мазкур дастурлар мамлакатнинг маҳаллий хом-ашёлардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишга, хусусан, корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, давлат бюджети ва аҳоли даромадларини, шунингдек, иш билан таъминланганлик даражасини оширишга имкон яратади.



1. Матннинг белгилари ва нутқий хусусиятларига кўра услубини аниқланг.



2. Матнга қисқа аннотация тайёрланг ҳамда таянч сўзларни аниқлаб, матннинг тезисини тузинг.
3. Берилган мавзунинг долзарблиги нимада? Тадқиқот юритинг.
4. Матннинг биринчи ва иккинчи абзацларини сон туркумига хос сўзлардан унумли фойдаланган ҳолда қайта таҳрир қилиб, мазмунига ўзгаришлар киритинг. Сўнгра ҳар иккала матн мазмунини солишиerring. Сонларнинг нутқдаги аҳамиятини белгиланг ҳамда қуйидаги маълумотларни шарҳланг.

Предметнинг сон-саноғи ва тартибини билдирадиган сўзлар ҳақида тақдимот тайёрланг. Қуи синфларда олган билим ва кўниқмалари-нгизни ишга солинг.

Сон нима учун бошқа сўз туркумларидан ясалмайди? Ўйланинг ва фикр билдиринг.

Бундан ташқари сон билан от ўртасида ҳисоб сўз (нумеративлар) ишлатилиши соннинг асосий хусусиятларидан биридир: *бир тонна пахта, уч гектар ер* каби.

Ҳисоб сўзлар, асосан, от туркумига оид сўзлардан бўлиб, қуиидаги маъноларни билдиради: Улар қайсилар мисоллар топинг ва жадвални тўлдиринг.

Предмет миқдори	Оғирлик ўлчови	Суюқлик ўлчови	Предмет ҳажми	Пул қиймати	Вақтни билдиради	Предмет майдонини

Сонлар гапда қандай синтактик вазифаларда келади? Гаплардаги сонларни топинг ва синтактик вазифасини аниқлаб, тагига чизинг.

1. *Иккови* бирдан кулиб юборди.
2. Билаги зўр *бирни*, билими зўр *мингни* йиқар (Мақол).
3. *Икковининг* ҳам уйлари шу томонда.
4. Дўкондан *юзта* китоб олинди.
5. Қутубхонага *бешовлон* боришди.
6. Икки ўн беш – *бир ўттиз*.

Сон бошқа сўз туркумларидан ясалмайди. Соннинг ўзига хос асосий морфологик хусусияти соннинг маъно турларини ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг мавжудлигидир.

Бундан ташқари сон билан от ўртасида ҳисоб сўз (нумеративлар) ишлатилиши соннинг асосий хусусиятларидан биридир: *бир тонна пахта, уч гектар ер* каби.

Ҳисоб сўзлар, асосан, от туркумига оид сўзлардан бўлиб, қуиидаги маъноларни билдиради:

1. Предметнинг миқдорини билдиради: *дона, нафар, бош, нусха, туп, бог*. Узунликни, масофани билдиради: *қадам, қарич, метр, километр, газ, қулоч*.



- Оғирликнинг ўлчовини билдиради: *грамм, килограмм, тонна, пуд, центнер: бир тонна пахта.*
- Суюқликнинг ўлчовини билдиради: *литр, сатил, қозон, коса, қошиқ, флаг, пиёла, чойнак: бир чойнак чой.*
- Предметнинг ҳажмини билдиради: *бир қоп* (ун), *бир лаган* (ош).
- Пул қийматини билдиради: *тийин, сўм.*
- Вақтни билдиради: *минут, соат, кун, ой, йил.*
- Предметнинг майдонини билдиради: *сотих, гектар, таноб.*



Сонлар гапда қуидаги синтактик вазифаларда келади:

Отлашганда эгалик ва келишик қўшимчаларини олади, гапда эга:  
*Иккови* бирдан кулиб юборди.

Тўлдирувчи: Билаги зўр *бирни*, билими зўр *мингни* ийқар (Мақол).

Қаратқич-аниқловчи: *Икковининг* ҳам уйлари шу томонда. Сонлар отлашмагандан от олдидан келади, сифатловччи-аниқловчи: дўкондан *юзта* китоб олинди.



Юқоридаги жадвалларни шарҳлаб, маълумотларни чизма кўринишида ёзиб келинг.



## ҚОЗОГИСТОН САНОАТИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ ВА ЎРНИ

Олмош ва унинг грамматик белгилари

**Таянч тушунчалар:** миллий иқтисодиёт, мудофаа, моддий манба, устувор соҳалар, ёқилғи саноати, газ, кўмир саноатлари.



**27-машқ.** Матнни «Жигсо» усули бўйича ўқинг ҳамда синфда муҳокама қилинг.

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон ҳом ашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожи саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли бекиёсdir. Шу сабабли унинг ривожи ва самарадорлиги қанчалик юкори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради. Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожи туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони қўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юкори даражага кўтарилади.

Саноат ва айниқса, унинг энг муҳим соҳаси бўлган оғир саноат мамлакатда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. У моддий техника воситаларини ўзи ва бошқа тармоқлар учун такрор ишлаб чиқариш билан бир вақтда жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириб боради.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизи хисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат дехқон хўжалигини ва чорвачиликни иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, дехқон ва чорвадорлар меҳнатини индустрисал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Саноат мамлакат мудофаа қобилиятининг моддий манбаи, дунёда тинчликни сақлашнинг муҳим омили, мамлакатлар мустақиллигини ва бирдамлигини таъминловчи муҳим соҳадир. Қозогистон давлатининг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашда саноатнинг роли муҳимdir.

Саноат учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қуролланишининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда химиялаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади. Саноат, айниқса, унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин. Саноат табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигига этиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади.

Ҳозирги замон йирик саноати бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда республика саноатида юзлаб тармоқ, бир неча ўн минглаб йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Қозогистон ўзининг, нефти ва гази, олтин, кумуш, кўмир, сланца, торф ҳамда бир қатор бошқа химия, қора ва рангли металлургия саноати учун хомашё маҳсулотларини олиш ва ишлаб чиқариш корхоналари, туз олиш, балиқ овлаш, кит, денгиз ҳайвонлари ни овлаш ва денгиз маҳсулот-





и газни тозалаш ва етказиб бериш, нефть маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналаридан иборат. Нефтни қайта ишлаш саноати соҳасида Атиров, Павлодар, Шимкентда нефтни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди. Ҳозирги даврда саноатнинг бу тармоғи мамлакат халқ хўжалиги ва аҳолининг нефтга бўлган талабини тўла қондириш имкониятларига эга бўлди. Шу сабабдан ҳам бу тармоқнинг аҳамияти беқиёсdir.

Нефтни қайта ишлаш заводларида юқори октанли бензин, дизел ёқилғиси, керосин, кокс, парафин, мотор мойларига қўшилмалар, енгил машиналар учун мотор ва сурков мойлари (компрессор, турбина, урчуқ мойлари), битум, суюлтирилган нефть газлари (бутан, техник пропан ва б.), мазут каби 50 турдан ортиқ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ янги технологиялар ўзлаштирилмоқда.

**Газ саноати.** Бу тармоқ ёқилғи-энергетика мажмуасининг энг ёш, жуда ривожланган соҳаси ҳисобланади. Газ ёқилғининг жуда арzon тури, халқ хўжалигининг барча соҳаларида кенг фойдаланиш имконияти сабабли, экологик жиҳатдан ҳам устунлиги туфайли унга бўлган талаб кундан-кунга ўсиб бормоқда. Қозогистон нефть ва газни четга экспорт қилиш бўйича асосий давлатлардан бири ҳисобланади.

**Қўмир саноати.** Қозогистон Республикаси 280 млрд. тоннали қидириб топилган қўмир захираларига эга. Бу эса ер юзи бўйича қўмир қўрининг 4% ташкил этади. Қарағанда конида қўнғир қўмир, кокс, Ленгер ва бошқа конларида тошқўмир қазиб олинади. Қўмир конлари корхоналар томонидан турли усулларда ўзлаштирилаётir: очик усулда, ер ости ва ер устини газлаштириш усули билан (Ноу-Хау). Қўмир энергетика мақсадларида ва майший ёқилғи сифатида ишлатилади. Қўмирни қайта ишлашдан чиқсан чиқинди органик ва минерал ўғитларга айлантирилади. Конлардан чиқсан

ларини чиқариш билан дунёга машҳурдир.

**Ёқилғи саноати.** Республика ёқилғи саноати ер қаърида топилган ва қазиб олинаётган қўмир, нефть, газ конлари негизида шаклланган ва ривожланиб бормоқда. Ёқилғи саноати республика ёқилғи-энергетика мажмуасининг асосий тармоғи ни ташкил этади ва барча турдаги ёқилғини қазиб олиш, таби-

кўмирлар сифатли ёнилғи, қимматбаҳо ҳамда камёб материаларнинг турли хилларини олиш учун хомашёдир. Масалан, кокс брикети, мотор ёнилғиси, кальций карбиди, сорбент қора ва рангли металлургияда углеродли қўшимчалар сифатида ишлатилади.

- Кўмир қазиб олиш жараёнида каолин, оҳак, кварц қумлари, кўмир кукуни, камёб ер элементи (германий), шағал ва бошқа фойдали қазилмалар олинади. Қозогистон саноатининг ўзга хос хусусияти, унинг фойдали еrostи қазилма бойликлар захираси билан таъманланганлигидадир.

Республика ҳудудида дунё бўйича 50% вольфрам захираси бўлса, унинг 21%, таркибида хром мавжуд бўлган руданинг 23%, қўрғошиннинг 19%, рухнинг 13%, мис ва темирнинг 10% ли захираси бор. Қозогистон дунёда еrostи қазилма бойликлар руҳли, хромли, вольфрамли ва ванадиевли рудалар захираси бўйича 1-ўринни, уран захираси бўйича 2-ўринни, асбестли, волластонитли, ренили, марганец захираси бўйича 3-ўринни, қўрғошин захираси бўйича 4-чи, фосфоритли руда ва газ (зapasи) захираси бўйича 5-чи, темир рудаси, кумуш ва нефтли захираси бўйича 6-ўринни, кўмир, мис ва олтин захираси бўйича 8-ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, берилли яратиш бўйича ҳам (1-4 ўрин), ниоби, галли, техник талли, титанли губка бўйича (3-ўрин), рени ишлаб чиқариш бўйича (1-5 ўрин), уран (7-ўрин), кўмир ва кумуш (8-ўрин) ишлаб чиқариш бўйича дунёда энг йирик мамлакатdir, шунингдек, дунёда нозик мис ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Мис билан Италия, Германия ва бошқа мамлакатларни таъминлайди.



1. Матнни диққат билан ўқинг ва жуфтликда муҳокама қилинг.
2. Матнда қандай масала ёритилган? Қозогистон саноати бўйича яна қандай маълумотлар биласиз?



3. Қазилма ер ости бойликлари бўйича Қозогистон дунёда асосий давлатлардан бири эканлигини билдингиз, энди сиз шу бойликларнинг мамлакатимизнинг қаерларида мавжуд эканлигини аниқланг (интернет материалларидан фойдаланинг).



4. Матндаги сон ва сон турларига оид мисоллар топинг ва изоҳ беринг.

5. От, сон, сифат ўрнида қўлланадиган сўзларга матндан мисоллар келтиринг. Уларнинг нутқимиздаги аҳамиятини изоҳланг.

Предмет ва унинг белгисига ном бўлмай, белгининг мавжудлигини кўрсатадиган сўзлар олмошлардир.

Олмошлар от, сифат, сон ўрнида қўлланилиб, уларнинг бажарадиган вазифасини бажаради. Maxsus сўроқча эга эмас. Улар қайси сўз ўрнида қўлланилса, шу туркумга хос сўроқни олади. Масалан, У келди (ким келди), шундай бино (қандай бино), тўрт китоб (нечта китоб) каби.

Олмошлар маъно жиҳатидан мавҳум ва умумийдир.

Олмошлар маъно ва грамматик жиҳатдан қўйидаги турларга ажратилади: *Кишилик олмошлари, кўрсатиш олмошлари, ўзлик олмоши, сўроқ олмошлари, белгилаш олмошлари, бўлишсизлик олмошлари, гумон олмошлари*.

Олмошлар бошқа сўз туркumlаридан ясалмайди. Улар тузилишига кўра содда: **мен, сен, қандай; қўшма: аллаким, аллақандай;** мураккаб: **ҳеч ким, бир нарса, ҳеч қандай; жуфт: у-бу, ўша-ўша бўлади.**



1. «Қозогистон ... бўйича дунёда биринчи» мавзусида эссе ёзинг.
2. Олмошларнинг турларидан унумли фойдаланиб, саноат мавзусида матн тузинг.

Кишилик олмошлари: **мен, сен, у, биз, сиз, улар**. Бу олмошларнинг I, II шахси (мен, сен, биз, сиз) шахсга нисбатан, III шахси (у, улар) шахс ёки предметга нисбатан ишлатилади. I шахс кишилик олмошлари (мен, биз) сўзловчи, II шахс

олмошлари (сен, сиз) тингловчи, III шахс олмошлари (у, улар) ўзга-нүтк жараёнида қатнашмайдиган шахсни билдиради.

**Кўрсатиш олмошлари** предмет, нарса-ҳодисани кўрсатиш учун ишлатилади: **у, бу, шу, ўша, ҳамда** шу сўзларнинг **ана, мана** сўзлари билан бирикишдан ҳосил бўлган **мана бу, ана шу, анов, ана ўша**, шунингдек **ундай, бундай, шундай, ўшандай** кабилар кўрсатиш олмошларидир.

Кўрсатиш олмошлари умумлашган белги билдиради, кўплик: **булар, шулар**; эгалик: **уним, буни**; келишик: **шунга, унда** қўшимчаларини олади, гапда, асосан, аниқловчи ва кесим вазифасини бажаради.

Кўрсатиш олмошлари пайт ва ўрин билдирувчи сўзларга қўшилганда равиш туркумiga кўчади: **ўша кун, шу ерда, у ёқقا, шу томонга** каби.

**Ўзлик олмоши.** Ўз сўзи ўзлик олмошидир. Бу олмош аниқ яккаликни билдириб, ҳар учала шахсда қўланилади: **ўзим, ўзинг, ўзи.**

## ҚОЗОҒИСТОННИНГ МИНЕРАЛ МАНБАЛАРИ



Қозоғистон ер юзида нефть ва газ, фосфоритлар, уран, рангли металл ва камёб metallар қўри бўйича етакчи ўринларни эгаллайди

**Сўроқ олмошлари.** Предмет, белги, миқдор, ўрин ва пайт ҳақидаги сўроқни билдирадиган олмошлар сўроқ омошлари дейилади. Сўроқ олмошлари: **ким,**

**нума** (предметга), **қандай**, **қанақа** (белгига), **неча**, **қанча** (микдорга) **қачон**, **қаерда** (пайт ва ўринга) бўлган сўроқни билдиради.

**Нима** олмошини **нега**, **не** вариантлари бор. **Нега** олмоши келишик қўшимчасини олмайди. **Ким, нима, қаер** олмошлари от түркумидаги сўз ҳақидаги сўроқни билдиргани учун кўплік, эгалик ва келишик қўшимчаларини олади: **кимлар, кимнинг, кимга** каби.

**Қандай, қанақа, қайси, қачон, қаер** олмошлари қаратқич ва тушум келишиги қўшимчаларини олмайди.

Сўроқ олмошлари ёрдамида сўроқ гаплар тузилади.

**Ким, нима** олмошлари гапда эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи; **қандай, қанақа** олмошлари аниқловчи, ҳол; қайси, қанча, неча-аниқловчи, **қачон, қаер**-ҳол вазифаларида келади.

**Белгилаш олмошлари.** Бу олмошлар предмет ёки шахснинг белгисини жамлаб ёки ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади. Шунга кўра улар икки хил:

**1. Ажратувчи белгилаш олмошлари**

**2. Жамловчи белгилаш олмошлари**

Ажратувчи белгилаш олмошлари **ҳар** сўзи ва шу сўзни сўроқ олмошларидан олдин келтириш билан ҳосил бўлади: **ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар қачон, ҳар қанча** каби.

**Ҳар** сўзининг бир, нарса сўzlари билан бирикишидан ҳам белгилаш олмошлари ҳосил бўлади: **ҳар бир, ҳар нарса.** Бу олмошлар умумийликни якка орқали кўрсатади.

Жамловчи белгилаш олмошлари: **ҳамма, барча, бари, бутун, жами.** Бу олмошлар белгини жамлаб, умумлаштириб кўрсатади. Жамловчи белгилаш олмошлари эга, от олдидан сифатловчи аниқловчи вазифаларида келади.

Баъзи-сўзи ҳам жамловчи бегилаш олмоши бўлиб, у жамликнинг маълум қисмини ажратган ҳолда белгилайди: Суратлардан баъзиларини Саидийга кўргани берар, баъзиларини эса, айнина суратдай яширас, ҳатто стол устига ҳам қўймас эди. (А.Қ.)

**Баъзи** олмоши кўплік, эгалик ва келишик маъноларини ифодалайди: **баъзилар, баъзимиз, баъзиларга.** Келишик қўшимчаси бу олмошга эгаликдан кейин қўшилади.

**Бўлишсизлик олмошлари.** Мутлақо мавжуд бўлмаган предмет, белги, миқдорни билдиради. Шу боисдан бу олмошларда инкор маъноси ифода этилади.

Бўлишсизлик олмошлари сўроқ олмошларидан олдин **ҳеч** сўзини келтириш билан ҳосил бўлади: **ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қайси.** Шунингдек, **бир, нарса** сўzlаридан олдин **ҳеч** сўзини келтириш билан: **ҳеч бир, ҳеч нарса** бўлишсизлик олмоши ҳосил бўлади.

Бу олмошлар маъноси ва морфологик ҳусусияти жиҳатидан сўроқ олмошлиридек.

**Гумон олмоши.** Мавжуд, бироқ ноаниқ бўлган предмет, миқдор белгини тахминлаб кўрсатади. Бу олмошлар предмет, белги тушунчасини ноаниқ, номаълум ҳолда белгилайди: Қоронғу чўл фонида у худди эртакларда тасвирланган **аллақандай** фаришталарга ўхшаб кўринарди. (С.А.)

Гумон олмошлари қўйидагича ҳосил бўлади:

1. Сўроқ олмошларидан олдин-алла, сўроқ олмошларидан кейин-**дир** қўшимчасини қўшиш билан: **аллаким, кимдир.**

2. Сўроқ олмошлари ва нарса сўзидан олдин бир сўзини келтириш билан: **бир нима, бир қанча, бир нарса.**

3. **биров, бирор, баъзи биров** кабилар ҳам гумон олмошлариdir.

Гумон олмошларидан **аллаким, алланима, биров** келишик, эгалик ва кўплик қўшимчаларини олган ҳолда қўлланилади: **аллакимдан, аллакимим, бировнинг** каби.

Олмошлар бошқа сўз туркумларидан ясалмайди. Улар тузилишига кўра содда: **мен, сен, қандай;** қўшма: **аллаким, аллақандай;** мураккаб: **ҳеч ким, бир нарса, ҳеч қандай; жуфт:** **у-бу, ўша-ўша** бўлади.

## МУСТАХКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Икки ва ундан ортиқ ўзаклардан ташкил топган сўзлар қандай сўзлар ҳисобланади?**  
А) жуфт сўз  
Б) қисқартма сўз  
С) такрорий сўз  
Д) қўшма сўз
  
- 2. Қандай қўшма сўзлар ажратиб ёзилади?**  
А) қўшма феъл ва сонлар  
Б) барча қўшма сўзлар  
С) бир, ҳар, ҳеч олмошлари бўлган қўшма сўзлар  
Д) қўшма феъл, сон ва белгилаш, бўлишсизлик олмошлари
  
- 3. Қайси қатордаги сўзлар такрорий сўзлар ҳисобланади?**  
А) узун-қисқа, кўп-кўп, бир-бир  
Б) қаттиқ-қаттиқ, шу-шу, секин-секин  
С) дув-дув, бирин-кетин, аста-секин  
Д) омон-омон, чарс-чурс, қанд-панд
  
- 4. Қўшма сўз берилган қаторни аниқланг.**  
А) маданиятли  
Б) болажон  
С) уч-тўрт  
Д) тинчликсевар
  
- 5. Маънодош жуфт сўзлар...**  
А) дўст-душман  
Б) товоқ-қошиқ  
С) баҳт-саодат  
Д) эгри-буғри
  
- 6. Қайси қўшимчалар янги сўз ясайди?**  
А) шахс-сон қўшимчалари  
Б) эгалик қўшимчалари  
С) келишик қўшрничалари  
Д) сўз ясовчи қўшимчалар
  
- 7. Фақат мустақил сўзлар туркумига мансуб сўзлар қаторини аниқланг.**  
А) керак, душман, билан  
Б) сон-саноқсиз, экмоқ

- С) шерик, ҳам, кенжә
- Д) ҳамма, учун, мангу

**8. Отларнинг тузилишига кўра тури...**

- А) жуфт отлар
- Б) нарса-буюм отлари
- С) ўрин-жой отлари
- Д) шахс отлари

**9. Ҳар доим қўшиб ёзиладиган қўшма отлар...**

- А) иккинчи қисми биринчи қисмининг товуш ўзгариши асосидаги тақоридан таркиб топган бўлаклар
- Б) фақат бир асосдан таркиб топган отлар
- С) бир-бирига яқин ёки қарама-қарши маъноли асослардан таркиб топган отлар
- Д) икки ва ундан ортиқ асосдан таркиб топган турдош отлар

**10. Нисбий сифатлар қайси қаторда тўғри берилган?**

- А) қора, девсифат, ширин
- Б) беор, тонгти, юзаки
- С) ақлли, қишиги, гўзал
- Д) деразали, деворий, кўчма

**11. Озайтирма даражадаги сифатлар...**

- А) белгининг меъёрда эканлигини ифодалайди
- Б) белгининг меъёрдан ортиқ эканлигини ифодалайди
- С) белгининг меъёрдан бироз кам эканлигини қиёсан ифодалайди
- Д) белгининг меъёрдан кам эканлигини ифодалайди

**12. Хусусият билдирурчи сифатлар берилган қаторни аниқланг.**

- А) ширин, қизил, катта
- Б) одобли, узим, хурсанд
- С) қувноқ, камтар, нотаниш
- Д) кечки, кенг, қадимги

**13. Гапда эга вазифасида келган отлашган сифатни белгиланг.**

- А) Каттага катта бўл, кичикка – кичик.
- Б) Доно – дурдан аъло.
- С) Бахилнинг кўлида ой бўлса, оламни ёритмас.
- Д) Орамизда билимдон ўқувчилар кўп.

**14. Миқдор сонлар тури қайси қаторда берилмаган?**

- А) саноқ
- Б) чама

- С) тартиб
- Д) тақсим

**15. Чама сон иштирокидаги гапни аниқланг.**

- А) Бир киши икки шериги билан уйига кетди
- Б) Олтөвлөн бир дастурхон атрофида йиғилдилар
- С) Учаласи дарсга кечикиб киришди
- Д) Бекатда ўнтача одам автобус кутиб туришарди

**16. Қайси қўшимчалар унли билан тугаган саноқ сонларга қўшилганда, асос қисмидаги и унлиси тушиб қолади?**

- А) -ов, -ала
- Б) -тадан, -та
- С) -тача, -лаб
- Д) -ларча, -овлон

**17. Мазкур гапдаги нуқталар ўрнига тўғри келадиган ҳисоб сўзини белгиланг.  
-икки... палов ҳаш-паш дегунча йўқ бўлди.**

- А) кўза
- Б) товоқ
- С) ҳовуч
- Д) ошам

**18. Тўпдан ажратилган шахс, нарса, белгиларни билдирган олмошларни ажратинг.**

- А) ҳамма, бари
- Б) кимдир, нимадир
- С) ҳар ким, ҳар нарса
- Д) нега, қачон

**19. Ясама олмошларни аниқланг.**

- А) Ҳамма, бутун
- Б) Ҳеч ким, қандай
- С) Мана бу, ана у
- Д) Кимдир, аллаким

III  
бўлим

## ИНСОНИЯТНИНГ УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРИ



Инсониятнинг умумбашарий муаммолари –  
бу бутун ер сайёрасининг ҳаётий  
манфаатларига дахлдор муаммолар  
бўлиб, уларни ҳал этиш жаҳондаги барча  
мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликда куч  
сарфлашини талаб қилувчи муаммолардир.



## УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР: У НИМА?

Феъл – сўз туркуми. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар.

Феъл нисбатлари, майллари ва замонлари

**Таянч тушунчалар:** жаҳон, Ер шари, экология, муаммолар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавият, инсоният, саноат, табиат...



28-машқ.


1. Умумбашарий муаммолар: у нима? Ушбу мавзуу сизга танишми?
2. Қўйидаги расмлар бўйича фикр-мулоҳаза юритинг.





1. Берилган мавзунинг долзарбилиги нимада? Тадқиқот юритинг. Тадқиқот учун очиқ саволлар тузинг.
2. Расмга асосланган ҳолда унинг ғоясини аниқлаб, ихчам мақола яратинг. Мақолангизда биргалик нисбатдаги, буйруқ-истак майлидаги феъллардан унумли фойдаланинг.

Тузган матн таркибидағи содда, содда ёйік ва қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилишига риоя қилинг.



Юқоридаги расмни диққат билан күзатиб, тезисини яратинг, сўнгра бу-гунги мавзуга холоса ясаб, монолог ёзинг (100–150 сўз).



1. Ёзган монологни синфдошларингизга тақдим этинг.



2. Тингланган монолог(ахборот)нинг шубҳасиз, тўғри, долзарбилиги нуқтаи назаридан баҳоланг.



3. Ҳаракатнинг нутқи сўзланиб турган пайтга муносабатини ифодалаши феълнинг қайси категориясини аниқлайди? Фикрингизни мисоллар билан далилланг.



**Қўйидаги жадвалларни шарҳланг. Маълумотни чизма равишда тақдим этинг.**

### **Феъл**

Иш-ҳаракат ва ҳолатни билдирадиган сўзлар феъл дейилади: **ўқиди, ёзди, келди, кетди** (ҳаракат феъллари) **ухлади, ўйлади, ёнбошлиди, ўтирибди, тик турибди** (ҳолат феъллари).

Феъллар маъно жиҳатидан, асосан, қўйидагилар:

1. Нутқий фаолият феъллари: **айтмоқ, демоқ, сўзламоқ, гапирмоқ, бақирмоқ, шивирламоқ** ва б.

2. Ақлий фаолият феъллари: **баҳслашмоқ, ўйламоқ, фикрламоқ**.

3. Жисмоний фаолият феъллари: **бормоқ, келмоқ, ёзмоқ, қурмоқ, бузмоқ, ўчирмоқ, чизмоқ, ясамоқ, безамоқ, юрмоқ, сузмоқ** ва б.

4. Ҳолат феъллари: **қувонмоқ, шодланмоқ, бўзармоқ, уялмоқ, кулмоқ, хурсанд бўлмоқ, ухламоқ, ётмоқ** ва б.

Феъллар гап тузишда от каби синтактик асос бўлиб хизмат қиласди ва гапда, асосан, кесим бўлиб келади.

Ҳол ва тўлдирувчи, асосан, феълга боғланади.

Феълнинг хосланган шаклларини мавжудлиги феълнинг синтактик қамровини кенгайтиради. Хосланган шакллар мавжудлиги учун феъл гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи вазифаларида келади.

Феъллар морфологик жиҳатдан **ўтимли-ўтимсиз, бўлишили-бўлишисиз, нисбат, замон, майл** категорияларига, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи каби хосланган шаклларга эга.

Феъллардаги **шахс-сон, замон, майл кабилар, шунингдек феълнинг тасдиқ ва инкор шакллари синтактик муносабатларни ҳосил қиласди**. Масалан, **Мен ўқиганман, Кеча келган эдим, Шу йўлдан борса бўлади** каби.

### **Ўтимли ва ўтимсиз феъллар**

Феълдан англашилган ҳаракатнинг предметга муносабати ўтимли, ўтимсиз-ликни ҳосил қиласди. Ҳаракатнинг предметга ўтган ёки ўтмаганлиги феълнинг тушум келишигидаги сўз билан боғланишига қараб белгиланади.

Ўтимли феъл тушум келишигидаги сўз билан боғланниб ҳаракатни шу сўз англатилган предметга ўтганлигини билдиради: **китобни ўқи, хатни ёз, ишни ба-жар** каби.

Баъзан феъл англатган ҳаракат предметга қисман ўтади. Бундай ўтимли феъл чиқиш келишигидаги сўз билан боғланади: **овқатданemoқ**.

Ўтимсиз феъллар тушум келишигидаги сўз билан боғланмайди: **ухла (сен), келди (хат), югур (уйга)** каби.

### **Феъл нисбатлари**

Феълдан англашилган ҳаракат ва ҳолат билан унинг бажарувчиси ва предмети орасидаги муносабатлар **феъл нисбатлари** дейилади.

Бундай шаклларнинг юзага келишида маҳсус шакл ясовчи қўшимчалар иштирок этади.

Бу қўшимчалар феълнинг маъносини бутунлай ўзгартирмай, унга қўшимча маъно берилади.

Феъл нисбатлари бешта: **1) аниқ нисбат, 2) ўзлик нисбати, 3) мажҳул нисбат, 4) биргалик нисбати, 5) орттирма нисбат.**

**Аниқ нисбат.** Бу нисбат эга томонидан бажарилиши аниқ бўлган ҳаракат ва ҳолатни билдиради. Аниқ нисбатни ҳосил қилувчи қўшимча йўқ. У феълнинг негизи орқали ифодаланади. Феълнинг бундай қурилиши фаол қўлланилади: **ёзди, ухлади** каби.

**Ўзлик нисбати.** Ҳаракатнинг бажарувчиси ва ҳаракат обьекти ҳам бир шахснинг ўзи бўлади. Бу нисбат қўйидагича ҳосил бўлади:

а) феъл негизига **-н (-ин), -л (-ил)** қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади: **таран, ўран, ювин, кийин, суркал, чўмил;**

б) феъл ясови-**лан** қўшимчаси билан ясалган феъллар ҳам ўзлик нисбатида бўлади: **шодланди, жонланди, таъсирланди** каби.

Мураккаб феълларда ўзлик нисбати қўшимчаси етакчи феълга қўшилади: **ювениб олди, ўраниб олди.**

**Мажҳул нисбат.** Бу нисбатда ҳаракат ҳолатнинг обьекти (тўлдирувчи) гапда эга вазифаси шаклида бўлади, ҳаракатнинг бажарувчиси эса ноаниқ бўлади. Масалан, **Китоб ўқилди** гапида китоб сўзи эга шаклида келган, ҳаракатнинг бажарувчиси эса ноаниқ.

Мажхұл нисбат ҳам феъл негизига **-н (-ин), -л (-ил)** қүшимчаларини қүшиш билан ҳосил бўлади: уй **кўринди, сим уланди, хат ёзилди** каби.

Ўзлик ва мажхұл нисбатлар айнан бир хил қўшимчалар билан шаклланган бўлиб, феълнинг қайси нисбатда эканлиги гапнинг мазмунидан англашилади. Агар ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бўлса, ўзлик нисбати: **Рустам ювинди**, ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ бўлса мажхұл нисбат: **кийим ювилди** бўлади. Мажхұл нисбат ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради: **кий-ўтимли, кийин-ўтимсиз**.

**Биргалик нисбати.** Бу нисбат ҳаракатнинг бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилишини билдиради.

Биргалик нисбати **-ш (-иш), -лаш** қўшимчалари билан ясалади: **боришди, келишди, гаплашди, сұхбатлашди**.

**Орттирма нисбат.** Орттирма нисбатдаги феъллар бошқа бирор шахснинг таъсири билан бажариладиган ҳаракатни билдиради.

Бу нисбат қўйидаги қўшимчалар билан ҳосил бўлади:

**-т: ўқит, ишлат, тўхтат**

**-дир, -тир: ёздир, олдир, келтир**

**-газ, -гиз, ғиз, -каз, -қиз, -қаз: кўргаз, юргиз, турғиз, ўтказ, кетгиз, ютқаз.**





## УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Равиш. Равишнинг маъно турлари ва грамматик белгилари

**Таянч тушунчалар:** фан-техника инқилоби, ягона глобал тизим, экология муаммоси, муаммоларнинг вужудга келиши ва кескинлашуви



**29-машқ.** Матнолди топшириқлар. Матни кўз югуртириб ўқиб чиқинг ҳамда сарлавҳа қўйинг.

Саноат ва фан-техника инқилоби даврида инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тубдан ўзгариб кетди. Бу ўзгаришлар натижасида бир қатор долзарб аҳамиятли, башариятнинг келажакдаги ижтимоий тараққиётини белгилаб берадиган муаммолар вужудга келди. Бу муаммолар инсониятнинг умумбашарий (глобал) муаммолари деб аталади ҳамда уларнинг ечимини топиш йўлида барча давлатларнинг куч-қудрати, имконият-ҳаракатлари жамланиши мақсадга мувофиқ.



Умумбашарий муаммоларнинг вужудга келиши ва кескинлашуви сабаблари жаҳон аҳолиси сонининг қисқа вақт ичида бир неча баробар ўсганлиги, саноат ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал суръатлар билан ривожланиши, табиий мухитдаги мувозанатнинг инсон хўжалик фаолияти таъсирида бузилиши, жаҳон хўжалигида халқаро иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши туфайли ягона глобал тизим сифатида шаклланиши, фан-техника инқилоби ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг салбий оқибатлари кабилардан иборат.

Асосий глобал муаммолар қаторига, одатда, қўйидагилар киритилади: тинчликни сақлаш ва жаҳон хавфсизлигини таъминлаш муаммоси; экологик муаммо; ривожланаётган давлатнинг ижтимоий-иқтисодий қолоқлиги ва қашшоқлик муаммоси; демографик муаммо (ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг юқори суръатлар билан ўсиши ва ривожланган мамлакатлардаги демографик инқизороз); озиқ-овқат муаммоси, энергетика муаммоси; хом ашё ресурслари муаммоси; Дунё океанидан оқилиона фойдаланиш муаммоси; миллатлараро ва динлараро муносабатлар муаммоси; қон-юрак, онкологик касалликлар ва ОИТС-га қарши курашиш муаммоси. Бундан ташқари, бошқа бир гурӯҳ муаммолар ҳам айрим адабиётларда умумбашарий муаммолар тоифасига киритилади, масалан, фавқулодда вазиятларга қарши курашиш ва олдини олиш муаммоси, коинотни ўзлаштириш ва фазовий экология муаммоси ёки маънавий қадриятлар инқизорози муаммоси.

Инсониятнинг умумбашарий муаммолари чамбарчас равишда ўзаро бир-бирига боғлиқ, бир муаммо бошқаларнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Шундай экан, муайян муаммони бошқа муаммоларга эътибор қаратмасдан ечиш имконияти мавжуд эмас. Масалан, ривожланаётган мамлакатлардаги демографик ва озиқ-овқат муаммолари орасида маълум алоқадорлик мавжуд, чунки аҳолининг юқори суръатлар билан кўпайиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмовчилиги очарчиликни кескинлаштиради. Энергетика ва экологик муаммолар ҳам бевосита бир-бирига алоқадор ҳисобланади, чунончи, янги энергия манбаларини излаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш атроф-муҳит сифатига ҳам маълум даражада таъсир этади.

*Бекзод Мамадиев*



1. Матннинг тезисини аниқланг.
2. Қўйидаги жадвалларни матнга асосланган ҳолда (муаммоларни гурӯҳлар бўйича таснифлаб) тўлдиринг.

1-жадвал

ИНСОНИЯТНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ МУАММОЛАРИ				
Сиёсий	..?	..?	..?	..?

## 2-жадвал

Ҳолат равиши	Миқдор- даражा равиши	Ўрин равиши	Пайт равиши	Сабаб равиши	Мақсад равиши



- Қуидаги жадвал бўйича тақдимот тайёрлаб келинг.
- Фикрингизни далиллар билан исботланг.

### *Равиши*

Ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, баъзан белгининг белгисини билдирадиган сўзлар равиш дейилади. Равишлар ифода хусусиятига кўра сифатга яқин, бироқ сифат предметнинг белгисини, равиш эса ҳаракатнинг, белгининг белгисини ифодалаш жиҳатидан фарқланади. Равиш, асосан, феълга айрим ҳолларда сифатга, равиша, баъзан отга боғланниб келади. Масалан, **тез юрмоқ** (ҳаракатнинг белгиси), **жим ўтирумоқ** (ҳолатнинг белгиси), **болаларча содда** (белгининг белгиси), **дўстона суҳбат** (предметнинг белгиси).

Равишлар гапда, асосан, ҳол вазифасида, сифат ва отга боғланганда эса сифатловчи-аниқловчи вазифасида келади: Унинг сўзлари **болаларча содда**, самимий, лекин аниқ ва равшан эди.

Равишлар маъно жиҳатидан қуидагича: **ҳолат (тарз) равишлари, миқдор-даража равишлари, ўрин равишлари, пайт равишлари, сабаб равишлари, мақсад равишлари**.

**Ҳолат (тарз) равишлари.** Ҳаракатнинг қай ҳолатда, қай тарзда бажарилишини билдиради. **Қандай?, қай тарзда?, қай ҳолатда?** сўроқларига жавоб бўлади: **тез, секин, аста, пиёда, яёв, бирдан, тўсатдан, дўстона, янгила, ёнма-ён, юзма-юз, мардона, муздай, аста-секин.**

Ҳолат равишлари равиш ҳоли, шунингдек, сифатловчи-аниқловчи, баъзан кесим вазифаларида келади.

**Миқдор даража равишлари.** Ҳаракат ва ҳолатнинг миқдорини билдириб қанча? сўроғига жавоб бўлади: **кўп, оз, анча, пича, сал, мўл, хийла, талай, роса, жиндай.**

**Даража равишлари:** **жуда, энг, ғоят, ғоятда, бениҳоят, ниҳоятда** каби.

Бу равишлар ҳаракат ва белгининг ортиқлигини билдиради.

Миқдор-даража равишлари гапда, асосан, равиш ҳоли, кесим, отларга боғланып аниқлович бўлиб келади: **оз сўз-соз сўз**.

**Ўрин равишлари.** Ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, **қаерда?**, **қаердан?** сўроқларига жавоб бўлади: **у ерда, шу ерда, ўнгда, чапда, тўғрида, олдинда, юқорида, орқада** каби. Ўрин равишлари гапда ўрин ҳоли, баъзан кесим бўлиб келади.

**Пайт равишлари.** Ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, **қачон?** сўроғига жавоб бўлади: **ҳозир, эрта индин, тушда, кечқурун, бугун, олдин, яқинда, кейин, кеча, ўтган йил** каби.

Пайт равишлари гапда пайт ҳоли ва кесим вазифасида келади.

**Сабаб равишлари.** Ҳаракатнинг бажарилиши сабабини билдириб, **нима учун?, нима сабабдан?** сўроқларига жавоб бўлади: **ноилож, иложсиз, чорасиз, чорасизликдан**.

Сабаб равишлари гапда сабаб ҳоли вазифасида келади.

**Мақсад равишлари.** Ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдириб, **қандай?, қай мақсадда?** сўроқларига жавоб бўлади: **атай, атайин, атайлаб, қасдан, жўрттага**. Мақсад равишлари гапда мақсад ҳоли вазифасида келади.





## ОНА САЙЁРА ХАВФ ОСТИДА

Ёрдамчи сўз туркумлари. Кўмакчи. Боғловчи. Юклама.  
Ундов ва тақлид сўзлар

**Таянч тушунчалар:** она сайёра, экологик инқироз, табиат мувозанатининг бузилиши, таҳди, глобал иқлим исиши асоратлари



**30-машқ.** Матнни гурухларда синчиклаб ўқиб чиқинг. Мазмунини ўзлаштиринг. Муҳокама қилинг.



Инсоният XXI асрга ўзи билан бирга олиб кирган катта муаммолардан бири бу атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳамда иқлим исиши билан боғлиқ экологиянинг глобал тарзда бузилишидир.

Экологик инқироз давомийлиги ва талафот қўламига кўра турли хил кўринишда юз беради. Айримлари бир неча кун ичидаёқ содир бўлиб, тезкор талафотларни келтириб чиқарса, бальзиларининг юзага чиқиши учун миллионлаб йил керак бўлади. Шунингдек, экологик инқироз бирор худуд доирасида ёхуд глобал миқёсда бўлиши мумкин.

Табиат мувозанатининг бузилиши ёки ташқи таъсирлар оқибатида табиий жараёнларнинг ўз ўзанидан чиқиши тарзида баҳоланадиган мазкур воқелик тирик мавжудот турларининг бутунлай қирилиб битиши каби асоратларга олиб келиши мумкин. Ўтмишдаги музликлар, сувликлар даври ва улар ўрнини эгаллаган янги иқлим шароитлари ҳамда улар олиб келган ўзгаришларни таҳлил қиласидиган бўлсак, мазкур даврларда флора ва фауна оламининг айрим турлари қирилиб, ўрнини янги навлар эгалла-



ганини кўришимиз мумкин. Ҳозирга қадар инсон зотининг Ер юзида яшаб қолишига жиддий таҳдид солувчи экологик инқиroz юз бермаган бўлса-да, лекин бугуннинг энг катта глобал муаммосига айланган иқлим исиши ва у келтириб чиқарган асоратлар сайёрамизни яқин келажакда инсоният яшashi қийин бўлган масканга айлантириши аниқ.

Атроф-муҳит ифлосланиши ҳамда натижада иқлимининг глобал тарзда исишига асосий сабаб табиий ёқилги захираларининг катта ҳажмда истеъмол қилинишидир. Замонавий дунёда инсон иштаҳаси очилиб боргани сари нефть, кўмир, газ каби ёқилғилар истеъмолига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда ҳамда улар кўр-кўрона ва тартибсиз равишда ўзлаштирилиб, атроф-муҳитга катта зиён етказилмоқда.

Аввало, мазкур еости захираларидан бўшаб қолган конлар мутлақо яроқсиз ва соғлиқ учун зарарли чиқинди ерларга айланиб қолиши билан атроф-муҳит учун хавфлидир. Ёқилғилардан фойдаланиш оқибатида атмосферага чиқаётган иссиқхона газлари етказаётган зарап кўлами эса ундан ҳам катта. Заводлардан кўкка ўрлаётган заҳарли тутунларнинг аниқ ҳисобини билиш имконсиз. Кунига миллионлаб тонна чиқиндилар эса оқава сувларга қўшилиб, сув ҳавзаси ҳайвонот олами учун ҳам улкан оғат манбаи бўлиб хизмат этмоқда. Очиқ ҳудудларга ташланаётган чиқиндилар эса катта-катта ерларда ахлат уюмларини ҳосил қилмоқда. Буларнинг барчasi дунё об-ҳавосининг меъёрдаги даражадан кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Глобал исиши сифатида аталаётган бу ҳолат инсон эртасининг бугунидан кўра яхшироқ бўлиши қийин эканига ишорадир.

### **Асоратлар бўй кўрсата бошлади**

Глобал иқлим исиши асоратлари аллақачон инсониятга кулфатлар келтириб улгурди. Тўфонлар, бўронлар ҳамда қурғоқчилик оғатларининг тез-тез учраётгани айни иқлим исиши оқибатида юзага келаётir. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида саноати ривожланган мамлакатларда иссиқхона газларининг катта миқдорда ва бетартиб тарзда атмосферага чиқарилиши

Озон қаватининг тешилишига олиб келди. Натижада Қуёшнинг инсон учун заарли бўлган нурлари мазкур тешикдан ўтиб Ер юзасини яшаш учун хавфли бўлган масканга айлантира бошлади. Жаҳон ҳамжамияти бундан жиддий ташвишга тушиб, иссиқхона газлари миқдорини камайтириш учун лозим бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини англаб етди ҳамда бу борада қилинган амалий ишлар натижасида мавжуд хавфни маълум даражада жиловлашга муваффақ бўлинди.

Иқлим исиши абадий музликлар диёри бўлган Арктикага ҳам етиб борди. Бу ердаги улкан музликларнинг эриши уммонлардаги сув сатҳининг кўтарилишига сабаб бўляпти. Айни ҳолат океан қиргоқларида қад ростлаган шаҳарларнинг яқин келажакда сув остида қолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Юз минглаб инсонлар жонига зомин бўлган ва кейинги йилларда тез-тез содир бўлаётган тўфон, сув тошқини, зилзила каби улкан табиий оғатлар ҳам инсониятнинг ўзбошимча хатти-ҳаракатига нисбатан берилаётган жиддий огоҳлантиришdir.

Атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ яна бир муаммо бу тоза ичимлик сувининг танқислиги.

Статистик маълумотларга кўра, дунёning камида бир млрд. аҳолиси тоза ичимлик суви ичиш имкониятига эга эмас. 1990 йилдан бери тоза ичимлик сувини истеъмол қилувчилар сони 1,6 млрд. кишига ошган бўлса-да, лекин бу неъматдан бебахралар сони ҳануз бир миллиарддан ортиқ. Бундан ташқари яна 2,5 млрд. инсон асосий коммунал хизматлардан фойдалана олмайди. Булар сафида замонавий овқат пишириш ва иситиш технологияларига эга бўлмаган 2,4 млрд. киши, шунингдек, электр энергияси етиб бормаган 1,6 млрд. кишини ҳам ҳисоблайдиган бўлсак, ҳайтнинг асосий неъматларидан ҳамма қатори фойдаланиш саодатига эга бўлмаганлар инсониятнинг аксариятини ташкил этишига гувоҳ бўламиз.

Ўтган асрда сувга нисбатан бўлган талабнинг ошиши аҳоли ўсишига нисбатан икки баробар юқори бўлди. Ҳали дунёда сувсизлик муаммоси очиқ кўзга ташланмаган бўлса-да, лекин дунё аҳолисининг 2,8 миллиарди ёки бошқача қилиб айтганда жами ер юзи аҳолисининг 40 фоизи сув



танқис бўлган ҳудудларда яшайди. Айни ҳолат мавжуд сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо этади.

Тоза ичимлик суви борасидаги муаммоларга, асосан, Африка қитъасида яшовчи инсонлар кўпроқ дуч келмоқда. Бу минтақа сув ресурсларининг ҳудудлар ўртасидаги тақсимотида жиддий номутаносиблиг бор. Масалан, Шимолий Африкада аҳолининг 92 фоизи тоза ичимлик суви истеъмол қилиш имкониятига эга бўлса, сахро минтақасидаги Африка давлатларида бу кўрсаткич 60 фоизга ҳам етмайди.

*Бекзод Мамадиев*



1. Матннинг белгилари ва нутқий хусусиятларига кўра услубини аниқланг.
2. Яхлит матнни нояхлит матнга айлантириб, постерда матн мазмунини ёритинг. Синфга тақдим этинг.
3. Сўзнинг ясалиши ва морфологик меъёrlарга риоя қилинг.
4. Келтирилган иллюстрация расмлари матн мазмунига алоқадорми? Матннинг асосий ғоясини етказиб беришда уларнинг ролини аниқланг. Фикрингизни далилланг.
5. Матн таркибидан ёрдамчи сўз туркумларига мисолларни ўзи билан боғланган сўзлар билан кўчириб ёзинг. Уларнинг вазифаси нимадан иборат?



**31-машқ.** Қўйида берилган маълумотларни (1, 2, 3, 4-жадваллар) гурӯҳларда муҳокама қилинг, қайта шарҳланг, синфга тақдим этинг. Уларнинг нутқидаги аҳамияти, ролини изоҳланг. Маълумотларни нояхлит тарзда беришингиз мумкин.

### **1-жадвал**

#### **Ёрдамчи сўзлар**

Мустақил сўзлар орасидаги грамматик муносабатларни ифодаловчи сўзлар ёрдамчи сўзлар дейилади.

Ёрдамчи сўзлар луғавий маънога эга эмас, улар гапда бирор гап бўлаги вазифасини бажармайди, фақат грамматик муносабатларни шакллантириш учун хизмат қиласди.

Ёрдамчи сўзларга қўйидагилар киради: **кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар.**

### **Кўмакчилар**

От ёки отлашган сўздан кейин келиб, шу сўзни бошқа сўз билан бирикишини таъминлайдиган сўзлар кўмакчилар дейилади.

Кўмакчилар маъно жиҳатидан келишик қўшимчаларига яқин. Шунинг учун келишик қўшимчалари ўрнида кўмакчилар ишлатилади: **сенга-сенинг учун, руч-када-ручка билан, уйга-уй томон** каби.

Кўмакчиларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- Соф (асл) кўмакчилар: билан, учун каби, сайин, сари, сингари, узра, янглиф, қадар.** Булар ўз луғавий маъносини йўқотиб, бутунлай кўмакчига айланган.
  - От кўмакчилар.** От ёки равишдан кўмакчига айланган: **томон, бошқа, ташқари** (отдан), **илгари, бурун, аввал, сўнг, кейин** (равишдан).
  - Феъл кўмакчилар.** Феълнинг бирор шаклидан кўмакчига айланган: **қараб, кўра, яраша, бошлаб** (равишдошдан), **қарагандা** (сифатдошдан).
- Кўмакчиларнинг келишикдаги сўзлар билан қўлланилиши қўйидагича.
- Бош келишикдаги сўз билан: **учун, билан, каби, сингари, янглиф, орқали, сари, сайин узра** кўмакчилари қўлланилади.
  - Жўналиш келишигидаги сўз билан: **кўра, қадар, довур, томон, қараб, қарагандা, яраша** кўмакчилари қўлланилади.
  - Чиқиш келишигидаги сўз билан: **бурун, олдин, аввал, илгари, кейин, кўра, сўнг, буён, бошқа, бери, ташқари.**

Кўмакчилар қўйидаги маъноларни билдиради:

- Восита маъносини билдиради: **билан** (қалам билан ёзмоқ), **орқали**.
- Йўналиш маъносини билдиради: **қадар, довур, томон, қараб, сўнг.**
- Пайт маъносини билдиради: **аввал, олдин, илгари, бурун, кейин, сўнг.**
- Мақсад маъносини билдиради: **учун** (ўқиш учун)
- Ўхшатиш маъносини билдиради: **каби, сингари, сайин, янглиф, мисол.**

## **2-жадвал**

### **Кўмакчи отлар**

Аслида мустақил маъноли сўзлар бўлиб, маълум шаклларида маъносини йўқотиб кўмакчига силжиб қолган сўзлар кўмакчи отлар дейилади.

Кўмакчи отлар қаратқич келишиги шаклидаги от билан боғланиб келади: **олд** (уйнинг олди), **орқа, ҳузур, кет, ён, ўрта, ич, ора, таг, ост, уст, тепа, тўғри, юза, бўй, қарши, хақ, хусус, бош, қош, ёқа** кўмакчи отлардир.

Кўмакчи отлар маъносига кўра уч хил.

- Вертикал йўналишдаги ўринни ифодалайди: **ост, уст, таг, тепа.**



- Горизонтал йүналишдаги ўринни ифодалайды: **олд, кет, орт, орқа, ён, ўрта, ич, ора.**
- Фикрни нима ҳақда эканлигини ифодалайды: **түғри, хусус, юза, ҳақ** каби.

### **Юкламалар**

Сүз ёки гапга құшимча маъно қўшиш учун ишлатиладиган ёрдамчи сўзлар юкламалар дейилади.

Юкламалар тузилишига кўра икки хил:

- Аффикс юкламалар: **-ми, -чи, -а (-я), -у (-ю), -оқ, -ёқ, -ку, -да, -дир, -гина (-кина, -қина)**
- Сўз юкламалар: **фақат, ахир, ҳатто, ҳаттоки, ҳам, наҳом, наҳотки, худди, нақ.**

Юклама қўшимча маъно ифодалашига кўра қўйидагича:

- Кучайтирув ва таъкид юкламалари: **-ку, -у (-ю), -да, -оқ (-ёқ), ахир, ҳатто, ҳаттоки, ҳам.**
- Сўроқ юкламалари: **-ми, -чи, -а (-я), наҳом, наҳотки.**
- Айирув ва чегаралов юкламалари: **фақат, -гина (-кина, -қина).** Бир ва ёлғиз сўзлари фақат юкламаси ўрнида қўлланилади.
- Аниқловчи юкламалари: **нақ, худди.**
- Гумон юкламаси: **-дир.**

Юкламаларнинг ёзилиши қўйидагича:

- ми, -оқ (-ёқ), -гина (-кина, -қина), -дир** юкламалари сўзларга қўшиб ёзилади.
- чи, -ку, -у (-ю), -а (-я), -да** юкламалари сўзлардан чизиқча билан ажратиб ёзилади.
- Сўз юкламалар алоҳида ёзилади.

### **З-жадвал**

#### **Боғловчилар**

Гап бўлаклари ёки қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қиласидиган ёрдамчи сўзлар боғловчилар дейилади. Боғловчилар якка ҳолда ҳам бошқа сўзларга қўшилган ҳолда ҳам бирор гап бўлаги бўлиб келмайди.

Боғловчилар қўлланилишига кўра икки хил: **якка боғловчилар, тақрорланувчи боғловчилар.**

Якка боғловчилар: **ва, ҳамда, амма, лекин, бироқ, чунки, агар, токи, балки, гўё, башарти, -ки, -ким, яни, шунинг учун, гарчи.** Тақрорланувчи боғловчилар: **дам, ё, ёки, гоҳ, хоҳ, баъзан, бир.**

Тақрорланувчи боғловчилардан **ё, ёки, ёхуд** якка ҳолда ҳам ишлатилади. **На, хоҳ, гоҳ, дам** якка ҳолда қўлланилмайди.

Боғловчилар вазифасига кўра икки хил: **а) тенг боғловчилар; б) эргаштирувчи боғловчилар.**

Тенг боғловчилар сўз ва гапларни грамматик жиҳатдан тенгланиш асосида боғлайди. Тенг боғловчилар уч хил:

- 1. Бириктирув боғловчилари.**
- 2. Зидлов боғловчилари.**
- 3. Айирув боғловчилари.**

**Бириктирув боғловчилари:** **ва, ҳам, ҳамда.** Билан кўмакчиси бириктирув боғловчиси вазифасида қўлланилади. Бу боғловчилар уюшиқ бўлаклар ҳамда қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлайди.

Бу боғловчилар ўрнида **-у, -ю, -да** юкламалари ҳам қўлланилади. Масалан, Ҳалиги йигит бошни кўтариб Саидийга бир **қаради-да**, яна ўз иши билан машғул бўлди. (А.Қ.)

**Зидлов боғловчилари:** **аммо, лекин, бироқ, ҳолбуки.** Бу боғловчилар уюшиқ бўлакларни ва мазмунан зид бўлган гапларни боғлайди. Зидлов боғловчилари ўрнида ҳам **-у, -ю, -да** юкламалари қўлланилади. Озроқ мизғиб олмоқчи **бўлди-ю**, танасининг зирқираб оғришидан кўзи илинмади. (С.А)

- Айирув боғловчилари:** **ё, ёки, дам, гоҳ, хоҳ, баъзан.**

Бу боғловчилар, асосан, такрорланган ҳолда қўлланилиб, гап бўлаклари ва гапларни бир-биридан ажратиш ҳамда воқеа-ҳодисанинг олдин-кейинлигини кўрсатиш учун қўлланилади. Масалан, **гоҳ олмазор, гоҳ шафтологизор, гоҳ төракзорлар** орасидан ўтиб борарадим. (Х.Т.)

**Эргаштирувчи боғловчилар** қўшма гап таркибидаги содда гапларни эргашиш (тобелаш) муносабати асосида боғлайди: **-ки (-ким), чунки, гўё, гўёки, токи, агар, башарти, гарчи, яъни, шунинг учун, мабодо.**

Эргаштирувчи боғловчилар маъноларига кўра қўйидагича:

- 1. Аниқловчи боғловчилари:** **-ки (-ким), яъни.**
- 2. Сабаб боғловчилари:** **чунки, шунинг учун.**
- 3. Чоғиштирув боғловчиси:** **гўё, гўёки**
- 4. Мақсад боғловчиси:** **токи.**
- 5. Шарт ва тўсиқсизлик боғловчилари:** **агар (гар), агарчи, гарчи, гарчанд, башарти, мабодо.**

#### 4-жадвал

##### Ундов сўзлар

Ҳис-ҳаяжон ва ҳайдаш-чақириш маъноларини билдирадиган сўзлар ундов сўзлар дейилади. Ундовлар луғавий маънога эга эмас. Улар гап бўлаклари билан алоқага кирмайди, гап бўлаги бўлмайди. Ундовлар морфологик белгиларга эга эмас.

Үндовлар учун хос бўлган мұхим хусусият гап олдидан келиб, ҳис-ҳаяжон маъноларини кучайтиришдир.

Үндовлар маъно жиҳатидан икки хил:

1. Ҳис-ҳаяжон үндовлари: *о, оҳ, э, эй, эҳ, уҳ, уф,вой, дод, бе, ҳе, а, ҳа, оббо, ўҳу, аттанг, оғарин, раҳмат, хайр, балли,вой-бўй, салом, баракалла, эвоҳ, ажабо, водариғ.*
2. Ҳайдаш-чақириш үндовлари: *кишт, чух, беҳ-беҳ, баҳ-баҳ, пишт, иш, хих, ту-ту, хўш-хўш, тур* (итга), *чиғи-чиғи* ва бошқалар.

Айрим үндовлар кишиларнинг номи ўрнида ишлатилиб, мурожаатни ифодалайди: *ҳой, эй, э, ҳей, ҳай* каби.

Үндовлар тузилишга кўра содда: *уф,вой, дод; жуфт: эҳ-ҳе,вой-бўй, ҳай-ҳай, ў-ҳў, э-ҳа* ҳолда қўлланилади: Ҳой, биродар, туринг, шаҳарга келдик, деб ўйфотиб қолди. (М.И.)

Үндовлар гапда үндалма, сўз-гап, отлашганда эса от бажарадиган вазифаларда келади.

### **Тақлидий сўзлар**

Товушга, ҳаракат ва ҳолатга тақлидни билдирадиган сўзлар тақлидий сўзлар дейилади.

Тақлидий сўзлар маъно жиҳатидан икки хил:

1. Товушга тақлид билдирувчи сўзлар: *қарс-қурс, гурс-гурс, гуп-гуп, шиқ-шиқ, гумбур-гумбур, тап-туп, тапир, тупур, чуғур-чуғур, пиқ-пиқ, пиқир-пиқир, тарақ-түруқ.*

Товушга тақлид билдирувчи сўзлар уч хил:

- а) инсонга хос товушга тақлид: *қиқиқ-қиқиқ, пиқир-пиқир, пиқ-пиқ, инга-инга, қақиқ-қуқур, қулт-қулт* ва бошқалар;
  - б) ҳайвонлар ва паррандаларга хос товушга тақлид: *миёв-миёв, вов-вов, куку, чуғур-чуғур* ва бошқалар.
2. Ҳаракат ва ҳолатга тақлид билдирувчи сўзлар: *ялт-юлт, милт-милт, лип-лип, ланг, чурқ, ғуж-ғуж, дув-дув, жимир-жимир, лапанг-лапанг.*

Тақлидий сўзлар қўлланишига кўра якка: *пиқ, пиқир, шиқ, дув, ялт, тиқ, тиқир, тарс гумбур, гуп, лип, тақ; жуфт: ғир-ғир, дув-дув, қулт-қулт* ҳолда қўлланилади.

Якка ҳолда қўлланиладиган тақлидий сўзлар, асосан, этмоқ феъли билан боғланган ҳолда қўлланилади: *гуп этди, шиқ этди.*

Тақлидий сўзлар гапда барча гап бўлаги вазифаларида келади.

Тақлидий сўзлардан от: *шалдироқ, қарсак*; феъл: *гурилла, ловулла*; сифат: *ялтироқ* каби сўзлар ясалади.



## УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР: ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИШ МУМКИН? ГЛОБАЛ БАШОРАТЛАР

Сүз бирикмаси. Гап ҳақида маълумот. Бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гаплар.

**Таянч тўзлар:** тинчликни сақлаш ва қуролсизланиш муаммоси, «янгича тафаккур услуги».



### 32-машқ.

Глобал муаммолардан тинчликни сақлаш ва қуролсизланиш муаммоси энг универсал аҳамиятга эга. Инсоният тарихида, бაъзи маълумотларга кўра жами мингдан ортиқ урушлар рўй берган ва, минг афсуски, ҳарбий можаро ва зиддиятлар сайёрамизнинг турли ҳудудларида ҳанузгача юз бермоқда. Лекин глобал даражада бу муаммо жами 70 миллиондан зиёд киши қурбон бўлган иккита жаҳон уруши бўлиб ўтган XX асрда кескинлашди. Урушдан кейинги даврда эса капиталистик ва социалистик давлатлар ўртасидаги ўткир қарама-қаршиликлар шароитида «қурол пойгаси» кескинлашиб кетди.

Дунёнинг турли миintaқаларида уруш ва ҳарбий тўқнашувлар содир бўлмоқда. Ҳарбий ҳаракатлар ва фуқаролик урушлари туфайли айrim давлатлар гуманитар фалокат вазиятига келиб қолди. Бунга Сурия, Ироқ, Ливия, Сомали, Афғонистон, Жанубий Судан ва бошқа давлатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Шунингдек, суст ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий колоқлиги ва қашшоқлиги ҳам муҳим муаммолардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунёда 1,2 миллиардгача киши очарчиликка дуч келмоқда, 1,7 миллиарддан ортиқ аҳолининг ўртacha умр кўриши 60 ёшга етмайди, 1,5 миллиард одамларнинг тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти умуман йўқ, 1 миллиарддан ортиқ одамлар ўта камбағал турмуш кечирмоқда, 200 миллиондан ортиқ бола мактаб таълимими ололмаяпти, жаҳонда 800 миллиондан зиёд киши бутунлай саводсиз, яъни ёзиш ва ўқишни

билмайди. Энг оғир ижтимоий-иқтисодий вазият БМТ томонидан энг суст ривожланган (энг қолок) мамлакатлар гурухига киритилган давлатларда кузатилади. Бу рўйхат дастлаб 1971 йилда тузилиб, унга 24 давлат киритилган эди. 2014 йил ҳолатига кўра унда 48 та давлат қайд қилинган.

Ҳозирги кунда озиқ-овқат муаммоси ҳам кўплаб ривожланаётган мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади. Бу муаммонинг моҳияти дунёда жами 1,2 миллиардга яқин одамлар етарли даражада озуқа моддаларни истеъмол қила олмаётганлиги, у ёки бу даражада очарчиликка дуч келганидан иборат. Аҳолиси энг юқори суръатлар билан кўпаяётган, Африка мамлакатларида бу муаммо энг кескин даражада рўй бермоқда.

Жумладан, Сомали, Жанубий Судан ва бошқа мамлакатларда очарчилик умуммиллий гуманитар фалокат даражасига етди. Шунингдек, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё ҳамда Лотин Америкасининг айрим мамлакатларида ҳам бир неча миллион киши очарчилик шароитида яшамоқда. Озиқ-овқат муаммосининг ечимига, асосан, қишлоқ хўялигидаги техника ва технологияларни тубдан такомиллаштириш, бу соҳада меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари билан эришиш мумкин.

Энергетика муаммоси ҳам долзарб глобал муаммолардан бири бўлиб, унинг моҳияти жаҳон энергетика балансининг аксарият қисми тугайдиган энергия манбаларига тўғри келиши билан тавсифланади. Яъни, минерал ёқилги ресурслари (нефть, табиий газ, кўмир, сланес, торф) захираларининг камайиши ёки уларни қазиб олиш таннархининг анча кўтарилиши аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг энергияга бўлган эҳтиёjlари орасидаги тафовут билан боғлиқ муаммони юзага келтиради. Бу муаммонинг ечими кўпчилик мутахассислар фикрича, асосан, иккита йўналишдаги ҳаракатлар билан боғлиқ: энергияни тежайдиган технологияларнинг амалиётга кенг жорий этилиши ҳамда қуёш энергияси, шамол, қалқишлиар, геотермал энергия, биоёқилги сингари ноанъанавий (муқобил) энергия манбаларидан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш.



1. Ушбу матнда қандай долзарб муаммолар кўтарилиган? Бир жумла билан фикрингизни ифодаланг.
2. Матн таркибидан асосий ва яширин ахборотни аниқланг.



3. Умумбашарий муаммоларни рўйхатини тузинг ва уларни ҳал этиш йўлларини тавсия этинг. Ўзингиз яна қандай масалаларни умумбашарий муаммолар қаторига киритган бўлар эдингиз?
4. Содда ва қўшма гапларда тиниш белгиларидан тўғри фойдаланинг.

Муаммолар	Ҳал этиш йўллари

### **Сўз бирикмаси**

Икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзларнинг маъно ва грамматик жиҳатдан маълум қонун-қоидалар асосида бирикиши сўз бирикмаси дейилади.

Сўз бирикмаси бир мураккаб тушунчани ифодалайди, таркибидаги сўзларнинг ҳар бири алоҳида гап бўлаги бўлиб келади. Масалан, **кенг кўча, катта уй**. Сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг боғланиши икки хил: **тeng боғланиш, тобе боғланиш**. Тенг боғланишли бирикмалар таркибидаги сўзлар тенг боғловчилик ёки оҳанг ёрдамида боғланиб, бир хил гап бўлаги бўлиб келади. Масалан, **Ўктам ва Содик** бир синфда ўқийди.



### **33-машқ.**

Хозирги кунда ҳам ижтимоий, ҳам табиий омиллар асосида юзага чиқадиган умумбашарий (глобал) муаммолар бир бутунликни ташкил этиб, уларга ҳар томонлама ёндашиш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Инсоният келажаги тўғрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд бўлиб, улардан биринчиси, муқаддас «Авесто» ёзма ёдгорлигида ёзилген. Ундаги башоратлар диний мазмунга асосланган бўлиб, ўз даври учун катта аҳамият касб этган.

(«Авесто»да Зардушт ўлимидан сўнг 3000 йил ўтгандан кейин, эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазда қудрати Ахриман ёвузлиги устидан тўла ғалаба қозонади, дея ишонч билдирилган).

Иккинчи хил башоратлар ўрта асрларда кенг тарқалган, ҳозирда ҳам Фарб футурологиясида мавжуд. Унинг машҳур намояндадаридан Фон Карман, Э.Шервин, Г.Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро ҳалокати ёки бошқа бир умумбашарий муаммолар билан боғлаб пессимистик манзараларни чизиб кўрсатишга уринадилар.

Инсониятнинг келгуси истиқболи тўғрисида жиддий илмий башоратлар орасида 1968 йилда А.Печчеи томонидан асос солинган «Рим клуби» аъзолари бўлган Ж.Форрестер, Д.Медоуз, Я.Тинберган, А.Кинг ва бошқалар тайёрлаган ҳисботларнинг илмий аҳамияти ниҳоятда катта. Уларда инсониятнинг келгуси истиқболини шубҳа остида қолдираётган умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга қилинаётган зуғумнинг мудҳиши оқибатлари қандай бўлиши тўғрисида жиддий мулоҳазалар юритилади. «Рим клуби» аъзолари томонидан қилинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда, асосан, тажриба синовидан ўтган билимлар ва мантиқ қонунлари ва категорияларига суюнган ҳолда инсониятнинг келажаги тўғрисида муҳим илмий хуросалар баён қилинган.

Демак, инсоният тараққиётининг келгуси истиқболини белгилашдаги энг муҳим белгилар сирасига умумбашарий муаммолар табиатини чукур англаш, бу муаммоларнинг ечими умуминсоний муштарак манфаатлар йўлида ҳамжиҳатликда қилинган саъй-ҳаракатлар эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай мисоллар анчагина. Масалан, 1955 йил 31 январда Фредерико Жулио Кьюри (у шу пайтда жаҳон илмий ходимлари федерацияси ташкилотининг президенти эди) Нобель мукофоти совриндори Берtrand Расселга хат орқали мурожаат қилиб, ядро қуролининг жуда хавфли тус олаётганини, бу фалокатнинг олдини олиш учун фан арбоблари биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини билдиради. Б.Рассел Ф.Кьюри таклифини қўллаб-қувватлаб, бу мурожаатга имзо чекувчи вакиллар бир хил сиёсий оқим тарафдорлари бўлиб қолмаслиги, бунда жаҳондаги барча кучлар, ҳар бир халқ, жамият вакиллари иштироки зарурлигини таъкидлайди. Масалага бундай ёндашиш фалсафий тафаккур тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган эди. Бу эса илмий-сиёсий адабиётларда «янгича тафаккур услуби» деб аталган ва жаҳоннинг энг атоқли олимлари А.Эйнштейн, Ф.Жулио Кьюри, М.Борн, Л.Полинг ва бошқалар томонидан имзо қўйилган манифестга асос қилиб олинган эди. Натижада 1955 йил 9 июль куни Б.Рассел томонидан ўтказилган матбуот конференциясида «Рассел-Эйнштейн манифести» номи билан шухрат қозонган, бутун ер юзи ахолисига, сиёсат ва давлат арбобларига қаратилган машҳур чақириқ эълон қилинганди. У ҳозирги пайтда тинчлик ва қуролсизланиш учун курашувчи Пагуош ҳаракатини бошлаб берган эди.



- Матннинг асосий ва майдада тафсилотли ахборотини аниқланг, далил ва фикрни ажратинг. Тадқиқот учун саволлар тузинг ва ғояларни аниқ ифодаланг.
- Матн мазмунига таянган ҳолда қуидаги жадвалда глобал башоратларни таснифланг. Ўз фикрингизни – башоратингизни ҳам қўшиб давом эттириб ёзинг.

### ГЛОБАЛ БАШОРАТЛАР

Умидсизлик (пессимистик) башорат	Умид-ишончли (оптимистик) башорат	Бетараф (холис) башорат



Матнда келтирилган муаллифлар ҳақида интернет манбаларидан фойдаланиб, реферат тайёрланг.

Тобе сўз билан ҳоким сўзнинг боғланиши уч хил:

- Бошқарув**
- Мослашув**
- Битишув**

Ҳоким сўз талабига кўра тобе сўзнинг бирон келишик қўшимчасини олиб келиши бошқарув дейилади.

Бошқарув икки хил: **келишикли бошқарув, кўмакчили бошқарув.**

Келишикли бошқарувда тобе сўз қаратқич келишигидан бошқа келишик қўшимчаларини олган ҳолда бирикади: **уйни кўрмоқ, дарсга келмоқ, уйда ўтироқ, ишдан қайтмоқ.**

Кўмакчили бошқарувда тобе ва бош сўз кўмакчилар ёрдамида бирикади: **тинчлик учун курашмоқ.**

Баъзан бошқарувли бирикмада тобе сўз қўшимчасиз бўлиши мумкин: **китоб ўқиш, шаҳар бориш.**

**Мослашув.** Тобе сўзнинг ҳоким сўзга қаратқич келишиги шаклида боғланиши мослашув дейилади. Мослашувда тобе ва ҳоким сўз шахс ва сонда мослашган бўлади. Тобе сўз олдин келиб, қаратқич келишиги қўшимчасини, ҳоким сўз кейин келиб, эгалик қўшимчасини олган ҳолда боғланади: **унинг уйи, бизнинг боғимиз**. Тобе сўз қаратқич келишиги қашимчасисиз ҳам қўлланилади: **мактаб ҳовлиси, она меҳри**.

**Битишув.** Тобе сўзнинг ҳоким сўз билан қўшимчасиз, маъно жиҳатидан бирикиши битишув дейилади: **тиниқ сув, катта кўча, чиройли уй, тез юрмоқ**. Бундай бирикмаларда сўзнинг ўрни алмаштирилса, сўз бирикмаси гапга айланади: **тиниқ сув** (сўз бирикмаси), **сув тиниқ** (гап).

Битишувда тобе сўз сифат ва равиш, сифат вазифасида келадиган отлардан, ҳоким сўз эса от ва феъл туркумларидан бўлади.



### БУ ФАКТ!

Ер шарининг сув ресурслари аҳоли сонининг ўсиши ва унинг даромадига боғлиқ катта машаққат чекмоқда.



Пахтадан бир жуфт жинси ишлаб чиқариш учун, тахминан, шунча сув миқдори талаб этилади.



11 куб. м

## *Гап*

Грамматик жиҳатдан шаклланган, оҳанг ва мазмун жиҳатидан нисбий тугалланган сўз ва сўзлар йиғиндиси гап дейилади: **Болалар шеърни ёд олишди.**

Гап муомала воситасининг энг кичик бирлиги.

Гапнинг асосий белгилари қўйидагилар:

1. Фикрий жиҳатдан нисбий тугалланганлик.
2. Грамматик шаклланганлик.
3. Эга ва кесим муносабатларига эгалик
4. Оҳанг жиҳатдан тугалланганлик.

## *Гапнинг тузилишига кўра турлари.*

Гаплар бир ёки икки грамматик асосдан (эга ва кесим) иборат бўлади. Шунга кўра гаплар иккига бўлинади: **содда гаплар, қўшма гаплар.**

Содда гаплар битта грамматик асосдан иборат бўлади. **Ўқтам Тошкентдан келди.** Қўшма гаплар икки ёки ундан ортиқ грамматик асосдан ташкил топади. **Ўқитувчи келди ва дарс бошланди. Аввал ўйла, кейин сўйла.** (Мақол).

Содда гаплар грамматик асоснинг (бош бўлакларнинг) иштирокига кўра икки хил:

1. **Икки бош бўлакли гап.**
2. **Бир бош бўлакли гап.**

Гапда эга ва кесим иштирок этса, икки бош бўлакли гап дейилади. Масалан, **Фотима келди.** Гап асосидан бири (эга ёки кесим) иштирок этган гаплар бир бош бўлакли гап дейилади. **Магазиндан китоблар олдик.**Faқат эга ва кесимдан иборат бўлган гаплар **йиғиқ гап** дейилади: **Ёмғир ёғди, уй тинч.** Гапда бош бўлаклардан ташқари, иккинчи даражали бўлаклар ҳам иштирок этса, **ёйиқ** гап дейилади: **Ёмғир кун бўйи савалаб ёғди.**

Содда гап фикр ифодалаш учун зарур бўлган бўлакларнинг иштирокига кўра икки хил: **тўлиқ гап, тўлиқсиз гап.**

Фикр ифодалаш учун зарур бўлакларнинг ҳаммаси мавжуд бўлган гаплар тўлиқ гаплар дейилади. Зарур бўлакларнинг бир қисми туширилган бўлиб, уни олдинги гапдан англаш мумкин бўлган гап тўлиқсиз гап дейилади. Масалан, **Сен бу китобни ўқидингми?** (тўлиқ гап). Ўқидим (тўлиқсиз гап). Тўлиқсиз гаплар, асосан, диалогик нутқ таркибида бўлади.



## БУ ФАКТ!

### ИНСОНИЯТНИНГ УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРИ

Инсоният тамаддуни тараққиёти давомида қайта-қайта мураккаб муаммолар вужудга кела бошлади. Аммо шундай бўлса ҳам, бу замонавий умумбашарий муаммоларнинг муқадиммаси бўлган эди. Улар бутун борлигича XX асрнинг иккинчи ярмида намоён бўлди.

Умумбашарий муаммоларнинг кескинлашувига нималар сабаб бўлди?

Баъзи манбаларда ушбу сабаблар «БЕШ ҲЕЧ ҚАЧОН» деб аталади.

1. Инсоният тараққиётида ҳеч қачон ахолининг ўсиш суръати бир авлод ҳаёти давомида 2,5 баравар даражада ошиб, демография юксалмаган эди.

2. Инсоният ҳеч қачон ИТР даврига ўтмаган, постиндустриал босқичгacha етмаган, коинотга йўл очмаган эди.

3. Ҳеч қачон тирикликни таъминлаш учун бундай миқдорда ресурс талаб қилинмаган эди.

4. Ҳеч қачон бундай глобал жаҳоншумул иқтисодиёт, умумжаҳон ахборот тизими вужудга келмаган.

5. Ҳеч қачон илгари «совук уруш» инсониятни ўз-ўзини вайрон этиш маррасига бунчалик яқинлаштиргаган эди.





## УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР ЕЧИМИ: МАЊНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР?

Гапнинг бош бўлаклари. Эга ва кесим.

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари

**Таянч тушунчалар:** умумбашарий муаммолар ечими, мањнавий қадриятлар.

**30-машқ.** Расмни кузатинг. Сарлавҳа қўйинг.



1. Расмдаги тасвирни гуруҳда муҳокама қилинг. Фояси нимадан иборат? Қандай муаммо кўряпсиз? Тезисини тузинг.



2. Зта очиқ ва Зта ёпиқ саволлар тузинг. Ўзаро савол-жавоб ўтказинг.



3. Фикрингизни жамлаб, хулосаларингиз асосида ихчам монолог яратинг. Таркибидаги 2–3 жумлани синтактик таҳлил қилинг.



4. Монологни синфга тақдим этинг.

### *Гап бўлаклари*

Муайян сўроққа жавоб бўлиб, бирор синтактик вазифа бажарувчи сўзлар гап бўлаклари дейилади. Гап бўлаклари бешта: **эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол.**

Эга ва кесим гапнинг грамматик асосини ташкил қиласди. Шунинг учун улар бош бўлаклар. Тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол кесимга эргашиб, уларни тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келади. Шунинг учун **иккинчи даражали бўлаклар дейилади**.

**Эга ва унинг ифодаланиши.** Эга фикрни кимга, нимага қарашлилигини билдириб, **ким, нима, кимлар, нималар, қаер** сўроқларидан бирига жавоб бўлади.  
**Болалар гапиради** (кимлар), **уй тинч** (қаер)

Эга бош келишикдаги сўз билан ифодаланади:

**От билан:** *Болалар* китобни ўқишиди.

**Олмош билан:** *Биз* томошага бордик.

**Сифат билан:** *Яхши* қанд едирап.

**Сон билан:** *Беш* – ўннинг ярми.

**Ҳаракат номи билан:** *Ўқиши* – муҳим вазифа.

**Сифатдош билан:** *Тиришган* тоғдан ошар.

**Тақлид сўз билан:** Кимларнингдир *шивир-шивири* эшитилди.

**Равиш билан:** *Кўпдан* қўён қочиб қутилмас.

**Бирикма билан:** *Душманнинг бири ҳам* – кўп.

**Кесим ва унинг ифодаланиши.** Эга ҳақидаги хабарни билдириб, тасдиқ-инкор, замон, майл, шахс-сон маъноларини ифодаловчи бўлак кесим дейилади.

Гапни юзага келтириш, фикрни ифодалашда кесимнинг роли катта бўлиб, у гапнинг асосини ташкил қиласди ва бошқа бўлакларни ўзига боғлайди. Кесим

турли сўз туркүмлари билан ифодаланади. Қайси сўз туркүми билан ифодаланишига кўра кесим икки хил: **феъл-кесим, от-кесим**.

Феъл, феълнинг сифатдош, равишдош шакллари билан ифодаланган кесим феъл-кесим дейилади. Масалан, Мажлис охирлаб қолди. Болалар завқланиб, ютуқларини айтиб беришди. У шаҳарга бугун етиб борган.

Феъл-кесимлар тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Бир сўздан иборат бўлган кесим содда кесим: Мехмонлар **тарқалиши**. Учрашув **тугади**. Икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлган кесим мураккаб кесимдир: Биз оғир кураш йўлини **босиб ўтдик**. Уруғлар **униб чиқди**.

Феълдан бошқа сўз туркүмлари (от сифат, сон, олмош, равиш, тақлид сўз, модал сўз, ҳаракат номи) билан ифодаланган кесим от-кесим дейилади:

От-кесим қуйидагича ифодаланади:

**От билан:** Унинг дадаси – **ўқитувчи**.

**Сифат билан:** Бола болдан – **ширин**.

**Сон билан:** Икки ўн беш – **бир ўттиз**.

**Олмош билан:** Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим **сендаадур**.

**Равиш билан:** Ҳали қиласиган ишлар **кўп**.

**Ҳаракат номи билан:** Ўқимоқ – **ўрганмоқ**.

**Модал сўз билан:** Сен билан менинг нима **ишим бор**.



### 35-машқ. Шеърни овоз чиқариб ифодали ўқинг ёки диктофонга ёзиб эшиттиринг. Матн мазмунини ўзлаштиринг. Сарлавҳа танланг.

Асраймиз ўсимлик хилларин тайин,  
Асраймиз ҳайвонлар камёб зотини.  
Ҳатто атрофларин ўраб атайин  
Кўриқхона деймиз сўнгра отини.

Саёқ овчиларга у ён йўл бўлсин,  
Жарима соламиз, қамаймиз ҳатто.  
То у жонзотларни тинчига қўйсин,  
Қирилиб битмасин тирик дунё то.

Мунис мавжудотга меҳру шафқат бу,  
Бу инсон қалбида балқсан ҳамият.

То яшар қайдадир бу янглиғ туйфу,  
Хар нечук қирилиб кетмас, табиат.

Оламда күп нарса камёб бир қадар,  
Не-не туйгулар ҳам камёбдир, алхол.  
Мен дердим соғ қалбни учратган сафар,  
Дархол ўраб олинг атрофин, дархол.

Инсоф йўқолмасин, ўранг мустаҳкам,  
То уни юзиззлик этмасин хароб.  
Эзгуликни асранг, оламда у ҳам  
Тождор турна каби бўлмасин камёб.


Оқибатни асранг, оқибат гўё  
Айқдай қайдадир топмасин завол.  
Ҳаёни асрангиз, куймасин ҳаё  
Оташга дуч келган полапон мисол.

Имонни асрангиз, у доим танҳо,  
Ундаридир мужассам инсон матлаби.  
Авлодлар ахтариб юрмасинлар то,  
Уни аллақандай Қор одам каби.

Виждонни асрангиз ҳар недан ортиқ,  
Ягона заминни асрагансимон.  
Боболардан қолган ноёб бу тортиқ,  
Токи авлодларга етолсин омон.

Эзгу, латиф ҳислар бўлмасин таҳқир,  
Булбулни бойқушга топширманг зинҳор.  
Худбин ва дилозор кимсанинг, ахир,  
Оғзи қон йиртқичдан қандай фарқи бор?!

Тўқайга ўт кетса ёнгай бус-бутун,  
Адолат борлиққа ёлғиз онадир.  
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун  
Ёвузликдан зада қўриқхонадир.



Абдулла Орипов



1. Матнда қандай муаммолар күтарилилган?
2. Калит сўзларни топиб ёзинг. Шу сўзлар ёрдамида матннинг тезисини тузишга ҳаракат қилинг.
3. Шеърнинг таъсирчанлиги нимада деб ўйлайсиз?
4. «Умумбашарий муаммолар ечими инсоний қадриятлардами?» мавзусида баҳс-мунозара юритинг.
5. Тингланган материалдаги ахборотнинг долзарблиги нуқтаи назаридан баҳоланг, ўз муносабатингизни билдиринг. Ҳаётга боғлаб, ўз фикрингизни далилланг. Хулосаланг.
6. Матнга келтирилган иллюстрация расмлари нима мақсадда берилган? Уларнинг матн мазмунини ёритишдаги ролини изоҳланг.
7. Охирги бандни синтактик таҳлил қилинг. Гап бўлакларининг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини шарҳланг.



«Умумбашарий муаммолар ечими инсоний қадриятлардами?» мавзусида эссе ёзиб келинг.

### Буни барчамиз англаб олишимиз зарур!

Замонавий дунёning геосиёсий харитасидаги сўнгги жиiddий ўзгаришлар айнан ёшлар қатлами ning дунёқараши, хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ экани барчамизга аён ҳақиқат. Ахборот дунёсидаги инқилобий ўзгаришлар эса ёшлар тарбияси билан машғул барча мутахассислардан глобаллашувнинг салбий тенденцияларидан келиб чиқадиган асосий муаммоларни қайта, янгича руҳда англашни тақозо қилмоқда.

Умумбашарий муаммоларнинг мураккаблигига қарамай, олимларнинг ишончлари комилки, инсоният уларни ҳал этишда зарур заковатли билимларга ва моддий ресурсларга эгадир.



Барча умумбашарий муаммолар бутун жаҳон ҳамжамиятининг фақат ҳамкорликда куч сарфлаши орқали ҳал этилиши мумкин.

## Иккинчи даражали бўлаклар

Гапда бош бўлакларга тобе бўлиб, уларни тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келадиган бўлаклар иккинчи даражали бўлаклар дейилади.

Иккинчи даражали бўлаклар уч хил: *тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол.*

**Тўлдирувчи.** Гапнинг бирор бўлагига (асосан, кесимга) бошқарув йўли билан боғланиб, уни тўлдириб келувчи бўлак тўлдирувчи дейилади. Бошқарувчи сўзнинг талабига кўра тўлдирувчи қаратқич келишигидан бошқа келишик қўшимчаларини олиб келади. Масалан, Биз бадиий *асарларни* севиб ўқиймиз. Бу бино *гиштдан* қурилган. Ўқитувчи *болаларга* вазифа топширди каби.

Кўмакчи билан бошқарилаётган сўз ҳам гапда тўлдирувчи бўлиб келади. Эртага *болалар билан* сухбатлашамиз. Тўлдирувчи от, отлашган сўзлар, тақлид ва модал сўзлар билан ифодаланади. Шунингдек, бирикмали ҳолда ҳам қўлланилади: Масалан, Мен *уйга қандай келганимни* билмай қолдим. (О.)

Тўлдирувчи икки хил: *воситасиз тўлдирувчи, воситали тўлдирувчи.*

Воситасиз тўлдирувчи *-ни* қўшимчаси билан шаклланиб, белгили ва белгисиз бўлади. *-ни* қўшимчаси мавжуд бўлган тўлдирувчи *белгили:* Сўз бойлиги *нутқни* ўстиради, *-ни* қўшимчаси тушиб қолса, белгисиз тўлдирувчи: Сўз бойлиги *нутқ* ўстиради.

Воситали тўлдирувчи тушум ва қаратқич келишикларидан бошқа келишик қўшимчаларини *ёки олади, учун, билан, орқали, тўғрисида, хусусида* кўмакчилари билан шаклланади. Масалан, Унинг кўзларида шодлик кўрдим. *Яхшидан* от, *ёмондан* дод (Мақол). Бу китобни *укам учун* олдим.

**Аниқловчи.** Предметнинг белгисини билдирадиган, кимга, нимага қарашлилигини англатадиган бўлак аниқловчи дейилади.

Аниқловчи эга, кесим, тўлдирувчи ва ҳолга боғланади. От ёки отлашган сўзлар билан бирикади.

Аниқловчи икки хил: *сифатловчи аниқловчи, қаратқичли аниқловчи.*

Сифатловчи аниқловчи предметнинг белги-хусусиятини (ранги, ҳажми, шакли, мазаси, миқдори)ни билдириб, асосан, *сифат билан:* қизил гул, яхши бола, кенг хона; *сифат вазифасидаги от билан:*

олтин япроқ, кумуш қиши, зумрад баҳор, тахта каравот, пўлат пичоқ; **олмош билан:** бу киши, бутун халқ, ўша кун; **сон билан:** иккала ўртоқ, учта китоб; **сифатдош билан:** *ўқиган бола, шивирлаган овоз, шунингдек, равиш, модал ва тақлид сўзлар билан ифодаланади.*

**Қаратқиччи аниқловчи** шахс ёки предметнинг бошқа бирор шахс ёки предметга қарашибди эканлигини билдиради. Аниқловчининг бу тури қаратқич келишиги қўшимчасини олади. Келишик қўшимчасини олган сўз **қаратқич**, әгалик қўшимчасини олган сўз қаралмиш дейилади: **мактабнинг боги, уйнинг эшиги.**

Қаратқиччи аниқловчи от ва отлашган сўзлар билан ифодаланади.

Аниқловчининг алоҳида бир тури **изоҳловчи** бўлиб, у шахс ёки нарсани бошқа ном бериш орқали аниқлайди. Изоҳловчи, асосан, от билан ифодаланиб, **кишининг касби, унвони, мансаби, амали, лақаби, таҳаллуси, ёши, жинси** ва ўхшашликни билдиради. Изоҳловчи боғланган сўз изоҳланмиш дейилади. Масалан, **шоир Усмон Азим, профессор Бегматов, врач Хурсандов, директор Холматов, Шермат шапалоқ, Муҳаммад чатоқ, Зокиржон Фурқат, ўғил бола, она-диёр** каби.

**Ҳол.** Ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини, пайтини, сабаби, мақсади, миқдор-даражасини билдирадиган бўлак ҳол дейилади.

Ҳол феъл кесимга боғланиб, асосан, равиш билан, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиши келишигидаги отлар, равишдош ва сифатдош, ҳаракат номи ва тақлид сўзлар билан ифодаланади.

Ҳол маъносига қўра қуйидагича: **равиш (тарз) ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, миқдор-даража ҳоли.**

**Равиш ҳоли** ҳаракатнинг қай тарзда, қай ҳолатда бажарилишини билдириб, **қандай?, қай тарзда?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Масалан, болалар ёнма-ён ўтирди. Ҳамма **гуриллаб** кулиб юборди.

Равиш ҳоли ҳолат равишлари, равишдош, от, сифат, сифатдош, тақлид сўзлар билан ифодаланиб, кесимга битишув ўюли билан боғланади: **тез юрмоқ, ўқитувчи бўлиб ишламоқ, ёнма-ён ўтирмоқ, кулиб гапирмоқ, гуж-гуж ўсмоқ.**

**Ўрин ҳоли** ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, **қаерга?** сўроғига жавоб бўлади. Ўрин ҳоли ўрин равишлари: **у ер, бу ер, шу ер;** жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиши келишигидаги ўрин отлари: **үйда, мактабдан, кўчага** ва кўмакчи отлар билан ифодаланади: **уйинг ичидা, бино олдида** каби.

*Пайт ҳоли* ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, *қачон?* сўроғига жавоб бўлади. Мажлис *эртага* бўлади. Пайт ҳоли пайт равишлари ва от билан ифодаланади: *бугун, эрта, ўтган иил, уч кун* каби.

*Сабаб ҳоли* ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдириб, *нима учун?, нима сабабдан?* сўроқларига жавоб бўлади: У *шодлигидан* қичқириб юборди.

Сабаб ҳоли сабаб равишлари *-лик, -сизлик* қўшимчаларини олган отлар, *-гани* қўшимчали сифатдош ҳамда *учун, сабабли, туфайли* кўмакчилари орқали ифодаланади: яхшилигидан, уқувсизликдан, китоб олгани, ўқигани учун каби.

*Мақсад ҳоли* ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдириб, *нима учун?, нима мақсадда?* сўроқларига жавоб бўлади: *Китоб олгани дўёнга кирдим.* Мақсад ҳоли мақсад равишлари, *-гани* қўшимчали равишдош, шунингдек феълдан кейин, *учун, деб, мақсадида* сўзларини келтириш билан ҳосил бўлади: *Ўқиш учун келмоқ, ишлаш мақсадида* юрмоқ каби.

*Миқдор даража ҳоли* ҳаракатнинг бажарилиш миқдорини, даражасини билдириб, *қанча?, неча?* сўроқларига жавоб бўлади: *кўп гап, оз иш.*

Миқдор-даража ҳоли *миқдор-даражা равишлари*, шунингдек *сон ва марта* сўзларини келтириш билан ҳосил бўлади: Уни *бир-икки марта* кўрганман каби.

## МУСТАХКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Аташ маъносига эга бўлмаган мустақил сўз туркуми қайси қаторда берилган?**  
А) феъл  
Б) олмош  
С) сифат  
Д) от
  
- 2. Феълда англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдирган сўзни топинг.**  
А) секин  
Б) ҳали  
С) атайлаб  
Д) кўп
  
- 3. Ҳолат феъллари қайси жавобда берилган?**  
А) қимирламоқ, ўйламоқ  
Б) йиқилмоқ, бошламоқ  
С) сарғаймоқ, силкинмоқ  
Д) ётмоқ, йигламоқ
  
- 4. Берилган қўшимчаларнинг қайси қатордагиси фақат нисбат қўшимчаларига хос?**  
А) -гач, -т, -гунча  
Б) -ил, -тир, -газ  
С) -ув, -н, -из  
Д) -гиз, -ла, -чи
  
- 5. Феълларнинг сифатдош шакли берилган қаторни аниqlанг.**  
А) санаш  
Б) кўрган  
С) оқар  
Д) кўринди
  
- 6. Қайси қаторда ўтган замон шакллари қўшимчалари берилган?**  
А) -яп, -ётиб  
Б) -ди, -ган  
С) -а, -(а)р  
Д) -ди, -й
  
- 7. Ҳаракатнинг пайтини билдирган равишдош ясовчи қўшимча қайси қаторда берилган?**  
А) -иб  
Б) -гани

- С) -гунча
- Д) -ганча

**8. «Олиш» сўзи қайси қаторда кесимлик вазифасини бажаряпти?**

- А) Чукур нафас олиш жуда фойдали.
- Б) Бурун билан нафас олиш керак.
- С) Одам тоза ҳавода чукур нафас олишдан яйрайди.
- Д) Мен дўкондан нон олиш учун бордим.

**9. Қайси гапда соф кўмакчи қўлланилган?**

- А) Акам дала томон кетди.
- Б) Орқадан чуқур сой оқарди.
- С) Бу хабарни радио орқали эшитдик.
- Д) У дарё бўйлаб кетаётган эди.

**10. Қайси гапда ясама равиши иштирок этмаган?**

- А) Тупроқ йўлдан яёв келяпман.
- Б) Терак билан ёнгоқ ёнма-ён ўсибди.
- С) Менинг дўстларча айтган сўзларим унга ёқмади.
- Д) Боланинг дарсини мажбуран қилдирманг.

**11. Маъсад-сабаб равиши қайси гапда қўлланган?**

- А) Кейин бозорга олиб борибди.
- Б) Кун кеч бўлди.
- С) Чол ва кампир беҳад севинишибди.
- Д) У бу таклифга ноилож рози бўлди.

**12. Ўрин равиши иштирокидаги гапни аниқланг.**

- А) Ичкарига киринг, бир пиёла чой ичининг.
- Б) Жийдазордан ҳозиргина келдим.
- С) Кўп ўтмай ҳамма таклиф этилди.
- Д) Қаддини ростлаб, эшикни узоқ тақиллатди.

**13. Қайси сўз бирикмасидаги қўшимчалар тўғри қўлланилган?**

- А) мени она диёрим
- Б) илмга меҳр қўймоқ
- С) олимларга сўрамоқ
- Д) илмдан баҳра олмоқ

**14. Бирров кирди-да, чиқиб кетди. – Мазкур гапда қўлланилган -да ёрдамчиси қандай вазифада келган?**

- А) боғловчи
- Б) юклама

- С) күмакчи
- Д) қўшимча юклама

**15. Гумон юкламаси иштирок этган қаторни белгиланг.**

- А) Бу ерда на оғат, на кулфат, на ғам.
- Б) Мажлис эртага қолдирилмайди-ю.
- С) Бу ҳақда Шаҳнозагина билади.
- Д) Сизни излаб келгандир.

**16. Баш келишик шаклидаги исмларга қўшиладиган кўмакчиларни аниқланг.**

- А) яраша, сайин, доир
- Б) томон, бўйлаб, асосан
- С) кўра, сўнг, сари
- Д) билан, каби, учун

**17. Тобе сўз ҳоким сўз билан келишик қўшимчалари ёрдамида бириккан сўз бирималари қайси қаторда берилган?**

- А) мовий осмон, Зухро юлдузи
- Б) тоғ чўққиси, китоб ўқимоқ
- С) ёқимли куч, дала юмушлари
- Д) аълочи ўқувчилар, китобсеварлар уюшмаси

**18. Қайси қаторда гап берилган?**

- А) баҳт қуши, мустақиллик байрами
- Б) изходий флкр, дўстлик ҳақида суҳбат
- С) китоб билан ошно, баркамол авлод
- Д) мактаб шинам, ҳаво иссиқ

**19. Феъл-кесим вазифасида келган гапни аниқланг.**

- А) Кўп кўрган кексанинг иши ибратли.
- Б) Ҳаётда қолдирса ким абадий ном, энг баҳтли одам шу, хулласи калом.
- С) Ҳусрав Деҳлавий ўзи куйлаган юксак инсонпарварлик гоялари билан асрларга ҳамроҳ ва ҳамдамдир.
- Д) Ҳусрав умрининг охирги ўттиз йилини Деҳлида ўтказди.

**20. Қайси қаторда илмий услубга хос гап берилган?**

- А) «Не учун ғамнок кўринасиз?» – деди.
- Б) Сени, хур ва озод, сени куйлайман.
- С) Сахийлик ва олижаноблик инсоннинг улуғвор фазилати.
- Д) Оқсил ёки бошқа бирон модданинг емирилган ҳар бир молекуласи ўрнида янги молекула тикланади.

IV  
бўлим

## ИНСОН ҲАЁТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ



Собиту сайёрада  
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.  
Мулки олам ичра бир,  
Хоқон ўзинг, султон ўзинг...

Э.Воҳидов



## ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ...

Гапнинг ўюшиқ бўлаклари ва уларда тиниш  
белгиларининг ишлатилиши

**Таянч тушунчалар:** инсон, жамият, муҳофаза, ҳаёт, муаммолар, маънави-  
ят, қадрият, ҳуқуқлар



**36-машқ.** Шеърни диктофонга ёки видеотасвирга ёзиб, эшииттиринг.

Собиту сайёрада  
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.  
Мулки олам ичра бир  
Ҳоқон ўзинг, султон ўзинг.

Бу ёруғ дунё надур?  
Кошонадур, вайронадур,  
Сенга меҳмонхонадур,  
Меҳмон ўзинг, мезбон ўзинг.

Миндинг илм нарвонига,  
Чиқдинг фунун осмонига,  
Бу жаҳон айвонига  
Аркон ўзинг, вайрон ўзинг.

Ким фарангি, ким ҳабаш,  
Ирқ, қон талаш, имон талаш,

Шулми инсондек яшаш,  
Армон ўзинг, афғон ўзинг...

Онаизоринг – замин,  
Танҳо йўғу боринг – замин,  
Хаста беморинг – замин,  
Ўғлон ўзинг, дармон ўзинг.

Келдинг оламга, демак,  
Етмас уни сўрмак, емак,  
Ерни этмоғинг керак  
Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг.

Бўлмасин субҳинг қаро,  
Бор бўл мудом борлиқ аро,  
Ўзни этгил доимо  
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.



1. Матн услубини аниқланг.
2. Матннинг мавзуси, асосий ғояси, мақсади нимадан иборат?
3. Ўзингизнинг кўзқарашингиз билан муаллиф кўзқарашини қиёсланг.

- Матнинг услубий хусусиятларини(тузилиши, нутқий ва жанрга оид) аниқланг.
- Матнинг маълум бир таркибий қисми бўлиб ҳисобланувчи (муқаддима ёки хотима ва ҳк.) парчасини ёзинг. Мазмунини шарҳланг.
- «Инсон ким?» мавзусида «Ягона давра» усули асосида сухбат уюштиринг.

### **Гапнинг уюшиқ бўлаклари**

Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажарадиган бўлаклар уюшиқ бўлаклар дейилади.

Уюшиқ бўлаклар тенг боғловчилар ҳамда тенгланиш оҳангига билан боғланади.

Масалан, Боғимизда ўрик, олча, шафтоли гуллади. Бу гапдаги ўрик, олча, шафтоли бир хил сўроққа (нима?) жавоб бўлиб, бир гап бўлагига (эга) вазифасида келган.

Гапда барча гап бўлаги уюшиб келиши мумкин. Уюшиқ бўлаклар мавжуд **гаплар мураккаб содда гап** дейилади.

**Уюшган эга.** Бир содда гап таркибида бирдан ортиқ эга кетма-кет келса, уюшган эга дейилади. Уюшган эгалар боғловчилар ва оҳангига билан боғланади. Йиғилишда **ўқитувчилар ва ўқувчилар** қатнашди.

**Уюшган кесим.** Гап таркибида икки ёки ундан ортиқ кесим кетма-кет келса, уюшган кесим дейилади. Биз **ўқиймиз, ишлаймиз ва дам оламиз** (феъл-кесим) Сен **куйчи, пахтакор, олим**, Юлдузлар илмини билган мунажжим (ғ.ғ.) (от-кесим уюшган).

**Уюшган тўлдирувчи.** Гап таркибида икки ёки ундан ортиқ тўлдирувчи кетма-кет келса, уюшган тўлдирувчи дейилади. Шанбаликда **ариқларни, кўчаларни** тозаладик.

**Уюшган аниқловчи.** Гап таркибида икки ёки ундан ортиқ аниқловчи кетма-кет келса, уюшган аниқловчи дейилади. Улар **нафис ва хушбўй** гуллардан теришдилар.

**Уюшган ҳол.** Гап таркибида икки ёки ундан ортиқ ҳол кетма-кет келса, уюшган ҳол дейилади. Болалар **қувноқ, шод ва баҳтиёр** эдилар. Уюшиқ бўлаклар бошқа бўлаклар билан келиб, ёйик ҳолда бўлиши мумкин. Масалан, Хирмонга **кamtta йўлдан ёки уватдаги ёлғизоёқ йўлдан** борилади.

Уюшган бўлаклар жуфт ҳолда ҳам бўлади. Баъзи болалар **ақлли ва билимли, камгап ва камсукум** бўладилар. Уюшиқ бўлакларда қўшимчалар ҳар бир сўзга, шунингдек, охирги сўзга қўшилиши мумкин. Биз **тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни** севамиз.



**37-машқ.** Қуйидаги расмларни күзатинг. Барча расмларни бирлаштирувчи умумий мавзууні танланг.





1. Расмларда қандай масала кўтарилиган? Нима учун?



2. Расм моҳиятини ёритувчи 4–5та калит сўз ёки сўз бирекмалари ёзинг.



3. «Сиздан – савол, биздан – жавоб» рукнида расмлар асосида ўзаро гурухлар ўртасида очик ва ёпик саволлар орқали мулокот ўтказинг.



4. Бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гаплардан унумли фойдаланган ҳолда «Инсон ким ўзи?», «Инсонни нима учун ва кимдан муҳофаза қилиш керак?» каби мавзуларда ижодий эссе ёзинг.

5. Ёзган эссе матнидан 2 та бир бош бўлакли, 2 та икки бош бўлакли гапга мисол келтириб ёзинг.

№	Бир бош бўлакли гап	Изоҳ (Бош бўлаклар таркиби)	Икки бош бўлакли гап	Изоҳ (Бош бўлаклар таркиби)
1.				
2.				

Уюшиқ бўлаклар баъзан умумлаштирувчи сўзлар билан келади. Бундай сўзлар уюшиқ бўлакларнинг маъносини умумлаштириб, улар билан биргаликда бир хил сўроққа жавоб бўлади. Умумлаштирувчи сўз вазифасида кўпинча **жамловчи олмошлар, от, сон, феъл** шунингдек сўз бирекмалари келади.

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлакдан олдин келса, умумлаштирувчи сўздан кейин икки нуқта қўйилади. **Болаларнинг барчаси:** Комил, Ўткир, Зокир аълочи

ўқувчилар. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлакдан кейин келса, ундан олдин тире қўйилади. Болалар ҳам, катталар ҳам – **ҳамма** бир сафда турарди.

Уюшган эгалар кесим билан қўйидагича боғланади:

1. Эга жонсиз предметни билдирса, кесим бирлиқда келади. Боғимизда турли мевалар: ўрик, олча, гилос ғарқ пишган.
2. Эга ҳар уч шахсни кўрсатса, кесим I шахс кўплиқда бўлади. Мен, сен ва Олим саёҳатга борамиз.
3. Эга II, III шахсни ифодаласа, кесим II шахс кўплиқда бўлади. Мажлисга сен ва Сардор боринглар.



1. Юқоридаги жадвалда берилган қоидани шарҳлаб, нояхлит матн тарзida тайёрлаб келинг.
2. Умумлаштирувчи сўзли уюшиқ бўлаклар иштирокида эттириб 5-6та гап тузинг.



## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА?

Қўшма гап ва унинг турлари. Эргашган қўшма гаплар

**Таянч тушунчалар:** инсон, муҳофаза, ҳаёт, муаммолар, маънавият, ҳуқуқлар, ратификация, конвенция, декларация



1. Матнолди топшириқлар. Ҳуқуқ нима? Инсон ҳуқуқлари нималардан иборат? Фикрингизни далиллар билан асослаб, синфга тақдим этинг.
2. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўз фикрингиз билан қиёсланг.

Инсон ҳуқуқлари – бу ҳар бир инсоннинг миллати, яшаш жойи, жинси, этник келиб чиқиши ёки бошқа хусусиятларидан қатъий назар, унга тааллуқли бўлган ҳуқуқлар мажмуудир. Барча одамлар ҳар қандай камситилишларсиз, teng даражада инсон ҳуқуқларига эгадир. Бу ҳуқуқлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-биридан ажралмасдир.

Инсон ҳуқуқларининг универсаллик принципи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг асосидир. 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилиниши билан алоҳида аҳамият касб этган ушбу принцип инсон ҳуқуқларига оид кўпгина халқаро конвенциялар, декларациялар ва резолюцияларда намоён бўла бошлади. Масалан, 1993 йил Вена шахрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, бу – давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тизимидан қатъий назар, унинг мажбурияти хисобланиши таъкидланган.

Инсоннинг барча ҳуқуқлари бир бутунликни ташкил қиласди, улар бир-биридан ажралмасдир: бу ҳуқуқлар хоҳ фуқаролик, хоҳ сиёсий ҳуқуқлар бўлсин, масалан, яшаш ҳуқуқи, қонун олдида тенглик ёки фикр эркинлиги ёки иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўлсин, масалан, меҳнат ҳуқуқи, жамоат хавфсизлиги ва таълим олиш ҳуқуқи ёки жамоавий ҳуқуқлар бўлсин, ривожланишга бўлган ҳуқуқ ва ҳоказо – барчаси бир-биридан ажралмасдир ва бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Бирор

ҳуқуққа риоя қилиш бошқа бир ҳуқуқнинг таъминланишига олиб келади. Шу тариқа, бирор ҳуқуққа риоя этмаслик, бошқа ҳуқуқларга салбий таъсир ўтказади.

Камситмаслик принципи халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган принципидир. Ушбу принцип инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро шартномаларда мавжуд бўлиб, ирқий камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция каби халқаро конвенцияларнинг марказий мавзуси ҳисобланади. Камситмаслик принципи ҳар бир шахсга қўлланади ва ирқи, жинси, тана ранги ёки бошқа хусусиятларини камситмаган ҳолда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан татбиқ қилинади. Камситмаслик принципи тенглик принципи билан тўлдирилади. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида ўз ифодасини топган: «Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар».

Инсон ҳуқуқларини эътироф этиш уларни нафақат амалга оширишни, балки муайян мажбуриятларни бажаришни ҳам англатади.

Давлатнинг «Инсон ҳуқуқларини бажариш мажбурияти» инсон ҳуқуқлари амалда таъминланишига қаратилган ижобий чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини англатади. Якка тартибда эса ҳар бир шахс инсон ҳуқуқларига эга әкан, бошқаларнинг ҳам инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши шартdir.



1. Матндан ҳар бир хатбошига сарлавҳа қўйинг.
2. Ҳар бир хатбоши мазмунини талқин этинг, уни мавзу, асосий ғоя билан боғланг.
3. Матннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аникланг, бир-бiringизга тушунтиринг, далил ва фикрларни ажратинг.

Асосий тафсилотли ахборот	
Майда тафсилотли ахборот	



4. Ахборотни жадвал, чизма ёки ахборотли графика кўринишида, шунингдек, АКТ ёрдамида тақдим этинг.
5. Матннинг биринчи хатбошисида берилган гапларни синтактик таҳлил қилинг. Гап бўлакларининг нутқдаги ролини аниқланг.

### **Қўшма гап**

Икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикишидан ташкил топган гаплар қўшма гап дейилади. Қўшма гаплар қисмларининг миқдорига кўра икки хил: **оддий қўшма гап, мураккаб қўшма гап**.

Бирдан ортиқ содда гапнинг ўзаро мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикишидан оддий қўшма гаплар ҳосил бўлади. Масалан, Икромжон бошини кўтариб уни кўрди-ю, мashaққат билан ўрнидан турди. (С.А.)

Оддий қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг боғланишига кўра 3 хил:

- 1. Боғланган қўшма гаплар**
- 2. Тобе гапли қўшма гаплар**
- 3. Боғловчисиз қўшма гаплар.**

### **Боғланган қўшма гап**

Содда гапларнинг ўзаро тенг муносабатлар асосида боғланишидан ташкил топган гаплар боғланган қўшма гаплар дейилади. Масалан, Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди. Ё сиз сўзланг, ё мен ҳикоямни давом эттирай.

Таркибидаги содда гапларни қайси боғловчилар билан боғланишига кўра боғланган қўшма гаплар қўйидагича:

- 1. Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гап.**
- 2. Зидлов боғловчили боғланган қўшма гап.**
- 3. Айирув боғловчили боғланган қўшма гап.**

**Бириктирув боғловчили** боғланган қўшма гаплар **ва, ҳамда** боғловчилари ёрдамида боғланади. Ёз келди ва мевалар ғарқ пишди. Бу боғловчилар ўрнида **-у, -ю, -да** юкламалари ҳам қўлланилади. Ёз **келди-ю**, мевалар ғарқ пишди.

**Зидлов боғловчили** боғланган қўшма гаплар аммо, лекин, бироқ боғловчилари, **-у, -ю** юкламалари орқали боғланади. Осмонни қора булат қоплади, аммо ёмғир ёғмади. Ёзувда зидлов боғловчиларидан олдин вергул қўйилади.

**Айирув боғловчили** боғланган қўшма гаплар **ё, ёки, ёхуд, гоҳ, баъзан, дам** боғловчилари ёрдамида боғланади. Гоҳ осмонни қуюқ булат қоплади, гоҳ қуёш чарақлаб кетади. Бу боғловчилар тақрорланган ҳолда қўлланилади ва тақрор қўлланган боғловчидан олдин вергул қўйилади.



## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ НИМА?

Боғловчисиз қўшма гаплар ва уларда тиниш  
белгиларининг ишлатилиши.

Кўчирма ва ўзлаштирма гап. Нутқ ўстириш үсуллари

**Таянч тушунчалар:** резолюция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Бош Ассамблея, эркинлик, муҳожирлар, тенг ҳуқуқлилик



**39-машқ.** Матнни дикқат билан ўқиб чиқинг.



лишга ҳақлидир.

1950 йилда Бош ассамблея 423 (V) резолюциясини қабул қилиб, аъзо давлатларга ва бошқа манфаатдор томонларга 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари кунини нишонлашни тавсия қилган эди.

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш, эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб;

- инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният вижони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда қўрқув

ва муҳтожлиқдан ҳоли шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир, деб эълон қилинганигини эътиборга олиб;

- инсон охирги чора сифатида зулм ва истибододга қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши зарур эканлигини эътиборга олиб;

- халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб;

- Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шахснинг қадр-қимматига, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигига, ўз эътиодларини Низомда тасдиқлаганликлари ҳамда янада кенгроқ эркинликда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишга аҳд қилганикларини эътиборга олиб;

- аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб;

- мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характеристини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адo этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини эътиборга олиб;

- Бош Ассамблея мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ни барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилас әкан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур.

Бугунги кунда 10 декабрь бутун дунёда озодлик ва тенглик бир хил таъминланиши учун қадам ташланган кун сифатида кенг нишонланади.

БМТ 2016 йилнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шиорини – Қимнингдир ҳуқуқи учун бугун кураш! – дея белгилаган.

Бу йил БМТ Инсон ҳуқуқи учун курашишга чақиради. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш сайёрамиздаги ҳар бир инсоннинг масъулиятли вазифасидир. Ташкилот, қочқинлар ва муҳожирлар, аёллар, туб аҳоли вакиллари, келиб чиқиши африкалик бўлганлар, умуман, ирқчилик нишони бўлаётганлар ва зўравонлик ҳамда таҳқирлашларга учраётганлар ҳуқуқлари учун курашишга чақирган.



1. Матнни гурухларда ўрганинг.
2. Ўқилган матн бўйича тадқиқот ўтказинг. Бунинг учун савол ва фояларни аниқ ифодаланг.



3. Тўртта очик ва тўртта ёпиқ саволлар тузинг. Гурухларапо ўзаро савол-жавоб ўтказинг.
4. Мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик ва илмий услублардан фойдаланинг.
5. Матнга келтирилган иллюстрацияга изоҳ бериб, матн мазмунига боғланг.

### *Боғловчисиз қўшма гап*

Содда гапларнинг боғловчиларсиз, оҳанг ёрдамида бирикишидан боғловчисиз қўшма гап ҳосил бўлади. Масалан, Ёмғир ёғди, далалар ўтларга бурканди. Боғловчисиз қўшма гаплар мазмунан қўйидагича:

1. Бир пайтда юз берадиган воқеа-ҳодисани англатади: У доимо хурсанд, юзидан табассум аримайди.
2. Кетма-кет юз берадиган воқеа-ҳодисани англатади: Яхшиси, ўйлаб кўр, эртага гаплашамиз.
3. Воқеа-ҳодисалар зид қўйилади. Яхшидан от қолади, ёмондан дод (Мақол). Мард бир ўлар, номард юз ўлар (Мақол).

Боғловчисиз қўшма гапларда оҳангнинг роли катта. Шунинг учун уларнинг таркибидаги тиниш белгилар ҳам хилма-хил.

1. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар бир пайтда ёки кетма-кет бўладиган воқеа-ҳодисани ифодаласа, улар орасига вергул қўйилади. Оқшом тушди, осмон юлдузларга тўлиб кетди.

2. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар мазмунан яқин бўлма-ёки улар таркибида вергул қўлланилса, содда гаплар орасига нуқтали вергул қўйилади: Қўёш аямай қиздиради; ишчилар бунга парво қилмасдан, ишларини давом эттиридилар.

Құйидаги ҳолларда боғловчисиз құшма гап орасида тире қўйилади.

1. Боғловчисиз құшма гап таркибидаги гаплар бир-бирига зид бўлса: Кўз қўрқоқ – қўл ботир (мақол). Жисмимиз йўқолур – ўчмас номимиз. (Х.О.)

2. Биринчи гап мазмунан иккинчисига ўхшатилса: Вақтинг кетди – нақдинг кетди (Мақол). Қор ёғди – дон ёғди.

3. Биринчи гап иккинчи гапнинг пайтини, шартини, натижасини англатса: Ҳамал кирди – амал кирди. Юрт тинч – сен тинч. Достон айтдим – китоб бўлди каби.



**40-машқ. Матнни кўз югуртириб ўқиб чиқинг. Услуби, жанрини аниқланг.**

### МЕҲРНИНГ ҲАМ ЧЕГАРАСИ БОР

– Инсоннинг бир-бирига камарбасталиги, бир-бирини асровчи ва улуғловчи фазилат бу меҳрdir. Бу фазилат инсоннинг комилликка эришувида муҳим эканлиги ва у яшаётган жамиятдаги ўрни ҳақида фикр билдирангиз...

– Жамият ҳаётида меҳр-мурувватнинг ўрни бекиёс. Жамият деганда, аввало, одамларни тушунамиз. Уларнинг фазилатлари, камчиликлари-ю ютуқлари, кўнглида нималар борлиги жамият ҳаётини белгилаб туради. Жамият ҳаёти бугунги кунда муҳим паллани бошдан кечиряпти. Бу маълум бир машаққатлар билан боғлиқ.

Машаққат бор жойда инсоннинг юраги сабр-тоқатли бўлади, лекин тошдай қаттиқ бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Инсонни ҳар қандай синовдан эсон-омон олиб ўтадиган куч бу – меҳр-муҳаббатdir! Инсоният дунёси ҳам аслида меҳр нуридан пайдо бўлган. Шу нур туфайли ҳаёт яралган. Инсоннинг юрагида ҳам нур яширинган. Бу нур кўзимизни доим равshan этади, ҳаётимизни, йўлимизни, орзу-мақсадларимизни ёритиб туради.

– Меҳрнинг моҳиятини қандай англаш мумкин?

– Инсон табиатида жуда кўп туйғулар зуҳр этилган. Мана шу энг яхши туйғуларнинг барчасида меҳр қувватини кўрасиз. Уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Инсонда бор ҳис-туйғулар ҳайвонларда ҳам мавжуд. Масалан, бўрини олиб қарайлик. У ўз боласини тиш-тирноги билан ҳимоя қиласи. Ҳайвонки, шундай яратилган экан, Яратганнинг мўъжизаси бўлмиш инсон таби-

атининг асосида ўша илоҳий Мехр мавжудлиги нечоғли эканини англаса бўлади. Аслида оламнинг мукаммаллиги унинг меҳр нуридан яралганида намоёндир.

Албатта, ҳар бир инсон умри ўзига хос. Бу ҳақда қанчадан-қанча шеърлар, қўшиқлар яратилган, достонлар, романлар ёзилган. Буларнинг бари меҳр, эзгулик туфайли.

Мехр бор экан, инсон ҳаёти ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Мехр-мурувват йўқ жойда ҳаёт бўлмайди. Шу меҳр нури сабаб чечаклар уйғониб, улар та-насига ҳаёт инади, тог-тошлар бағрини ёриб, майсалар униб чиқади. Бу – шу мавжудотларда ҳам меҳрли, меҳрталаб юрак борлигидан.

Мехр – бу табиий хислат. Бу борада билим ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки фақат билим билангина дунёни англаш этиш мумкин. Мехрнинг моҳиятини англаш эса дунёни англаш туфайлидир.

– **Мехр нимадан бошланади?**

– Инсон туғилган заҳоти ота-онасининг меҳрини туюди. Улғайган сайин жамиятнинг, атрофдагиларнинг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлади... Мехр, ҳадисларда айтилганидек, яқинликдан бошланади. Биз, аввало, бу меҳрни ота-онамизга беришимиз (қайтаришимиз) шартлилигини унутмаслигимиз керак. Агар улардан меҳримизни дариг тутиб, кўча-кўйда юрган одамларга хайр-эҳсонлар берсак, бу риё, кибрдан бошқа нарса эмас.

– **Мехр чегара билмайди, дейишади...**

– Мехрнинг чегараси бормикан?.. Бу ҳақда чукур ўйлаш керак. Бу ҳаётий мезонни иккита муҳим омил белгилайди: меъёр ва шукур. Шу мезонлардан келиб чиқсак, болалар ҳаддан ташқари меҳр кўрса, талтайиб кетиши мумкин. Асалнинг ози яхши. Кўпи қасал қилиб қўйипши мумкин.

Рус шоирларидан бири айтган: «Фақат қабиҳликнинг чегараси йўқ», деб. Бу билан меҳр чегараси – бу нисбий тушунча демоқчиман. Бу ҳаётий тажрибалардан келиб чиқади. Меҳрни тириклик замини, мезони деб асослашга ҳаққимиз бор. Бизни билиб-билмай қиласидан яхшилигимиз нечоғлик бир юксак мартаба – инсонийлик мартабасига кўтаради.

– **Инсонийликнинг энг юксак погонаси нимада кўринади?**

– Инсонийликнинг энг юксак погонаси – комилликдир! Бу юксак билим, юксак адолатга эга бўлиш, инсонийликка хос олижаноб туйғулар жамулжам бўлиш деганидир.

– **Сизга меҳр-мурувват кўрсатган энг яқин кишинингиз ҳақида...**

– Биринчи навбатда, ота-онамни тилга олган бўлардим. Ота-она меҳрини бошқа ҳеч кандай меҳр босолмайди. Онанинг фарзандга берадиган меҳри бекиёс. Уни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Бу юксак туйғуни бирор-бир фарзанд унутмаслиги керак. Меҳрсизлик ёвузликнинг эшигидир.

Меҳр-ла йўғрилган юракда пайдо бўлган ҳар қандай сўз сонсиз юракларни уйғотади. Шу қаторда бошқа бировларнинг сенга кўргазган меҳр-муруватини ҳам унутмаслик керак.

(«Меҳр кўзда»дан)



1. Ўқилган матн бўйича тадқиқот ўтказинг. Бунинг учун савол ва тояларни аниқ ифодаланг. 4 та ёпиқ ва 2 та очиқ саволлар тузинг.
2. Саволлар тузишда мақсад ва мулоқот вазиятига мувофиқ публицистик услублардан фойдаланинг.



3. Матн мазмуни дарс сарлавҳасига алоқадорми? Мавзу билан боғланг.
4. Матн таркибидан уюшиқ бўлакли гапларни белгиланг. Уларнинг нутқдаги аҳамиятини ифодаланг.

### *Кўчирма ва ўзлаштирма гап*

Ўзгаларнинг ўзгаришсиз, айнан берилган гапи кўчирма гап дейилади. Кўчирма гап муаллиф гапи билан қўлланилиши мумкин. Кўчирма гаплар, сўзлашувда ҳамда бадиий услубда кўп учрайди. Муаллиф гапининг кесими: **деди, деб сўради, жавоб берди, гапирди, сўзлади, айтди** каби феъллар билан ифодаланади: «Саёҳатга бугун борамиз», – деди ўқитувчи.

Кўчирма гапда тиниш белгиларининг қўлланилиши қўйидагича.

1. Кўчирма гап қўштироқ ичига олиниб, бош ҳарф билан ёзилади.
2. Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келса, кўчирма гапдан сўнг вергул ва тире қўйилади: «Дарс тугагач, уйга кел», – деди онам.
3. Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келса, муаллиф гапидан кейин икки нуқта қўйилади:

Болалар сўради: «Эртага саёҳатга борамизми?».

4. Муаллиф гапи кўчирма гапнинг орасида келса, муаллиф гапининг ҳар икки томонидан вергул ва тире қўйилади: «Ўзингиз ким бўласиз, – деди акаси, – мен буни билишим керак».

**Ўзлаштирма гап.** Шакли ўзгартирилиб, мазмуни ўзгартирилмай берилган ўзгаларнинг гапи ўзлаштирма гап дейилади.

Ўзлаштирма гапнинг кесимида **аитди, гапирди, сўради** сўзлари бўлади.

**Сўроқ, бўйруқ мазмунидаги** кўчирма гаплар ўзлаштирма гапга айлантирилгандага **дарак гап** шаклида бўлади.

«Бу китобни ўқидингми?», – деди ўқитувчи (кўчирма гап). Ўқитувчи ундан китобни ўқиганлигини сўради. (ўзлаштирма гап).

**Ундов гап, атov гап, риторик сўроқ гап, кириш сўзли гапларни** ўзлаштирма гапга айлантириб бўлмайди. Бундай гаплар ўзлаштирма гапга айлантирилса, таркибидаги айрим қисмлар тушиб қолади.

Баъзан бирор матндан фикрлар айнан кўчириб олинади. Бундай кўчирма **цитата** дейилади. Масалан: Маърифат арабча «арафа» сўзидан олинган, унинг маъноси «бilmоқ»дир.



**Қуйидаги маълумотлар билан танишиб, талқин этинг ва ўз мулоҳазаларингизни синфга тақдим этинг.**

### «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ»ДАН

#### 25-модда

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқовқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилек ёки үнга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъий назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

#### 26-модда

1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига, асосан, ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча ҳалқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайриҳоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак.

3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эгадир.



## ЭНГ УСТУВОР МАҚСАД...

Эргашган қўшма гаплар ва үларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

**Таянч тушунчалар:** устувор мақсад, оналик ва болалик муҳофазаси, кафолат.



### 41-машқ.

Оналик ва болалик муҳофазаси – устувор мақсад.

Ҳар қандай давлатнинг истиқболи оналик ва болалик муҳофазасига бевосита боғлиқ. Бинобарин, юртимизда оналар ва болалар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини тўла рўёбга чиқариш, тизимли ижтимоий ҳимояни таъминлаш, ёшлар келажаги хақида ғамхўрлик кўрсатишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келиняпти. Бунинг учун зарур ҳуқуқий-ташкилий пойдевор яратилган, қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинган.

Хозирги кунда бола ҳуқуқларини таъминлаш глобал муаммолардан бири бўлиб, уни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат-эътиборида. Бу бежиз эмас. Чунки ёш авлод жамият тараққиёти ва истиқболини таъминловчи етакчи куч ҳисобланади.

Ҳар бир миллатнинг эртанги куни, унинг ёруғ истиқболи ўзининг ҳар томонлама баркамол, истеъдодли ёшларига боғлиқ. Қайси юрт тараққиётга эришмоқчи бўлса, шубҳасиз, болалар тарбиясига, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга этишига асосий эътиборни қаратади. Шунинг учун





ҳам мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, болалар ва ёшларнинг маънавий, жисмоний камолотига катта эътибор қаратилди. Соғлом авлодгина, баркамол миллатгина буюк давлатни бунёд этиши мумкинлигига тимсол бўлди.

Хозир дунё буйича 110 млн бола мактабга жалб этилмаган. Ҳар йили 100 минглаб болалар қаровсизликдан нобуд бўлмоқда. Бу рақамлар ҳар

бириميزни мушоҳадага ундаиди. Шунинг учун ҳам бола ҳуқуқларини таъминлаш глобал муаммолардан бири бўлиб, уни ҳал этиш дунё ҳамжамиятининг доимий диққат-эътиборида.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди... Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдидаги тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Демак, бола дунёга келиши билан инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади ҳамда бу давлат томонидан кафолатланади. 1989 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинди. Мазкур Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция тарихда энг кенг миқёсда ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома ҳисобланади. Конвенциянинг 2-моддасида «Иштирокчи давлатлар ўз юрисдикцияси доирасида бўлган ҳар бир бола учун ушбу Конвенцияда назарда тутилган барча ҳуқуқларни, ҳеч қандай камситишларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, боланинг соғлиги ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийлари ёки бошқа ҳолатлардан қатъий назар, ҳурмат қилалилар ҳамда таъминлайдилар» деб кўрсатилган. Мамлакатимизда доимий равишда болалар ва ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ҳамда уларнинг баркамол ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш борасида амалий ишлар юзага оширилмоқда.

*Ҳулкар Бўриева*



1. Энг устувор мақсад нимадан иборат? Нима учун?
2. Матиннинг асосий ва майда тафсилотли ахборотини аниқланг. Даилил ва фикрни ажратинг.
3. Матиннинг сўнгги хатбоисининг мазмунини талқин этинг, уни мавзу, асосий тоя, муаллиф кўзқараси билан боғланг. Фикрингиз билан ўртоқлашинг.



4. Матн бўйича олган ахборотни графика, жадвал, чизмалар, диаграмма ёки ахборотли графика кўринишида тасвирланг ҳамда АКТ ёрдамида тақдим этинг.
5. Матн таркибидан қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Турини аниқланг. Эргашган қўшма гапларга изоҳ беринг. Қўшма гапларнинг нутқдаги ролини аниқланг.

**СОГЛОМ ОДАМ ТАБИАТНИНГ ЭНГ БЕБАҲО АСАРИДИР.**  
**T. Кармейл**

### Тобе(эрғаш) гапли қўшма гап

Содда гапларнинг мазмун жиҳатидан бирини иккинчисига эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида тобеланиш асосида боғланган гаплар тобе гапли қўшма гап дейилади.

Тобе гапли қўшма гаплар тобе гап ва ҳоким гаплардан тузилган.

Ўзича мустақил бўлиб, бошқа гапга тобеланмаган гап – **ҳоким** гап, ҳоким гапга тобеланиб, уни изоҳлаб келадиган гап **тобе гап** дейилади.

Тобе гапнинг кесими мазмунан тугалланмаган, ҳоким гапнинг кесими мазмунан тугалланган бўлади. Масалан, Тонг ёришган, йўловчилар йўлга тушдилар. Бу гапдаги **тонг ёришгач** – мазмунан тугалланмаган – тобе гап, **йўловчилар йўлга тушдилар** – мазмунан тугалланган – ҳоким гапdir.

Тобе гап ҳоким гапга **чунки, шунинг учун, шу сабабли, деб, гўё, худи, гарчи, мабодо, агар, натижада, оқибатда, -ки(ким),** боғловчилари ҳамда **-б, -иб, -гач, -гунча, -ган(да), -са** боғловчи воситалари ёрдамида боғланади.

Тобе гап гапнинг барча ўринларида кела олади. Тобе гапнинг қўйидаги турлари мавжуд: *эга тобе гап, кесим тобе гап, тўлдирувчи тобе гап, аниқловчи тобе гап, ҳол тобе гап (пайт тобе гап, ўрин тобе гап, сабаб тобе гап, мақсад тобе гап, шарт тобе гап, тўсиқсиз тобе гап, натижка тобе гап, ўхшатиш тобе гап, равиш тобе, даража-миқдор тобе гапли қўшма гап).*

**Эга тобе гап** ҳоким гапдаги олмош билан ифодаланган эгани изоҳлайди. Эга тобе гап ҳоким гапга қўйидагича боғланади:

1. Тобе гапнинг кесими феълнинг шарт майли қўшимчаси **-са** шаклини олади. Бундай ҳолда тобе гап таркибида **ким, кимки** олмошлари, ҳоким гап таркибида **у, ўша, ўзи** олмошлари қатнашади. **Ким** кўп ўқиса, **у ўз** ниятига етади.

Баъзан шарт майли қўшимчаси **-са** ўрнида **-р, -ар**, экан шакли қўлланилади: **Ким ёлғон гапирар экан**, у бошқалар назаридан қолади.

2. Эга тобе гап ҳоким гапдан кейин келиб, **-ки** боғловчиси ёрдамида боғланади. Ҳоким гапнинг кесими **сифат туркумидаги сўздан ёки бор сўзи** билан ифодаланади. Ҳоким гап таркибида **шу** олмоши қатнашади: Шу нарса аёнки, ўқимасдан ўзлаштириб бўлмайди.

**Кесим тобе гап** ҳоким гапдаги олмош билан ифодаланган кесимни изоҳлайди. Ҳоким гап олдин, тобе гап кейин келиб, ҳоким **гапнинг кесими шу, шунда, шундай** сўзлари билан ифодаланиб, **-ки** боғловчиси орқали боғланади: Ютуғимиз **шуки**, барча топшириқлар бажарилди.



**42-машқ.** Қўйидаги матнлар билан танишинг. Ҳар учала матнни қандай мавзу бирлаштириб турибди, деб ўйлайсиз?

Авлод соғлом бўлса юрт обод бўлар,  
Ҳар хонадон баҳтга, шодликка тўлар,  
Ота-оналаринг орзуси кулар,  
Вазифамиз улкан, азиз юртдошим.

*Сайёра Умарова*

Ватан бошланади илк осто надан,  
Пожизалик эса тоза хонадан,  
Соғлом насл соғлом ота-онадан,  
Соғлом авлод юртнинг келажагидир.

*Ж.Рахимов*

Қуввати соҳиби бўлса ҳар киши,  
 Бу соғлом юракнинг муҳтарам иши.  
 Бил, ёшлик гўёки яшнаб турган боғ,  
 Мевага тўлади ундан ҳамма ёғ.  
 Уй кўркам, баланддир яна томи ҳам,  
 Устуни мўътадил, девори маҳкам.  
 Кўз нури, баданлар қуввати жойда,  
 Уй ёруғ, сарой соз, мусаффо, фойда.  
 Демак, ганимат бил ёшликни ўғлон,  
 Бошни қуи эгу керилма чандон.

**Ж.Румий**




- Шеърий матнлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда инсон ҳаёти муҳофазаси кимнинг қўлида эканлиги хусусида фикрингиз билан ўртоқлашинг. Хулоса чиқаринг.
- Шеърий мисралардан қўшма гап турларига мисоллар келтиринг. Миссоларни насрый баён қилинг.



**42-машқ.** Қуйидаги жадвал ва саволлар устида ишланг, гуруҳда муҳокама қилинг. Масаланинг ечимини топишга ҳаракат қилинг. Лойиҳангизни синфга тақдим этинг.

- Инсон ҳаётига нималар хавф солиши мумкин?
- Уларни бартараф қилиш мумкинми? Олдини олиш-чи?
- Қандай ўйлайсиз, ушбу оғатлар нима учун содир бўлади? Ким айбдор?
- Оғатлардан қандай сақланиш мумкин?

5. Жадвал устида ишланг.



**Тўлдирувчи эргаш гап** ҳоким гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган тўлдирувчини изоҳлайди.

1. Ҳоким гап олдин келиб, унинг таркибида **шуни**, **шунга** олмошлари бўлади, тобе гапга **-ки** боғловчиси ёрдамида боғланади: **Шуни** яхши билингки, ҳар нарсани ўз ўрни бўлади.

Тўлдирувчи тобе гап баъзан қўлланмаган тўлдирувчини ҳам изоҳлайди: Мен истайманки, олам нурларга тўлаверсин.

2. Тобе гап олдин келиб, унинг кесими **-са шарт** майли шаклида бўлади. Тобе гапда **ким**, **кимки**, **нума** олмошлари ҳоким гапда тўлдирувчи вазифасидаги **у**, **ўша**, **ўзи** олмошлари бўлади. Масалан: **Нумани** эксанг, **ўшани** ўрасан. **Кимки** бўлса дилозор, **ундан** элу юрт безор (Мақол).

## МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Расмий услугга хос гап берилган қаторни анықланг.

- А) Табиб ўз фани соҳасида билимдон ва касалларига меҳрибон бўлиши керак.
- Б) Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция қабул қилинди.
- С) Ҳар бир сўз замирида инсон номи гавҳардай сакланади.
- Д) Сен баҳорни согинмадингми?

2. Қўйида берилган гапда ҳолнинг қайси тури иштирок этган? *Ичкарида бўлаётган бақириқларни эшишиб қўрқанидан юраги қинидан чиқаёзди.*

- А) ўрин ҳоли
- Б) пайт ҳоли
- С) мақсад ҳоли
- Д) сабаб ҳоли

3. Қайси қатор ушбу гапнинг давоми бўла олди?

- Ширин тил одамни...
- А) мақсадга етаклайди
  - Б) баҳтиёр қиласди
  - С) фаровон қиласди
  - Д) бойитади

4. Қайси ўринда воситасиз тўлдирувчи белгисиз қўллана олади?

- А) Отабек товуш эгасини таниди.
- Б) Тил кишини баҳтли қиласди.
- С) Вақтингизнинг кўп қисмини китоб ўқишига сарфланг.
- Д) Сўзни билиб сўзласа, донолик саналур эрди.

5. Қайси қатордаги гапда иборалардан тузилган воситасиз тўлдирувчи қўлланган?

- А) Чаппар уриб гуллаган боғин,  
Ўпар эдим Ватан тупроғин.
- Б) Эр сўзласа, эл-юртнинг баҳтини кўзлар эмиш.
- С) Умрини илмга бағищаган одам, абадий умрга эришади.
- Д) Ширин тилли одам бир қил билан, ҳатто, фллни олиб келиши мумкин.

6. Үюшиқ кесимлар қайси бўлакка алоқадор бўлиши зарур?

- А) эга
- Б) тўлдирувчи
- С) аниқловчи
- Д) ҳол

- 7. Қайси таъриф уюшиқ бўлакларга хос эмас?**
- А) Гапда бир хил синтактик вазифани бажаради.
  - Б) Ўзаро тенг алоқада бўлади.
  - С) Бир хил сўроққа жавоб бўлади.
  - Д) Бошқа бўлаклар тенг алоқада бўлади.
- 8. Умумлаштирувчи сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланиши мумкин?**
- А) кўмакчи
  - С) юклама
  - Б) олмош
  - Д) боғловчи
- 9. Киритмаларга хос бўлмаган фикр қайси жавобда берилган?**
- А) Матннинг умумий мазмунига алоқадор бўлади.
  - Б) Гапдаги бирор бўлак билан ҳоким-тобелик алоқасига кирмайди.
  - С) Сўзловчининг ўзи баён этаетган фикрига муносабатини ифодалайди.
  - Д) Гапларда ажратиб кўрсатилмайди.
- 10. Киритма гаплар қайси соҳада кўп қўлланилади?**
- А) оғзаки нутқ
  - Б) ёзма нутқ
  - С) драматик нутқ
  - Д) шеърий нутқ
- 11. Берилган боғланган қўшма гаплардан қайси бирида қиёслаш ва зидлаш муносабати мавжуд?**
- А) Кишини табиат вужудга келтиради, аммо уни жамият камол топтиради.
  - Б) Полвонлар эпчилликда бир-биридан ўтади, курашда gox униси, gox буниси ютади.
  - С) Анор сўзлар ва Зайнаб қалби тол барғидай дир-дир қалтиради.
  - Д) Доно айбни ўзидан ахтаради, ахмок бўлса дўстини айблайди.
- 12. Берилган гаплар орасидан қайси бири бош гап ҳисобланади?**
- А) Агар фикр тиник бўлса
  - Б) Чунки мен оиласизнинг кенжатойиман
  - С) Шу сабабли мўл ҳосил олдик
  - Д) Кимки тақдирга тан берса
- 13. Қайси эргашган гапда бош гап эргаш гапдан аввал келган?**
- А) Гиёҳвандлик – инсоният кушандаси, шу туфайли унга қарши дунё аҳли оммавий кураш олиб бормоқда.
  - Б) Касални яширанг, иситмаси ошкор қилади.
  - С) Ким харакат қилса, у барака топади.
  - Д) Бир нарса аниқки, аҳвол ёмон.

**14. Берилган гаплар орасидан содда гапни аниқланг.**

- А) Шуни билингки, дунёда тинчликдан улуғроқ неъмат йўқ.
- Б) Кимки қаноат қилса, унинг яхши-ёмон билан иши бўлмайди.
- С) Сахийликни одат қилган кишининг қўлидан давлат ҳеч қачон кетмайди.
- Д) Ким кўп билса, у камгап бўлади.

**15. Кўрсатиши олмошли эргашган қўшма гап бош гапга қайси восита ёрдамида боғланади?**

- А) -деб сўзи
- Б) шунинг учун кўмакчили қурилмаси
- С) -ки боғловчиси
- Д) агар, чунки боғловчиси

**16. Ҳол эргаш гапли қўшма гап берилган қаторни аниқланг.**

- А) Ўсимликни қанча парвариш қилсанг, шунча мўл ҳосил оласан.
- Б) Ким изланса, у, албатта мақсадига эришади.
- С) Қизиги шундаки, шу кўринишига овози мулойим эди.
- Д) Шунга ишонч ҳосил қилдимки, кўп ухлаган оз яшайди.

**17. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари бир пайтда ёки кетма-кет содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни ифодаланса, қандай тиниш белги қўйилади?**

- А) икки нуқта
- Б) вергул
- С) тире
- Д) нуқтали вергул

**18. Қайси қўйилган тиниш белгилари нотўғри?**

- А) Йорган дарё – ўтирган бўйра.
- Б) Истиқлол даври болалари гайратли, шижаотли; кўзида чақини, кўксида ёлқини бор.
- С) Ойим энди ўрнидан тураётган эди: эшик шаҳд билан очилди.
- Д) Бизнинг қароримиз шу: ҳашарда барчамиз фаол иштирок этамиз.

**19. Миллатларни, элатларни дейди М. Улугова буюк дўстлик бирлаштиради.**

- Мазкур кўчирма гапли қўшма гапга қандай тиниш белгилар қўйилади?
- А) М: «К».
- Б) М: «К», – М.
- С) «К», – М.
- Д) «К, – м, – К».

**20. Қайси айирув боғловчиси ёлғиз ҳолда ҳам, такрор ҳолда ҳам қўлланади?**

- А) ё
- Б) гоҳ

- С) ёки  
Д) баъзан
- 21. Ҳам зидлаш, ҳам бириктирув маъносидаги қисмларни боғлашга хизмат қилувчи юкламаларни аниқланг.**
- А)-я, -ку, -да  
Б) -ми, -чи, -я  
С) -и, -ю, -да  
Д) -ок, -да, -и
- 22. Боғловчисиз қўшма гап қайси қаторда берилган?**
- А) Куз келди, йигим-терим ишлари бошланди.  
Б) Куз келди ва йигим-терим ишлари бошланди.  
С) Куз келди, шунинг учун йигим-терим ишлари бошланди.  
Д) Куз келгач, йигим-терим ишлари бошланди.
- 23. Қандай қўшма сўзлар ажратиб ёзилади?**
- А) қўшма феъл ва сонлар  
Б) барча қўшма сўзлар  
С) бир, ҳар, ҳеч олмошлари бўлган қўшма сўзлар  
Д) қўшма феъл, сон ва белгилаш, бўлишсизлик олмошлари, қўшма гап
- 24. Қандай ҳолда эга эргашган гап бош гапдан кейин келади?**
- А) Гап қисмлари нисбий сўзлар ёрдамида боғланганда  
Б) Гап кесими шарт майли шаклидаги феъллар билан ифодаланганда  
С) Бош гапнинг эгаси вазифасида кўрсатиш олмоши қўлланганда  
Д) Гап қисмлари -ки ёрдамида боғланганда
- 25. Ким ялқов бўлса, унинг қўлидаги обод ер ҳам хароб бўлади. – Мазкур гап эргашган қўшма гапнинг қайси турига мансуб?**
- А) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап  
Б) ҳол эргаш гапли қўшма гап  
С) эга эргаш гапли қўшма гап  
Д) аниқловчи эргаш гапли қўшма гап
- 26. Қайси қаторда қўшма гап берилган?**
- А) Кишилар меҳнатни қадрлайдилар, улуғлайдилар.  
Б) Дастурхон ёзиб, нонларни ушатди.  
С) Табобот олами бўлмаса, ҳаётнинг ўзи бўлмайди.  
Д) Ҳамма столларнинг усти турли-туман қоғозлар, лойиҳалар, қўлланмалар билан тўлиб кетган.

V  
бўлим

## ЖИНОЯТ ВА ҚОНУН



Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

*З.Бобур*



## ЖИНОЯТ НИМА?

Лексикография. Луғат тузиш тартиби.  
Ўзбек луғатчилиги тарихи

**Таянч тушунчалар:** инсон, қонун, жамият, кафолат, ҳаёт, муаммолар, маънавият, қадрият, ҳуқуқлар.



**43-машқ.** Қуидаги саволлар устида мулоҳаза юритинг.

1. Сизнингча, жиноят нима?
2. Нима учун содир бўлади, деб ўйлайсиз?
3. Қандай жиноят турлари бор?
4. Маълум бир жиноят содир этган шахсларга қандай жазолар кўрилиши мумкин?



**44-машқ.**

Жиноят – жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш. Маълум бир қилмишни жиноят деб ҳисоблаш масаласи ҳар бир давлатда ўзининг ижтимоий тузуми, аҳолининг турмуш тарзи, миллий хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари ва ҳқ.га мувофиқ ҳалқаро ҳуқуқ меъёrlарини эътиборга олган ҳолда ҳал этилади.

Қилмиш жиноят эканлигини аниқлаш учун қуидаги умумий белгилар назарга олинади:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) айбнинг мавжудлиги;
- 3) жазога сазоворлиги.

Хар қандай жиной қилмишда мазкур белгиларнинг барчаси бирданига мавжуд бўлиши шарт, улардан бири мавжуд бўлмаса, қилмишни жиноят эмас, деб ҳисоблашга асос топилади. Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади. Жиноятлар тажовуз обьектига кўра, шахсга қарши жиноят, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноят, давлат ҳокимијатига қарши жиноят, экология соҳасидаги жиноят, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноят, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятга бўлинади. Айбнинг шаклига кўра эса қасдан содир этилган жиноят ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятга бўлинади. Шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини ва бундан келиб чиқадиган жиноий оқибатни англаган, ўз ҳаракатларини бошқара оладиган бўлсагина қилмиши жиноят ҳисобланади.

*Мамажон Усмоналиев*



1. Матнда қандай масала кўтарилиган?
2. Матн услубини (илмий-оммабоп: очерк, эссе, мақола; публицистик: эслатма, пресс-релиз, йўл хотиралари ва бшқ.) аниқланг.
3. Юқоридаги саволларга ўзингиз берган жавоблар билан муаллиф берган маълумотни солиштиринг.



4. «Суҳбатлашиш» усулидан фойдаланиб, қуйидагича савол-жавоб ўтказинг ва дафтaringизга ёзинг.  
– Конунни билмаслик жавобгарликдан озод этадими?  
– Менимча, йўқ, чунки...  
– ...



5. Матн мазмунини жадвал, чизма тариқасида синфга тақдим этинг.

**ЖИНОЯТ – қонунга хилоф ва  
жиной жавобгарликка  
тортилувчи ҳатти-ҳаракат.**

### **Лексикография**

Луғат тузиш билан шуғулланадиган соҳа лексикография дейилади. Луғат сўзларни алфавит тартибида жойлаштириш демакдир.

Луғатлар икки хил бўлади:

1. Энциклопедик луғатлар
2. Лингвистик (филологик) луғатлар.

Энциклопедик луғатларда бирор шахс, жой ёки бирор давр ҳақида атрофлича маълумот берилади. Масалан, «Ўзбек энциклопедияси»да Амударё ҳақида қўйидагича маълумот берилган. Ўрта Осиёдаги энг серсув, катта дарё. Амударёни юон ва римликлар Окус ёки Оксос, араблар Жайхун, ерли халқлар дастлаб Укус, Вахш сўнгра Омул деб атаганлар. Шундан кейин Амударёнинг қаердан бошланиши, узунлиги, ҳавzasи ҳақида тўлиқ маълумот берилган.

Лингвистик луғатлар бир тилли ёки икки тилли луғатларга бўлинади. Бир тилли луғатларда бирор муайян тилнинг сўз бойлиги акс эттирилади.

Ўзбек тилининг қўйидаги лингвистик луғатлари мавжуд:

1. Ўзбек тилининг имло луғати. Бу луғат 60000 дан ортиқ сўз ва сўз шаклларидан иборат бўлиб, унда сўзларнинг тўғри ёзилиши берилган.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бу луғатда 80000дан ортиқ сўзларнинг маънолари берилган.

Шунингдек, ўзбек тилининг синонимлар, антонимлар, омонимлар, паронимлар луғати, фразеологик луғат, морфем луғат, киши исмлари, жой номлари луғати, терс луғат, этимологик луғат, Алишер Навоий асарларининг луғати каби. Кўплаб лингвистик луғатлар тузилган.

Икки тиллик луғатларда икки тил сўзларининг таржимаси берилади. Масалан, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғат.

Бу луғатларнинг ҳар бирида 80000 дан ортиқ сўзлар жамланган ва таржималари берилган.

Луғатлар жуда мухим маданий бойлиқдир. Уларнинг амалий аҳамияти қўйидагича:

1. Сўзларни тўғри ёзишга ўргатади (имло луғати).
2. Сўз маъноларини тушунтиради (изоҳли луғат).
3. Сўзларни бир-бирига солиштириб, тил ўрганишда фойдаланилади (икки тилли луғат).



## КОНСТИТУЦИЯМИЗ – БОШ ҚОМУСИМИЗ

Ёзма нутқ амалиёти. Иш қоғозлари

**Таянч тушунчалар:** мамлакат пойдевори, озодлик ва бақарорлик кафолати, Бос Қомус, ҳуқуқбузарлик оқибати.

*Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ишларини ўз вақтида низомдан чиқармай тартиб ила юритмакга боғлиқдир.*

*Абдулла Авлоний*



**45-машқ.** Аввал жуфтликда, сўнгра гуруҳда қуйидаги саволларни муҳокама қилинг.

1. Қонун нима? Ҳаётда қонунсиз яшаш мумкинми?
2. Сизнинг ҳаётингизни нима кафолатлайди?
3. Инсон ҳаётида Конституциянинг қандай аҳамияти бор?



**46-машқ.**

*Ҳар бир мамлакат пойдеворининг мустаҳкам, келажагининг ёрқин бўлиши ана шу давлатнинг Конституциясига боғлиқдир. Конституция куни – халқимиз учун энг улуг ва нуфузли байрамлардан бири.*

*Конституция – жонажон Ватанимизнинг олтин қозиги. Бирлиги ва тотувлиги ярашган юртимизнинг маёги, ёрқин келажагимизнинг гарови!*

## ОЗОДЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

1995 йили халқымиз яқдиллик билан овоз бериши натижасида, қабул қилингандык Баш Қомусимиз тараққий эттеги давлаттарга хос демократик қоидалар билан түликтің қамраб олинган. Баш ҳужжат бирлигимизни мустаҳкамлаб, давлатимиз тузилмаси ҳамда мамлакатимиз яхлитлигини тасдиқлаб берди. Ҳар бир фуқаронинг ўзини тенг ҳуқуқли ҳис этиши ҳамда ҳуқуқлари сақланишига ишончли негиз бўлди. Янги бунёдкор даврига йўл очиб берди. Конституциямизда юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи ҳимоя қилиниб, барчанинг ёрқин келажак сари одимлашига йўл очилган.

Мустаҳкам Конституциямиз орқали Қозогистон эли қисқа вақт ичида катта муваффақиятларга эришиб, талай довонларни забт этди. Дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга нуфузли давлатга, заковатли миллатга, иқтисодиёти бақувват, баракали мамлакатга айланди.

Баш Қомусимизга хурмат-ишончимизни мустаҳкамлаб, ғайратимизга ғайрат қўшади. Қозогистон бугунги кунда тарихий ривожланиш босқичини бошдан ўтказмоқда. Конституцияда кўрсатилган давлат бошқаруви тизими асоси ислоҳотларни жадал суръатлар билан амалга оширишга имкон беради. Давлатга зарурий қонунлар ўз вақтида қабул қилиниб, натижада ижтимоий-иқтисодийгина әмас, балки сиёсий такомиллашувга йўл очади.

Ҳар бир фуқароси ўзини тенг ҳуқуқли ҳис этадиган, тотувлиги ярашган Қозоқ элининг шуҳрати бугунги кунда жаҳонга ёйилиб, рақобатбардош давлатлар сафига кириш учун сабит қадамлар ташламоқда. Бу – Давлат раҳбари олиб бораётган оқилона сиёсатнинг меваси ва шарофатидир.

Жорий йилги байрамни Элбоши Фармони билан вилоят мақомини олган Туркистанонда нишонламоқдамиз. Қозогистон эли учун муқаддас «Жети жарғи» ёзилган кўхна Туркистаннинг ўрни ўзгача. Шундай экан, туб илдизи «Жети жарғи»дан бошланган Баш Қомусимизнинг нуфузи ортаверсин!

(«Жанубий Қозогистон» газетасидан)



1. Матн мазмунини тушуниб ўқиб чиққач, гуруҳда муҳокама қилинг.
2. Матннинг асосий фикрини берувчи 1-2 жумлани аниқланг. Изоҳланг.
3. Конституция куни нима учун нишонланиши ҳақида мулоҳазаларигиз билан ўртоқлашинг.



4. Матнда берилган «Жети жарғы» нима? У ҳақда қандай маълумотларга әгасиз? Интернет манбаларидан фойдаланиб, маълумотлар тўпланг ва синфга тақдим этинг.

### *Адабий тил ва услубият*

Адабий тил умумхалқ тилининг товушлари, сўзлари ва грамматик шакллари жиҳатидан маълум меъёрга келтирилган кўринишидири. Шунга кўра адабий тил сўз санъаткорлари томонидан ишланган тил ҳисобланади. Адабий тилни маълум меъёрга келтирувчи сўз санъаткорлари: ёзувчилар ва олимлардир. Адабий тилни вужудга келтиришдан мақсад умумхалқ оммавий алоқа воситасини яратишидир.

Адабий тилни икки шакли: ёзма ва оғзаки шакли мавжуд.

Ёзма адабий тил – китобий тил бўлиб, адабий тилнинг асосий шакли ҳисобланади. Ёзма адабий тил учун хос бўлган меъёр орфография ва пунктуация (тиниш белгилар). Оғзаки адабий тил учун меъёр талаффузидир.

Адабий тилнинг маълум соҳаларда қўлланиладиган кўриниши адабий тил услублари дейилади. Тилнинг маълум нутқ шаклларида қўлланилиши асосида нутқ услублари вужудга келади. Нутқ услубарини ўрганадиган соҳа услубиятдир. Услубият қўйидагиларни ўрганади:

- 1) тил ҳодисаларининг мақсадга мос қўлланилиши;
- 2) ёзма ва оғзаки нутқнинг хусусиятлари;
- 3) бадиий асар ҳамда ёзувчилар тили ва үслубини.

Ўзбек тилининг нутқ услублари 5 та: *сўзлашув услуби, илмий услуб, расмий-идоравий услуб, оммабоп (публицистик) услуб, бадиий услуб*.

Сўзлашув услуби – оғзаки нутқ услуби, қолган услублар ёзма нутқ услубларидир.

**Расмий-идоравий услуб.** Бу услубнинг қўлланиш доираси кенг ва хилма-хилдир. Қарорлар, давлат идоралари, суд-прокуратура ҳужжатлари, шартномалар, расмий эълонлар, шунинdek иш қоғозлари (ариза, тилхат, маълумотнома) расмий услугб намуналаридир. Расмий услугб ҳужжатларга таянувчи услугб.

Расмий услугб нутқнинг қисқа ва аниқ тузилиши билан фарқланади. Бу услубнинг асосий хусусияти жумлаларнинг белгиланган тартибдаги бир хилликда бўлишидир.

Расмий услубда жумлалар маълум қолипда ва изчил бўлади. Масалан, ариза ёзиш лозим бўлса, биринчи қаерга, кимга, ариза ёзувчининг адреси, лавозими, кимлиги кўрсатилиб, матн берилади. Бу тартиб барча ариза ёзувчилар учун бир хил.

Расмий услугуб тез-тез такрорланиб турувчи бир хилдаги жумлаларга бой. Бу услубда синонимлар, кўчма ва кўп маъноли сўзлар, образли воситалар қўлланилмайди. Кўпинча, дарак, бўйруқ гаплардан фойдаланилади, гап бўлаклари-нинг одатдаги тартибида амал қилинади.

**Қонун** – бу Конституцион тартиб билан ўрнатилган давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан қабул қилинган меъёрий акт(хужжат)дир.

**Хукуқбузарлик** – бу жамиятга қарши, заарар етказувчи, қонун томонидан тақиқланган ва жазога етакловчи хатти-ҳаракатдир.



**47-машқ.** Қуйидаги матнни овоз чиқариб ифодали ўқинг.

Қомусимиз Қозогистон виҷдонидир,  
Удир бизга йўл кўрсатар машъал – маёқ.  
Уқиб олмоқ ҳар инсоннинг бурч – оридир,  
Унинг билан чароғондир, бут ҳамма ёқ.  
Тиниқ осмон, чашмадай пок номусимиз,  
Тинчлигимиз туғи эрур Қомусимиз!

Ўқишиш, ишлаш, миллий тенгликтен битикдоши,  
 Қомус билан очилади эрк қүёши.  
 Она тилинг ўз тилингдир, давлат тилин  
 Щурганмоққа ҳақли әрур бор қардоши.  
 Осуда тонг, бегард ору номусимиз,  
 Бағри кенг әл байроғидир Қомусимиз!

*Соатой Камол қизи*



- Матндаги охирги жумла мазмунини талқин этинг, уни мавзуу, асосий тоя, муаллиф күэзқараши билан боғланг.
- Қуйидаги жадвал асосида 46-47-машқларда берилген матн мазмунуни (тузилиши: услуги, типи, жанри ва ҳк.) билан солиштириңг.

1-матн мазмунининг ўзига хос хусусиятлари	Умумий ўхшаш хусусиятлар	2-матн мазмунининг ўзига хос хусусиятлари

## *Иш қоғозларидан намуналар*

Шимкент шаҳри  
Муқимий номли умутаълим  
ўрта мактаб директори  
Ш.Мансуровага  
ўзбек тили ва адабиёти  
ўқитувчиси  
Р.Олимовдан

### **Ариза**

Мени Муқимий номли умумтаълим ўрта мактабига 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб 18 соат юкламаси билан ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилишингизни сўрайман.

25.08.2018 й.

(имзо)

Р.Олимов

### **Маълумотнома**

Шахноза Усманова Шимкент шаҳридаги Жанубий Қозогистон давлат педагогика университетининг филология факультети «Икки чет тили: инглиз тили» ихтисослиги бўйича 1-босқичга ўқишига қабул қилинди.

Маълумотнома талаб этилган жойга берилди.

Рўйхатдан ўтказиш бўлими бошлиғи

(имзо)

Х.Сартаева



Ўқитувчи ёрдамида расмий иш қоғозларини юритиш қоидаларидан фойдаланиб, маълум бир ташкилот билан шартнома намунасини тузинг. Тақдимотга тайёрланг.



## ҚОНУННИ БИЛИШ – БУРЧИМИЗ

Тиниш белгилари ва уларнинг қўлланилиши

**Таянч тушунчалар:** ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий илм, инсон эркинлиги кафолати.



**48-машқ.** Қўйидаги саволлар устида гуруҳларда мулоҳаза юритинг, муҳокама қилинг, жавобларингизни далиллар билан асосланг.

1. Бола ҳуқуқлари ҳақида қабул қилинган қандай қонунларни биласиз?
2. Ҳуқуқни ким ҳимоя қиласди?
3. Давлат ҳокимиятиning бирдан бир манбай нима?
4. Бош Қомусимизнинг 15-моддасининг мазмунни нима ҳақда?

**49-машқ.** Қўйида берилган матннинг мазмунини изоҳланг.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Юксак ҳуқуқий маданият инсон комиллиги аломати. Буюк файласуф Афлотун «Илмлар ичида инсонни энг комилликка етказадигани ҳуқуқ илмидир» – деб бежиз айтмаган.

Айни вақтда таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий маданият фақат ҳуқуқни ўрганиш билан чегараланиб қолмайди. Бу жиҳатдан, «Ҳуқуқий маданият дарражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани – турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир».

Кўриниб турибдики, юксак ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш мажмуйи чора-тадбирлар амалга оширишни тақозо қиласди.

ЎАхатов



1. Берилган мавзу бўйича мулоҳазалар, ишончли фикрлар билдириб, ўзингиз монолог/матн тузинг. Синфга овоз чиқариб ўқиб беринг.
2. Биринчи топширик бўйича синфдошларингиз ўқиб эшиттирган монологларга ўз муносабатингизни билдиринг, баҳоланг.



**50-машқ.** Қўйидаги матнларнинг манбасини аниқланг ҳамда мазмунига изоҳлар ёзинг, синфга тақдим этинг.

#### 14-модда.

1. Қонун ва суд олдида ҳамма teng.
2. Келиб чиқиши, ижтимоий, мансаб ва мулкий мавқеи, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, эътиқоди, яшаш жойи ёки қандайдир бошқа сабаблар важидан ҳеч кимни қандай бўлса ҳам камситиш мумкин эмас.

#### 22-модда.

1. Ҳар ким виждон эркинлиги ҳуқуқига эга.
2. Виждон эркинлиги ҳуқуқини амалга ошириш умуминсоний ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳамда давлат олдидаги бурчларни шарт қилиб қўймаслиги ва чекламаслиги зарур.

#### 17-модда.

1. Инсон қадр-қиммати дахлсиздир.
2. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонлик, шафқатсизлик ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги муомалага ва жазога дучор этилиши мумкин эмас.

#### 27-модда.

1. Никоҳ ва оила, оналиқ, оталиқ ҳамда болалиқ давлат ҳимоясидадир.

- Болалари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уларни тарбиялаш – ота-оналарнинг табиий ҳуқуқлари ҳамда бурчларидир.
- Вояга етган меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

### **34-модда.**

- Ҳар ким Қозогистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдир.
- Ҳар ким Республика давлат рамзларини ҳурмат қилишга мажбурдир.

### **Пунктуация**

Тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳақидаги қоидалар йиғиндиси пунктуация дейилади.

Ўзбек тилида асосий тиниш белгилар 10 та: нуқта (.), сўроқ белгиси (?), ундов белгиси (!), вергул (,), икки нуқта (:), нуқталии вергул (;), кўп нуқта (...), тира (-), қавс ( () ), қўштириноқ («»).

Тиниш белгиларининг қўлланилиши қўйидагича:

- Фикр тугалланган бўлса, унинг мазмунига қараб нуқта, сўроқ, ундов белгилари ва уч нуқта қўйилади.
- Тугалланмаган ёки изоҳ талаб қиласидан фикрлардан кейин уч нуқта қўйилади. Масалан, Кўклам қуёшидан кўкарған қирлар, кўм-кўк... Агар бундай гап сўроқ гап бўлса сўроқ белгиси ва икки нуқта, ҳис-ҳаяжон гап бўлса, ундов белгиси ва икки нуқта қўйилади. Мен етим ўсанман, оҳ, у етимлик!.. (F.Ғулом).



- Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда тиниш белгиларининг нутқда ишлатилиш имлосига риоя қилиб, мисоллар келтиринг.**



## ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Тиренинг құлланилиши

**Таянч түшунчалар:** ҳуқуқбузарлық сабаблари, ҳаёт-мамот масаласи, маънавий мұхит.



**ЖИНОЯТ СОДИР ЭТМАНГ!**

**ЁДДА САҚЛАНГ!**  
«Қонунни билмаслик жавобгарлықдан озод этмайды!»

**51-машқ.** Қүйидеги тасвирларни сўзлатинг.

**СИЁСИЙ:**

- Қонунни билмаслик ва ҳұрмат құлмаслик
- Очкүзлик, тамагирликнинг ўсиши
- Ҳуқуқий нигилизм (қонунни инкор этиш)

**ИҚТІСОДИЙ:**

- Ишсизлик
- Ойлик маошнинг камлиги
- Очлик
- Башпанасизлик
- Камбағаллик

**ҲУҚУҚБУЗАРЛЫК  
САБАБЛАРИ**

**АХЛОҚИЙ:**

- Шахсий масъулиятлилік ҳиссининг йүқлиги, жазосизлик
- Феъл-атвор хұсусиятлари
- Жамиятнинг ахлоқий ва маънавий меъёрларига бепарво мұносабатда бўлиш
- Паст билим даражаси
- Ташқи мұхит салбий омилларининг таъсири

**ИЖТИМОИЙ:**

- «Чиройли ҳаёт» кетидан қувиш
- Жамоа билан салбий мұносабатда бўлиш
- ОАВ салбий роли
- Оиласдаги носоғлом мұхит
- Спиртли ичимлик, гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш



## *Тиренинг құлланилиши:*

1. Эга ва кесим, ҳаракат номи ёки саноқ сон билан ифодаланиб, кесимлик құшымчаси бўлмаса, эга билан кесим орасида тире қўйилади. Масалан, ўқиш-ўрганиш. Икки ўн беш – бир ўттиз.

2. Эга билан кесим у, бу, мана бу олмошлари билан ажратилса: Тинчлик – бу севинчdir.

3. Эга ва кесим от, сон, олмош, сифатдош билан ифодаланиб боғламасиз бўлса: Бу – буюк алломалар юрти. Юрган – дарё, ўтирган – бўйра (*Мақол*).

Эга билан кесим орасида қўйидаги ҳолларда тире қўйилмайди:

1. Эга билан кесим орасида ҳам сўзи келса: Биз ҳам талаба.

2. Кесим шахс қўшымчасини олган бўлса ёки юклама билан келса: Бу кишини биламиз. Шу талабами?

3. Кесимда *-дир, бўлади*, боғламалари мавжуд бўлса: Меҳнатроҳатdir. Меҳнат билан топилган нон ширин бўлади.

4. Уюшиқ бўлаклардан кейин келган умумлаштирувчи сўздан олдин тире қўйилади. Ватанга садоқат катталар ва кичиклар – ҳамма учун бурч.

5. Ажратилган кесимдан олдин тире қўйилади. Ўйда кўп иш қилди – супурди, тозалади, кир ювди.

6. Ажратилган бўлак кенгайиб, уюшиб келса, гап охирида келса ундан олдин тире қўйилади. Пахтакор ўзбекман – забардаст, тантни.

7. Ажратилган бўлак гап орасида келса икки томондан тире қўйилади. Энди одамлар – отлиқ, пиёда, ёш, қари – учрай бошлади.

8. Таркиби катта бўлган кириш гапларнинг икки томонида тире қўйилади. Қабулхона – бу ер илгари катта бойнинг меҳмонхонаси бўлса керак – қоронғи эди.

9. Мазмунан зид бўлган боғловчисиз қўшма гаплар орасида тире қўйилади. Жисмимиз йўқолур – ўчмас номимиз.

10. Боғловчисиз қўшма гаплар орасида ўхшашлик бўлса тире қўйилади. Сув келди – нур келди. Вақтинг кетди – нақдинг кетди. (*Мақол*.)

11. Боғловчисиз қўшма гаплардан пайт, натижа, шарт, сабаб маънолари англашилса тире қўйилади. Ўқувчилар келди – дарс бошланди. Юрт тинч – сен тинч.


12. Қўчирма гап муаллиф гапидан олдин ёки муаллиф гапининг ичида келса, қўчирма гапдан кейин вергул, тире қўйилади. «Дарс тугаши билан келгин», – деди онам.

13. Ўқитувчимиз «Кўп ўқиган, албатта, кўп билади», – дедилар.

14. Муаллиф гапи қўчирма гап орасида келса, муаллиф гапининг икки томонидан тире қўйилади. «Бу ишни ўзимиз бажарамиз, – деди акам. – Бирор бизга иш қилиб берармиди»?



**52-машқ.** Матн мазмуни билан танишиб чиқиб, унинг жанри, типи, услубини аниқланг.



Инсоният тарихида жиноятчиликдан холи жамият бўлган эмас. Турли даврларда жиноятчилик кўпайиб, камайиб турган, лекин бутунлай йўқолиб кетмаган. Сабаби нимада?

### Ёшлар тарбияси – ҳаёт-мамот масаласи

Йирик маърифатпарвар Абдулла Авлоний ёшлар тарбиясини «ҳаёт-мамот масаласи», деб таърифлаган. Демак, ёшларнинг жиноятга қўл уриши тарбияда йўл қўйилган хато ёки бефарқликнинг аччиқ мевасидир.

Булар жиноятчиликнинг устки қисмидаги, барчага маълум сабаблар, холос. Асл илдизи эса анча теран. Буни аниқлаш учун чуқур таҳлил юритиш керак.

Мутахассисларнинг фикрича, бу соҳада тарбия жараёни ҳам муҳим аҳамиятга эга. «Мен соғлом маънавий муҳит бўлмаган жойда комил инсоннинг етишиб чиққанини ёки, аксинча, тўғри ва тўлақонли тарбия олган боланинг қинғир йўлга кириб кетганини учратмаганман», деб ёзган эди забардаст педагог С. Макаренко.

Келинг, жиноят йўлига кирган бир йигитнинг ҳаёт йўлига назар солиб, тақдиридаги қайноқ нуқталарни топишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Бу воқеа қиши кунларининг бирида, оқшом пайтида юз берганди. Фарида дугонасининг уйидан қайтаётган эди. Тор кўчада ҳеч ким кўринмас, узоқдаги симёғочга ўрнатилган чироқ ёруғида бир одамни кўриб, Фарида қўлидаги сумкасини маҳкамроқ ушлади. Чунки, дугонасидан ўқишига тўлаш учун юз доллар пул қарз олиб келаётган эди. Мана, ниҳоят, қиз у одамнинг ёнига яқинлашди. Ўтиб кетаётиб, зимдан назар солди, қулоқчинини бостириб кийиб олган йигитча экан. «Мактабда ўқиса керак, бекор хавотирланибман, безори эмас экан», деб ўйлаб кетаётган эди, ҳалиги йигит югуриб, орқага қайтиб келиб, қизнинг сумкасига ёпишди. Кутимаган қаршиликдан бир зум эсанкириб қолса ҳам, сумкани қўйиб юбормади. Босқинчи чўнтағидан пичоқ чиқариб, қизга ўқталди. Фарида уни тортиб олмоқчи бўлган эди, пичоқ қўлини кесди ва сумкасини қўйиб юборди. Безори сумкани олиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

– Сумкангизда нималар бор эди? – сўради терговга киришган участка нозири.

– Пул ва ҳужжатлар...

– Пулдан умидингизни узаверинг. Ҳужжатларингизни бир жойга ташлаб кетади.

Таҳлилиминизни мана шу лавҳадан бошласак. Қулоқчинини бостириб кийиб олиб, йўлтўсарлик қилаётган номаълум йигитни излашнинг кераги йўқ, буни мутахассисларнинг ўзлари эплашади. Биз уни қишининг қоронғу кечасида кўчага чиқиб, жиноят содир этишга мажбур қилган сабабларни аниқлашга уриниб кўрамиз.

### Жиноятга илк қадам

У пайларда Анвар болалар боғчасига бораиди. Бир куни тарбиячиси болаларга антиқа топшириқ берди: «Дам олиш кунлари катталар билан бирга ёғочдан турли буюмлар ясад, танловга олиб келинглар». Анвар буни ойисига айтган эди, у дадасига юборди. Дадаси вақти йўқлигини айтди. Душанба куни болакай уйидан йиғлагудай бўлиб чиқди: боғча опасининг жаҳли чиқишидан қўрқарди. Хаёлига қўшни гуруҳдан бир буюмни ўғирлаб олсамчи, деган фикр келди. Қўшни хонага кириб, даҳлизда қолдирилган ёғоч буюмлар орасидан куракчани олиб, ўзим ясадим, деб боғча опасига берди. Ўғирликни ҳеч ким сезмади. Лекин бу кичкина ўғирлик унинг келгуси жиноятларига йўл очди, десак, муболага бўлмайди. «Бекор гап, шўхлик қилиб, қўшнисининг боғидан мева ўғирлаган болалар бор. Кўча-кўйда бегона

одамнинг чорбоғидаги ўрик, гилосни ўғирлаганлар бор. Уларнинг ҳаммаси ўгри бўлиб кетаётгани йўқ-ку», дейишингиз мумкин. «Қўғирчоқ, ўйинчоқ ўғирлаганлар ҳам жиноят қўчасига кириб кетган эмас». Бу саволга мутахасислар қўйидаги жавобни беришди: «Ҳар бир жиноятчининг ўтмишида бир салбий иш бор. Бинобарин, уларнинг ҳаммаси ҳам жиноят содир этавермайди. Демак, куракчанинг ўғирланиши болалик шўхликларидан бири бўлиб қоларди, агар у жиноят билан яқун топмаганида».

### Мактабда

Саккизинчи синфда дарёning нариги ва бериги томонида яшайдиган болалар орасида кўп муштлашишлар бўлиб турарди. Бунда аксарият ҳолларда Анвар калтак ерди. Ҳали у кўзи, ҳали бу кўзи кўкариб, мактабга борарди. Ўқитувчиси эса жанжал сабабларини, айборларни аниқлаш ўрнига, бутун айбни унга тўнкаб қўя қоларди.

Бир куни дадаси:

– Қўрқоқсан. Сенинг ўрнингда бўлсам, албатта, ўч олардим, – деди.

Бу таъна болага қаттиқ таъсир қилган эканми, қўшнисининг ўғли Самадалидан маслаҳат сўради.

– Ўн биринчи синфда ўқийдиган оғайним бор, шунга айтамиз, истаган боланинг таъзирини беради. Фақат, унга соққасини бериб туриш керак, – жавоб берди у.

Анвар бувисидан икки юз тенге олиб, Самадали билан буюртма беришга борди. Зўравон – қураш бўйича қишлоқ чемпиони, Аҳмад-Нажот лақаби билан танилган мактабдоши экан. У биринчи буюртмани кўнгилдагидай бажарди. Лекин эртасига учрашиб, шарт қўйди.

– Ҳар куни 50 тенгедан менга бериб турасан. Буюртма бўладими, йўқми, у билан менинг ишм ўйқ. Эвазига – нафақат мактабда, ҳатто қишлоқда сени ҳеч ким черта олмайди.

Анвар беш-олти ой бу шартни бажариб турди, кейин пул топиш муаммоси туғилди. Уйдаги сотиш мумкин бўлган нарсаларни сотиб бўлди. Бир куни қўшнисиникига ўғирликка тушиб, пул ва тилла буюмларни олиб, чиқиб кетаётганида уй эгаси келиб, ушлаб олди.

### Отаси

Анварнинг онаси у 15 ёшга тўлиши муносабати билан кўпдан бери орзиқиб кутаётган совғаси – велосипед сотиб олишига етадиган пул берди. Бундан хабар топган дадаси:

– Ўғлим, ҳозир қиши бўлса, велосипедни нима қиласан, яхшиси, бу пулларни менга қарзга бериб тур, мен сенга баҳор чиқиши билан қайтариб бераман, чин сўзим, – деб олиб қўйди.

Март, апрель ойи ўтиб, майнинг ўрталарида бола дадасига велосипед пулини эслатади.

– Қанақа пул? – ҳайрон бўлади дадаси.

– Ойим велосипед олишгага туғилган кунимда берган пулни айтяпман. Сизга берган эдим-ку...

– Ҳа, уялмай-қизармай шу пулни айтяпсанми, ярамас! Мен сенинг ёшингда ишлаб, ҳалол пул топғанман, ҳатто, ота-онамга, рўзғорга яратарсизлар, деб бериб турғанман. Сен эса, ота-онангнинг пулига ялло қилмоқчимидинг, тур, кўзимга кўринма, йўқол!

– «Чин сўзим, баҳор чиқиши билан қайтараман», деб ваъда бергандингиз-ку, дада, – деб тортишмоқчи бўлди, лекин бефойдалигини сезиб, ала-мини ичига ютди.

Отаси ўғлининг кўз ўнгига ёлғончи, фирибгарга айланди. Шундай қилиб, дунёдаги энг яқин одамим, қалбимнинг гавҳари, деб юрган инсон, бир вақтлар бутун қишлоқ аҳли ҳурмат қиладиган отасидан Анварнинг кўнгли қолди.

Бир куни у отасидан ичмасликни илтимос қилди.

– Энди, ичмасам туролмайман, ўғлим, – деди у. – Талабалик давримда ҳам ичмаганман. Раисимизнинг менга қилган номардлигидан кейин ичишини бошлаганман. Ноҳақликка чидай олмасам, нима қилай? Ойига икки марта «бизнинг уйга битта қўй олиб бориб бер», дерди. Йил сўнгига «мана бу актга имзо қўй», деб олиб келишди. «Нима бу?» – деб сўрасам, «30 та қўйни бўри еб кетди», деб тузилган экан. Мен «бу қўйларни бўри эмас, директор еган», деб имзо чекмадим. Шундан кейин мени ишдан ҳайдашди. Ичмасам, бу ноҳақликка қандай чидаш мумкин? Ҳар ҳафтада ҳашар қилиб, икки қаватли дала ҳовлисини менга ўхшаган уч-тўртта мутахассисига қурдирган ҳам шу раис бўлади. Номардликка кўнивергандан кейин ўзинг ҳам номард бўлиб қолганингни билмай қоларкансан, киши.

## Онаси

Онаси уч фарзанд кўрди, чақалоқлар бир-икки ойда «чатнаб» кетаверди. Тўртинчи фарзанд – Анварни эрка ўстирди. Ичкилик сабабли онаси отаси билан тез-тез жанжаллашиб туарди. Баъзан, қўшни болалар «даданг дўкон олдида ётибди, юролмайди, бориб олиб кет», деб келишарди. Бу сўзлар болага оғир ботарди. Эрталаб, отаси ўзига келганида онаси дий-

диёсини бошларди. Отаси яна күчага чиқиб кетар ва аҳвол тақрорланаверарди. Оиладаги бундай аҳволда тарбия маданияти ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди.

### Бой берилган тўрт йил

Анвар тўрт йил колонияда «тарбияланди». Қамоқдан чиққанларга давлат томонидан яратилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, ишга кириш ниятида.

— Чангал сим билан ўралган катта ҳовли, тўрт девор ўртасини ёритиб турадиган чироқлар, баланддан кузатаётган қўриқчиларни унута олмаяпман, — дейди Анвар. — Асабга қаттиқ тегадигани — кучли сирена овози. Қунига 7 марта аниқ бир вақтда янграрди. Бу овоз инсоннинг руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатар экан. Бундан ташқари, у ёқда таомларнинг ночорлиги туфайли сил касалини юқтиридим. Уйдаги хўroz қичқириғидан ёки онамнинг майин эркалашидан уйғонган кунларим эсимга тушиб, йиғлардим. Йиғлаётганимни кўриб, ёнимдагилар «йигит ҳам йиғлайдими, уят эмасми», деб таъна қилишарди.

Анвар судга кассация аризасида шундай ёзган экан: «Менга раҳм қилинглар, ахир энди 17 га тўлдим. Бу ёшда кўп болалар адашади. Мен ҳам шуларнинг бириман. Эҳтиётсизлик туфайли машинада одам босиб кетиб, жазоланмаган ҳоллар ҳам бўлади-ку, мен ҳам эҳтиётсизлик қилиб, хатога йўл қўйдим. Ўғирланган ҳамма пул ва буюмлар эгасига қайтарилди. Ҳеч бир қамоқхона инсоннинг ахлоқини тузатган эмас, шуларни ҳисобга олган ҳолда, менга енгилрок жазо тайинлашингизни илтимос қиласман».

(A. Абдуфаттоҳ)

Сиз бунга нима дейсиз, тенгдош?



1. Кичик матнларда қандай муаммолар кўтарилиган? Уларни қандай умумий мавзу бирлаштиради?
2. Муаммоларнинг олдини олиш мумкин эдими?
3. Матн таркибидан имло хатоларини аниқлаб, фикрингизни далиллар билан асосланг.



## СҮНГГИ ПУШАЙМОН – ЎЗИНГГА ДУШМАН

Вергулнинг қўлланилиши  
Нуқтали вергулнинг қўлланилиши

Таянч тушунчалар: ҳуқуқбузарлик оқибатлари, тўқликка шўхлик, бола бошидан...

**Болани бошидан, ниҳолни ёшидан асра.**

**Халқ донолиги**



### 53-машқ.

1. Қуйидаги матнлар билан танишинг. Услуби, типини аниқланг.
2. Уларнинг мазмунини солиштиринг.
3. Қандай муаммо кўтарилиган?
4. Нима учун сўнгги пушаймон – ўзингга душман? Мулоҳаза юритинг.

### Дониёрнинг хатоси

Дониёр – синфимиздаги янги ўқувчи. У оилада эрка, ўз айтганини қилдирадиган болалардан экан. Бир куни Дониёр дарсда ёнидаги боланинг сумкасини атайлаб тушириб юборди, лекин ўз айбига иқрор бўлмади. Дониёр дарсадан қочадиган, дўконлардан нарса ўғирлаб ейдиган бўлди.

Дониёрнинг ўқитувчиси унинг хатти-ҳаракатларидан безовта бўлиб, Дониёрнинг онасига мактабдаги қилиқларини айтди, лекин она унга парво қилмади.

Бир куни Дониёр ўз ўртоқлари билан ўйинхонага борди ва у ерда жанжал кўтариб бир йигитни жароҳатлади. Ҳуқуқ ходимлари Дониёрни вояга етмаганлар колониясига юбормоқчи бўлишди. Бу воқеа мактабда тез тарқалди. Устоз шогирдининг тақдирини ўйлаб, полиция бўлимига йўл олди.

Ўқитувчисини кўрган Дониёр ўз қилган ишига пушаймон бўлди ва йиғлаб юборди. Бу кўз ёшлар ёш мурғак қалбидағи ўз хатосини англаш ва пушаймон ёшлари эди.

## Қайсар боланинг қўйилиши

Маҳалламизда серфарзанд оила бўларди. Тўққиз ўғил, икки қиз ичида кенжаси негадир бошқачароқ. Бу шумтаканинг қилиқларидан жабр чекмаган одам йўқ. Бутун қишлоқ аҳли – каттаю кичик тўполончидан додлар, отасига шикоят қилиб ҳам бирор натижага эриша олмасди. Охири безорининг «ҳунар»ларидан безган ота «қулоқсиз» фарзандини вақтингча шаҳарда яшайдиган тоғасиникига жўнатиб юборди.

Орадан бир неча йиллар ўтди. Ҳаёт ҷархпалагини қарантки, ўша безори бугун ҳуқуқ-тартибот идорасида ишлар экан. Қандай қилиб дейсизми? Бола тоғасиникига келгандан кейин бир ҳафтадаёқ ўзгарибди. Сабаби тоға жиянини уришмай, балки унинг ижобий жиҳатларини эътироф этибди. «Сен кўп ишларга қодирсан. Яхши ўқиб ўргансанг, сендан яхши мутахассис чиқади...» деб уни рағбатлантирибди. Бундай мулозаматдан «эриб» кетган бола барча имкониятларини ишга солиб, аълочи ўқувчилар қаторига қўшилган экан.

## Қўнгилсизлик бекорчиликдан келиб чиқади

Бола тарбияси, энг аввало, оиласдан бошланади. Оила соглом бўлса, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам бўлса, мамлакат барқарор бўлади.

Мактабда таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилар эди. Шунга қарамай, Бунёд ва Қаҳрамон дарсга бормасдан кўча-кўйда санғишини одат қилишди. Йўлдан адашиб, ўғирлик қиладиган инсонлар қаторига кириб қолишли. Бир-икки уларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан бу ишга қўл урди. Охир-оқибатда улар ички ишлар бўлими томонидан қўлга олинди. Йўлдан адашган Бунёд ва Қаҳрамонни суд ажрими асосида ихтисослаштирилган мактаб-интернатга жойлаштиришди.

Интернатдаги ўқув борасида улар нотўғри иш қилганликларини тушуниб етди. Ота-онасининг юзини ерга қаратгани, мактаб ўқитувчиларининг меҳнатини оқламагани, синфдошларининг ҳурматини қозона олмаганликлари учун афсусланди. Сўнгги пушаймон – ўзингга душман, дейдилар.

Уларнинг бу йўлга киришининг бирдан-бир сабаби – лоқайдисизлиги. Ҳар қандай қўнгилсизлик бекорчилик оқибатида келиб чиқади. Шундай экан, вақтдан унумли фойдаланиб, яхши ишларни амалга оширишга шопшилайлик. Ватанга муносиб авлод бўлиб улгайиш ўз қўлимизда!

## Бу ҳам жиноят

Мактаб партасидаги ўқувчига ҳар бир фан ўқитувчиси одоб-ахлоқдан бир соат маъруза ўқимаса ҳам, ҳар фурсатда жиноятга қўл урмасликла-

рини эслатиб ўтадилар. Шундай сұхбатларга қарамай айрим ота-оналар ўз болаларининг оддий жинойи ишларидан бехабар қолмоқдалар.

Дарслардан бесабап қолиш, кечикиш, дарсда тингламаслик, керакли ўқув қуролларини олиб келмаслик, синф ойнаси ёки парталарни синдириш – буларнинг барчаси жиноятнинг ilk қадамлари бўлса, яна ўқувчиларнинг бир-бирларини устидан кулишлари, дарсдан чиқиб тамаки чекишга ҳаракат қилишлари, турли қайфиятни кўтарувчи ичимликларни сотиб олиб ичишлиари ҳам жиноят ҳисобланади. Ота-оналар буларнинг бирини билса, иккинчисини билмайди. Уларнинг фикрича, болам ўқияпти, ўқитувчилар тарбия беришолмайди деб барча тарбияни ўқитувчилар зиммасига ортиб қўйишида-да, кузатувчи томошабин сифатида ўтиришадилар. Ҳозирги кунда ота-оналар иш билан банд бўлишиб фарзандларига тўлиқ эътибор бера олмай қолганлар. Фарзандлари ўз ҳолига қолдирилиб, назорат сусая боряпти.

Ота-оналаримизнинг бундай бепарволигидан тарбия ҳам бўшашган ҳолда боряпти. Кийинтириш, телефон, замонавий охирги маркали машиналарни олиб беришади, аммо биргина китобга келганда пулларининг охири кўриниб етказа олмаётганликларидан нолиёдилар.

Ўсмирларга машина ҳайдаш мумкин эмаслигини ўйлаб ҳам кўрмаганлар. Бу ҳам жиноят эканлигини тушуниб етмайдилар. Ота-оналаримиз жиноятга қўйл урганларида болалардан нима кутиш мумкин? Ўйлаб кўринг, азизлар! Жиноятдан омон юришга, сақланишга ҳаракат қилинг.

### Тўқлика шўхлик

Маҳалламиздаги курап бўлиб турадиган майдонга тумонат одам йигилган. Қанчадан-қанча полвонлар йиқилиб бўлгач, майдонда Асқар ёлғиз голиб бўлиб қолди. Йигитлар орасидан унга тарафкаш чиқмади. Бироздан сўнг майдонга Мавлон кириб келди. Жўрабоши икки полвонни бел олишириб қўйди. Полвонлар майдонда ярим соатча елка тирашиб, бел тортишиб юргач, кутилмаган тасодиф юз берди: Мавлон Асқарнинг йўғон оёқларини ердан узиб, елкаси билан гурсиллатиб йиқитди. Мавлондан буни кутмаган халойик унинг зўрлигига қойил қолдилар. Аламига чидай олмаган «Полвон» номини олиб, жуда гердайиб кетган Асқар уни бир баҳона билан четга чақирди, бир-икки пичингдан кейин шундай зарб билан Мавлоннинг юзига мушт туширди. Барзангидай қўйл таъсиридан ерга қулаган Мавлоннинг юзидан қон томчилар эди.

Иш судга оширилди. Адоват, душманлик бошланди. Билагида кучи бор, ота-онаси не-не орзу-умидларда ўстирган, тоғни урса талқон қиласидиган ўн етти ёшли йигитларнинг ота-оналари энди соатлаб суд маҳкамалари эшиги

олдиди ўтиради. Ниҳоят, сарсон-саргардонликлар тугаб, ҳукм чиқарилди: ҳар иккиси ўз жазосини олди. Бири инсон шахсига теккани учун, бири тан жароҳати етказгани учун уч йил озодликдан маҳрум әтилди.

Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» асаридағи Қуёш бобонинг қуийдаги сўзларини эслайман: «Эй одамлар, қисқагина, киприк қоққулик умрларингда тинч-тотув яшасаларинг бўлмайдими? Гоҳ нон талашасизлар, гоҳ шон!...» Тўқлилекка шўхлик қилган бу икки ёш кечирим сўрашиб, инсонийлик бурчини ўташ ўрнига, ота-онасини доғда қолдирдилар.

### **Вергулнинг қўлланилиши:**

1. Уюшиқ бўлаклар орасида вергул қўйилади.
2. Аммо, лекин, бироқ ва такрорланиб келган боғловчилар: ё, ёки, дам, баъзан,на, гоҳ, ҳам, балки сўзларидан олдин вергул қўйилади. Бунда бор на офат, на ғурбат, на ғам.
3. Ажратилган бўлакларнинг икки томонидан вергул қўйилади: Биз, ёшлар, ватанга содик фарзанд бўламиз.
4. Ажратилган бўлакларнинг *сингари, қарши, бўйича, мувофиқ, ҳолда, биноан, қарамай, ташқари, қараганда, кўра, ўрнига, устига, билан бирга* қўмакчилари билан бириккан ҳар икки томонидан вергул қўйилади.

Шуни ёдда тутингки, тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлиш яхшидир. (О.)

5. Кириш сўз ва ундалмалар, таркиби кичик бўлган кириш гаплар вергул билан ажратилади. Эҳтимол, гапинг ростдир. Нафисахон, сиз аълочи ўқувчисиз. Ёлғиз боришга, тўғрисини айтсан, қўрқаман.

6. Тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган боғловчисиз қўшма гап орасида вергул қўйилади. Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши. (*Мақол*)

7. Тобе гапли қўшма гаплар ҳоким гапдан вергул билан ажратилади. Кимки бўйса дилозор, ундан эл-юрт безор.

8. Ҳа ва йўқ сўзини бошқа бўлаклардан ажратиш учун вергул қўйилади. Ҳа, яна ўша гапми?

### **Нуқтали вергулнинг қўлланилиши**

1. Ярим қавс билан ажратилган рақам ёки ҳарфлардан кейинги гаплар охирида нуқтали вергул қўйилади. Масалан, қўшма гаплар уч хил: а) боғланган қўшма гап; б) боғловчисиз қўшма гап; в) тобе гапли қўшма гап.
2. Қўшма гап қисмларининг ичидаги вергул бўлса, мазмун жиҳатидан бир-бира гап яқин бўлмаган мустақил гаплар орасида нуқтали вергул қўйилади: Камтар бўлсанг обрў ортар; гердайсанг, энса қотар. (*Мақол*)





## ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ

Икки нуқтанинг ишлатилиши. Кўп нуқтанинг қўлланилиши.  
Қавснинг қўлланилиши

**Таянч тушунчалар:** ҳуқуқиий давлат пойдевори, қонунга амал қилиш, ҳуқуқиий тизим, юксак ҳуқуқиий жамият.



**54-машқ.** Матиннинг ўқинг, жуфтликда муҳокама қилинг ва сарлавҳа қўйинг.

«Давлатнинг гуллаб-яшнаши унда чиқарилган қонунлар ва уларга қандай амал қилишга боғлиқ», – деган эди юнон файласуфи Арасту. Қозоғистонда фақатгина истиқлолнинг ҳаётбахш заминида янги демократик қадриятлар илдиз отди. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари, унинг эрки асосий бойлиги бўлган инсон ҳуқуқи ҳамда эркинликларининг устуворлик ғояси дунёвий ҳуқуқиий демократик давлат ва фуқаролик жамиятига мос келадиган янги замонавий сиёсий хўжалик, жамоа тузилмалари қарор топишига имкон туғилди.

Юксак маданий ва маърифий фуқаролик жамиятида инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқи ва эркинликлари муқаддас саналади. Инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг таъминланганлик даражаси, унинг устуворлик ғояси мамлакатдаги сиёсий тузумнинг характеристерини, давлатнинг қанчалик демократлашганлигини кўрсатади.

Юксак ҳуқуқиий маданият-демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқиий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гурухларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқиий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқиий тизимларнинг самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқиий маданият – умумий маданиятнинг ажralmas таркибий қисми. Инсонлар онгода шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқиий билимларга эга бўлган ҳамда уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигиша маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Мамлакатимиздаги ҳар бир инсон халқ, давлат, жамият ва оила олдида-ги ўз масъулиятини онгли равишда англаб етмоғи лозим.

Буюк мутафаккир, фалсафий-хуқуқий ғояларни ҳимоя қилган файласуф Абу Наср Форобий (870–951) жаҳон аҳамиятига молик давлатнинг халифаси ҳузурида фаолият кўрсатган машҳур хуқуқшунос ҳисобланган. Унинг эътирофича: «қонунларни ҳайётга жорий этиш уларни чиқаришдан кўра мураккаб жараёндир».

Зеро, барчанинг – давлат тузилмаларидан тортиб то мансабдор шахсларгача қонунга риоя қилиши фуқароларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялайди. Бобомиз Амир Темурнинг таъкидлашича: «оддий одамларга нисбатан қилинадиган қонунсизликдек қонун ва давлат нуфузини туширадиган бирон-бир нарса йўқ...»

С. Дониёров



1. Берилган матнни синчиклаб ўқинг, таянч сўз ва фикрларни аниқланг.
2. Таянч сўзлар иштирокида матннинг тезисини тайёрланг.
3. Мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсади, муаллиф кўзқарашини ҳисобга олган ҳолда матннинг услубий хусусиятларини изоҳланг.
4. Тингланган материални ахборотнинг шубҳасиз тўғри, долзарблиги нуқтаи назаридан баҳоланг, ўз муносабатини билдиринг.

### Изоҳ беринг!



Ҳа!

Агар барча инсонлар болалиқдан бошлаб ахлоқий меъёрларга хилоф иш қиласликка одатланганларида, балки улар кўпроқ баҳтли ва қизиқарли ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлар эдилар. Ва жиноят ҳам беқиёс камроқ бўлар эди. Қамоқхоналар ва тарбиявий-меҳнат колониялари камаяр эди. Жамият ва фуқаролар бундан фақат фойда кўрар эди.



### *Икки нуқтанинг ишлатилиши:*

1. Уюшиқ бўлаклардан олдин келган умумлаштирувчи сўздан кейин икки нуқта қўйилади: Боғимизда турли гуллар: лола, атиргул, қизғалдоқлар ўстирдик.

Боғловчисиз қўшма гапда иккинчи қисм биринчи қисмдан англашилган мазмунни изоҳласа, биринчи қисмдан кейин икки нуқта қўйилади. Масалан, Шу феъллари яхши: ҳеч кимни бирорни олдида беҳурмат қилмайди.

2. Боғловчисиз қўшма гапда иккинчи қисм биринчи қисм англатган мазмунинг сабабини билдириса, биринчи қисмдан кейин икки нуқта қўйилади: У юрганча чиқиб кетди: кўчада уни кутаётган эди.

3. Боғловчисиз қўшма гапда биринчи гапнинг кесими **деди, қаради, диққат қилди, таъкидлади** каби феъллардан бўлса, улардан кейин икки нуқта қўйилади: Деди: Қайдин сен эй мажнуни гумроҳ (А.Н.).

4. Кўчирма гапдан олдин келган муаллиф гапидан кейин, икки нуқта қўйилади: Ўқитувчимиз: «Эртага дарсга ҳамма келсин», – деди.

5. **Мисол, масалан, мавзу, режа, қарор, мақсад, сабаб** каби сўзларнинг маъноси изоҳланадиган бўлса, шу сўзлардан кейин икки нуқта қўйилади. Мавзу: Боғловчи каби.

### *Кўп нуқтанинг қўлланилиши*

1. Фикр тугалланмаган бўлса, кўп нуқта қўйилади. Бу ишни давом эттирсангиз...

2. Сўзловчининг мулоҳаза қилиши, фикрлаб кўришини ифодаловчи гапларда кўп нуқта қўйилади. Тўғри ... гапингизга шубҳам йўқ.

3. Бирор фикр тушириб қолдирилган ўринларда кўп нуқта қўйилади. Кўмкўк... кўм-кўк...

### *Қўштириноқнинг қўлланилиши:*

1. Кўчирма гап қўштириноқ ичига олинади. «Бу китобни ўқинглар», – деди ўқитувчи.

2. Асарлар, газета-журнал, нашриёт, турли муассасалар, корхоналар, фирма, фабрика, жамоа хўжаликлари ишлаб чиқариш маҳсулотларининг номлари қўштириноқ ичига олинади. «Ўткан кунлар» романи. «Маърифат» газетаси, «Фан» нашриёти, «Мерседес» автомашинаси, «Халқобод» жамоа хўжалиги.

### *Қавснинг қўлланилиши:*

1. Киритма гаплар қавс ичига олинади. Фотима (у инглиз тилини ҳам яхши билади) синфимиздаги аълочи ўқувчи.

2. Мисоллар ва кўчирманинг манбаи қавс ичига олинади. Ўзбекистон дея аталур (Ҳ.О).

3. Ремаркалар қавс ичига олинади. Ўқитувчи (ўйланиб) кўпроқ китоб ўқиш кераклигини ўқтиради.

Тиниш белгилардан сўроқ, ундов белгилар(?!), ундов ва сўроқ белгилари (!?), сўроқ ва кўп нуқта (? ...), ундов ва кўп нуқта (!...) нуқта ва кўп нуқта (. ...), вергул ва тире (, –) кабилар қўшалоқ ҳолда қўлланилади.



## 55-машқ. Матн билан танишинг. Мазмунини давом эттиринг.

### Дарс олган подшоҳ

Бир бор экан, бир йўқ экан. Узок ўлкаларнинг бирида жуда ҳам золим подшоҳ бўлган экан. Халқقا зулм қилишдан завқланар экан. Юртда қийналмаган одам қолмабди. Ҳамма унинг зулмидан ўзига тегишислисини олар экан.

Халқ бу золим подшоҳнинг азиятларидан чарчабди. Мазлумлар бу золимнинг ўлиши учун кеча-кундуз дуога қўл очиб, Аллоҳга ёлворишар экан.

Аммо негадир дуолари ҳеч қабул бўлмас экан. Аксинча, подшоҳнинг зулми кун сари ортиб бораверарди! Ҳар куни битта зулм қўшар экан. Подшоҳ қилаётган зулмлари билан ҳамма жойда овоза бўлиб кетибди. Унинг ёмон шуҳрати тоғу тошларгача етиб борибди.

Кунлардан бир куни бу золим подшоҳ овга чиқибди. Ўша кундан сўнг жуда ҳам қизиқ воқеа содир бўлибди. Овдан қайтгач, подшоҳ бир лаҳзада бутунлай ўзгариб қолибди. Саройдагилар бу ишга ҳайрон бўлиб қолишибди. Подшоҳнинг нега ўзгариб қолганлигини умуман тушуна олишмабди.

Подшоҳ мамлакатнинг тўрт тарафига жарчилар юборибди. Жарчилар кўчаларни кезиб, халқقا:

– Эй одамлар! Шу кунгача золим ҳукмдор эдим! Бундан сўнг одил подшоҳ бўламан! Зулм билан вайрон қилган жойларимни обод қиласман, – дебди.

Одамлар қулоқларига ишонишмабди. Ҳаммаси ҳайрон бўлиб бир-бирига...



1. Мавзу, асосий фикр, муаммо, мақсади, мақсадли аудитория, муаллиф кўзқарашини ҳисобга олган ҳолда матннинг услубий хусусиятларини(тузилиши, нутқий ва жанрга оид) 54-машқ мазмуни билан қиёсланг.
2. Матн мазмунини давом эттириб ёзинг. Сиз қандай тугатган бўлар эдингиз?
3. Содда, содда ёйик ва қўшма гапларда тиниш белгиларидан тўғри фойдаланинг.

## МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Богловчисиз қўшма гап қисмларини ёзувда ажратиш учун қай ҳолатда тирекүйилади?**
  - А) қўшма гап қисмлари бир пайтда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни ифодаласа
  - Б) қўшма гап қисмлари кетма-кет содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни ифодаласа
  - С) қўшма гап қисмлари орасида изоҳлаш муносабати ифодаланса
  - Д) қўшма гап қисмлари орасида ўхшатиш, зидлаш, шарт каби муносабатлар ифодаланса
- 2. Риторик сўроқ гап берилган қаторни топинг.**
  - А) Мажлисга тезроқ бормайсизми?
  - Б) Карим ҳам келдими?
  - С) Кимда бор бунчалик латофат, ҳусн?
  - Д) Наҳотки еримиз чаппа айлансан?
- 3. Қайси ҳолларда – *y(ю), -да* юкламалари ўрнида *ва* боғловчинини қўллаш мумкин?**
  - А) боғланган қўшма гап қисмлари зидлаш, кетма-кетлик, пайт, сабаб-натижа муносабатлари ифодалангандага уларни боғлаш учун.
  - Б) эргашган қўшма гапларни ўзаро боғлаш учун.
  - С) эргаш гапнинг кесими шарт майли шаклидаги феъллар билан ифодалангандага
  - Д) бош гап таркибидаги кўрсатиш олмоши маъносини изоҳлаш учун.
- 4. Жавобларнинг қайси бири атов гап?**
  - А) Йўқ! Бормайман!
  - Б) Баҳор. Ўз оти билан гўзал фасл.
  - С) Қаёқقا отланяпсан? Ишгами?
  - Д) Яшасин ҳур ўлкам!
- 5. Берилган кўчирма гапларнинг қайси бирида воситасиз тўлдирувчи мавжуд?**
  - А) «Инсон инсонни бошига кўтармаса, бу дунё барбод бўлади!» – дердилар онам.
  - Б) «Чой дамлаб келай, ичамиз она-бола», – деди у.
  - С) «Мусиқа овози янграяпти, ёшлар ўйинга тушаётир», – деб ҳикоя қиласида ёзувчи.
  - Д) «Хўш, нега тушунмас экансан?» – ҳайрон бўлди муаллим.
- 6. Қайси кўйилган тиниш белгилари нотўғри?**
  - А) Юрған дарё – ўтирган бўйра.
  - Б) Истиқлол даври болалари гайратли, шижоатли; кўзида чақини, кўксисида ёлқини бор.
  - С) Ойим энди ўрнидан тураётган эди:эшик шахд билан очилди.
  - Д) Бизнинг қароримиз шу: ҳашарда барчамиз фаол иштирок этамиз.

- 7. Богловчисиз қўшма гап қисмлари бир пайтда ёки кетма-кет содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни ифодаланса, қандай тиниши белги қўйилади?**
- А) икки нуқта  
Б) вергул  
С) тире  
Д) нуқтали вергул
- 8. Қайси қаторда атов гап берилган?**
- А) Биз ота-онамизни қадрлаймиз.  
Б) Устозлар сабоги – ҳаёт чироғи.  
С) Уй жимжит. Демак, тинчлик.  
Д) Узоқдан дук-дук овоз келарди.
- 9. Қайси қаторда от-кесимли гапда тире қўйилади?**
- А) Сахийлик ва олижаноблик инсон учун улуг фазилатдир.  
Б) Дараҳтлар мўл ва йирик, лекин деярли ҳаммаси кўм-кўк.  
С) Маърифат тинчлик ва фаровон ҳаёт қалити ҳисобланади.  
Д) Бу сиз учун катта синов.
- 10. Қайси қўшимча юклама чизиқча билан ажратиб ёзилади?**
- А) -чи, оқ, (ок), -ми  
Б) -ди(-ю), -а(-я), -да  
С) -и, -чи, -оқ  
Д) -гина, фақат, -да
- 11. Ундов сўзлар берилган қаторни аниқланг.**
- А) тақ-туқ, ура, бай-бай  
Б) оҳ, оббо, ҳоқ  
С) эй, ялт-юлт,вой  
Д) шивир-шивир, офарин
- 12. Халқимизнинг тинчлиги, тотувлигига кўз тегмасин. – Мазкур гапда қайси сўзни қўллаш мумкин?**
- А) ва  
Б) ҳамда  
С) билан  
Д) учун
- 13. Муаллиф гапи кўчирма гап ичида келганда қандай тиниши белгиларидан фойдаланилади?**
- А) ундов  
Б) вергул ва тире

14.

- С) икки нүқта
- Д) нүқтали вергул

Диалогни ташкил этган гап қандай ишора билан бошланади?

- А) икки нүқта
- Б) тире
- С) ҳеч қандай тиниш белгисисиз
- Д) қўштириноқ

## БОШ ҚОНУНИМ – ОЗОД ЭЛНИНГ ОР-НОМУСИ

Элига бағишилаган тилаклари чин  
Эй фарзанд, Ватаним эртасисан сен!  
Озод юрт пойдевори бўлиб турган  
Бош қонун қадрини билармисан сен?!

Ҳеч ким таҳқирлай олмас элимизни,  
Камаримиз тортиб олмас белимиздан.  
Бош Қонуним ичра йўғрилган эрур  
Юртимизнинг кенглигиу тенглиги ҳам.

Барча олам бўйсунар ўз қонунига,  
Нур сочади Қуёш доим Ер шарига.  
Жамиятнинг ҳар соҳасин бошқарувчи  
Барча хукм асоси Бош Қонунида.

Келажакка бошловчи баҳт кемасини,  
Шу йўл – асли, халқ ишончин нишонаси.  
«Халқимга одил бўламан», деб бош қонунга  
Онт беради кафтин қўйиб юрт отаси.

Бўлса ҳамки, қанчалик тадбирли иш,  
Эли-чун бунча одил ким ҳам бўлмиш?!

Юртимиз ривожи ҳам ислоҳоти  
Барчасин Ота Қонун асосламиш.

Нур сочган ёш авлод шуурига,  
Мазмун ила жило бериб ҳам умрига.  
Бош Қонун йиллар оша қад ростлади  
Ҳур истиқбол байроби бўб элимизда.

Ҳеч бир боби, ҳеч моддаси йўқолмайди,  
Унга, албат, ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди.  
Ҳамкорлик битимин ростлаган барча чет эл,  
Бош Қонунимиз сарҳадидан ўтолмайди.

Ҳаётда адолат ҳамда баҳт топгувчи,  
Ҳуқуқларим ҳимояси дея шодланувчи,  
Сен каби ниҳоллар ўсиб келар мана,  
«Бу – Ота Қонунимиз!» дея мақтанувчи!

Ривож топиб ўз қўлига олган иши  
Самога парвоз этсин Семурғ қуши!  
Бош Қонунни фахр тутиб қадрламоқ  
Озод элнинг ифтихори, Ор-номуси!

А.Мутиева  
*Р.Дўстанова таржимаси*

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Қуш уясида кўрганини қиласи, дейди доно халқимиз. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди. Офтоб музни эритгани каби чиройли хулқ барча ёмонликларни йўқ қилиб юборади. Халқимизда қозонга яқин юрсанг, қораси юқади, деган накл бор. Агар бола ёшлигидан беодоб кишилар ўртасида катта бўлса, унинг вужудига шу ахлоқ ўрнашиб олади. Кейин бу иллатдан холи бўлиш анча мушкул бўлади. Беодоблик шундай тўфонки, у ақлидрок бўйнига киshan солади. Оқибатда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойил болалар сони кўпаяди.

Юртимиз келажаги билимли, одобли, эътиқодли ёшлар қўлида. Юртбoshимиз Н.А. Назарбаев «Бу дунёда бизнинг ўз Ватанимиз бор, у – Мустақил Қозогистон. Мамлакатимиз кучига куч, кўркига кўрк қўшиш ёшларнинг фарзидир. Юрт тинчлиги, фаровонлиги, халқимиз тотувлигини саклаш ул-кан тарихий жавобгарликдир», – деган эди.

Халқимизнинг таълим-тарбия борасида бой тарихий тажрибаларини, маданий анъаналарини, умуминсоний қадриятларини қўллаш орқали ёшлар содир этиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мумкин.

«Болани бошидан, ниҳолни ёшидан асра», – деган донолар.

## ИНСОН ҲАЁТИДА ЁШЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ ҚАНДАЙ?

Менинг фикримча, ёшлик – бу инсоннинг куч-қувватга тўлган палласи. У битмас-туганмас куч-қувват, гайрат-шижоат, журъат ва қатъий ирода

манбаи. Ёшлик йилларида инсоннинг тенгсиз бунёдкорлик ва ижодкорлик фаолияти намоён бўлади, жамият учун янгидан-янги кашфиётлари юзага келади. Бу мавзуда қалам тебратиш, менимча, жуда долзарб масала, чунки ёшлар жамиятнинг ҳаракатлантирувчи асосий кучи ва эртанги кун ворисларидир. Хўш, бугунги ёшлар ўз ҳаётини нима билан безамоқдалар? Умр, тириклик мазмунини улар қандай тушунадилар? Ёшликнинг қадр-қимматини улар қандай баҳолайдилар?

Донолар «Ёшликни умр гулшанининг гултожи», дейдилар.

Шу ўринда мен эътиборни аждодларимизнинг ҳаёт йўлларига қаратгим келади. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ёшлигидан илм ўрганишга, китобга меҳр қўйган. Тинимсиз мутолаалар сабаб, у йигирма саккиз ёшида мукаммал билимлар эгаси, мутафаккир, эл-юртга танилган шоир ва тажрибали, инсонпарвар давлат арбоби даражасига эриша олган.

Дунё халқларини ўз илми билан ҳайратга соглан Абу Али Ибн Сино ўн олти ёшидаёқ Қуръони Каримни ёддан билган ва тиббиёт илмига ихлос қўйиб, табиб мақомини олган. Бу каби инсонлар навқиронлик даврининг қадрига етиб, фурсатни ғанимат билиб, уни билим ва ҳунар ўрганиш учун сарфлаганлар. Шунинг натижасида оламшумул даражадаги фозиллар қаторидан ўрин олганлар.

Бугун ўз ёшлигининг қадр-қимматини баҳолай олмайдиган кишилар ҳам жамиятимизда талайгина. Ўз вақтини беҳуда нарсаларга сарф этаётган ёшлар сирасига ҳали балоғат ёшига етмай туриб, турмушнинг қинғир кўчаларида адашиб юрганлар камми? «Тўқлика шўхлик» қилиб ўғирлик, талончилик, бузуқлик натижасида қора курсида ўтирган, оқибат умрининг бебаҳо дамларини панжара ортида ўтказишига маҳкум бўлганлар-чи? Статистик маълумотларга қараганда, 18431 бола ички ишлар маҳкамалари ҳисобига олинган. Улардан 619 нафари 14–15 ёшлар оралиғидаги болалар бўлса, 2035 нафари эса 16–17 ёшлар чамасидаги ўсмирлар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда шуни айтишим мумкинки, ёшлик ҳар бир инсонга ўзлигини англаш, комилликка интилиш, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун бериладиган катта имкониятдир. Шундай экан, биз, ёшлар ватанимиз келажаги бизнинг қўлимиизда эканлигини ҳис қилишимиз лозим. Бугунги жамиятдаги мавке ва масъулиятилизни ошириш учун ҳар бир дақиқани ғанимат билишимиз, қайтарилмас ёшликнинг қадр-қимматини тўғри баҳолашимиз керак.

## **БИЗНИНГ КОНСТИТУЦИЯ!**

Энг сара қонунлардан  
Қомусим офтобрё.  
Ёзилган тилла ҳарфдан,  
Бизнинг Конституция!

Беринг бир аҳамият,  
Жамдир давлат, жамият.  
Ҳар модда юксак ният,  
Бизнинг Конституция!

Байроқ нима, герб нима,  
Ватан нима, юрт нима,  
Сўра ундан, тортинма,  
Бизнинг Конституция!

Ҳар юракка бўлсин жо,  
Шундай озод Ватанда,  
Тинчлик сўнмасин асло,  
Бизнинг Конституция!

Спортми ё санъатми,  
Фан ё маданиятми,  
Жамлар маънавиятни  
Бизнинг Конституция!

*(sherlar.com. сайтидан)*

## **МУШУК ВА КАЛАМУШ («КАЛИЛА ВА ДИМНА»ДАН)**

Рожа деди: – Ўйламасдан иш қилган ва оқибатда пушаймон бўлиб, афсус-надомат дарёсига ғарқ бўлган одам тўғрисидаги ҳикоятни эшитдим. Энди шундай бир воқеани айтиб берки, унда ҳар томондан ўраб олган душманлар хужумига дучор бўлиб, ўлим, жар ёқасида қолган ва ўзини қутқариш учун душманларнинг бири билан дўстлашган, у билан аҳд-паймон тузиб, ўз жонини қутқариб қолган киши тасвир этилган бўлсин. Яна душмани билан қандай ярашганлиги, бунга қандай йўллар билан эришилганини баён қилиб бер.





Браҳман деди: – Кўпинча дўстлик ва душманлик узоқча чўзилмайди. Улар бўлаётган ҳодисаларнинг жараёнига ва замон гилдирагининг айланишига қараб ўзгарадилар.

Улар хотинларнинг вафоси, тентакларнинг мулоимлиги, болаларнинг гўзаллигига ўхшайди. Узоқ вақт давом этган соғ дўстликка ҳам баъзан кўз тегиши, тезда нафрат ва адватга айланиши мумкин. Шунингдек, қадимдан мавжуд бўлган душманлик ҳам бир баҳтили тасодиф туфайли дўст-

ликка алмашиниши мумкин. Шунинг учун ақлли одам ҳар икки ҳолда сабрли бўлади ва душманнинг бир вақт келиб дўст бўлиши мумкинлигига умид боғлаб, у билан хушмуомала қилишни тарқ этмайди, ҳам дўстлари билан яхши муносабатда бўлиб, айни замонда, бу дўстликнинг абадий бўлмаслигини эсдан чиқармайди. Узоқни кўрадиган киши душман билан сулҳ тузиб, у билан дўстлашмоқни ғанимат билади, чунки шундай қилингандан хатар бартараф бўлиб, фойда қўлга киради. Кимки айтилиб ўтилганларга амал қилса, мушук билан каламуш каби ўз мақсадларига эришади.

Рожа сўради: – Улар қандай қилиб мақсадларига эришибдилар?

**Ҳикоят:** Браҳман деди: – Фалон мамлакатдаги ўрмонлардан бирида бир катта дарахт бўлиб, остида бир қаламушнинг ини бор эди. Унинг яқинида бир мушук яшарди. Бу ерларга овчилар тез-тез келиб туришарди. Қунлардан бир кун бир овчи дарахт яқинига дом қўйиб, учига бир парча гўшт илиб кетди. Мушук келиб, домга илинди. Шу орада қаламуш ҳам овқат излаб келиб қолди ва мушукни тузоқда кўриб жуда қувониб кетди. Ногоҳ қўзи уни тутишга пайт пойлаб турган латчага тушди, дарахтга қараса, бир бойқуш ҳам ҳужумга ростланиб турганини кўрди. У қўрқиб кетиб, ўзига-ўзи деди: Агар орқага қайтсан, латча мени парчалаб ташлайди, турган жойимда қолсан, бойқуш устимга ўзини отади, олдинга юрсан, мушукка йўлиқаман. Бало денгизи түғёнга келиб, фалокат тўфони ҳужумга тайёр турибди; шунга қарамай, мен ноумид бўлмаслигим, ўз ҳаётимни қутқаришим керак. Бу ҳолда менга ақлдан яхшироқ мададкор йўқдир. Ақлли кимса ҳеч вақт саросимага тушмаслиги, қалбини даҳшат ва ташвиш чулғаб

олмаслиги керак. Энди мен учун ягона нажот йўли бало занжирида тал-пиниб ётган ва менинг ёрдамимга муҳтож бўлган мушук билан келишиб дўстлашмоқдир. Балки у ўз вазиятини назарда тутиб, менинг сўзларимга қулоқ осар ва душманликдан воз кечиб, халос бўлиш учун маслаҳатларимни қабул этар. Шундай қилиб, ҳар иккимиз балодан омон қоламиз».

Каламуш мушукка яқинлашиб ҳол сўради: – Қани, хўш, ҳол-аҳволинг қалай?

Мушук ҳазин овоз билан жавоб берди: – Бундай бало домига тушиб, азият чекканларнинг аҳволи қандай бўлар эди?

Каламуш деди: – Шу вақтга қадар ҳеч ким менинг ёлғон гапирганимни эшитмаган. Сен ғамнок бўлсанг, ҳамиша мен шод бўлар, муваффақиятсизлигингдан қувонар эдим. Ҳозир эса икковимизнинг ҳам бошимиз хатарда қолди. Бу балодан қутилиш учун сендан нажот кутаман, шунинг учун дўстлашмоқчиман. Агар дикқат қилиб атрофга қарасанг, латчанинг мени таъқиб этаётганини ва бойқушнинг фурсат пойлаб ўтирганини кўришинг мумкин. Ҳар иккиси ҳам мени ҳалок қилиш фикридадирлар. Улар икковимизнинг ҳам душманимиздир. Агар сен мени ўз паноҳингга олсанг, улар мендан умид узадилар.

Агар менга тегмасанг, ёнингга бориб мақсадимга эришаман – бандларингни кесиб, сени ҳам озод қиласман. Яна қайтариб айтаман, бу сўзларимга ишон. Хайриҳоҳ эканимга шубҳа қилма. Ҳеч кимга ишонмайдиган ва ҳикмат әгаларининг сўзларига қулоқ солмайдиган киши баҳтли ҳаёт кечиролмайди.

Иккиланмай менинг бу лутф-марҳаматимни қабул эт, ақлли одамлар катта ва масъулиятли ишларда тараддудга тушиб, фурсатни қўлдан бермайдилар. Кема кемачининг саъй-ҳаракати билан соҳилга етиб боргани каби, халос топишимиш икковимизнинг ҳаракатимизга боғлиқдир.

Мушук каламушнинг гапини эшитиб хурсанд бўлиб кетди ва деди: – Сенинг гапинг ақлга мувофиқдир. Бу маслаҳатингни бажонидил қабул этаман ва ўлгунимча сендан миннатдор бўламан. Дебурларки, душман сен билан сулҳ тузишни истаса, унинг узатган қўлини қайтарма.

Каламуш деди: – Олдингга борганимда сен мени меҳрибон дўст каби кутиб ол, душманлар иноқлашганимизни кўриб, жўнаб қолсинлар, шунда мен тузоқ ипларини қирқишига киришаман.

Мушук унинг гапига кўнди. Каламуш тузоқ ипларини қирқа бошлади. Мушук назарида каламуш имиллаб ишлаётгангага ўхшаб кўринди.

Мушукнинг тоқати тоқ бўлиб деди: – Мен сенинг аҳдингга ишонган эдим. Энди мақсадингга эришганингдан кейин берган сўзингдан қайтмоқчимисан? Лекин билиб қўйки, ваъдага вафо, аҳдинг бузилмаслиги оғир

кунларда синалади... Мени кечир деб ёлворишларга қарамай, зулмдан қўл торта олмаган, афв этиш қўлидан келмаган одам яхши ном қозониш неъматидан маҳрум ва мард одамлар орасида юзи қора бўлади. Аммо хиёнат қилганлар ва ёлғондан қасам ичганлар тўхтовсиз жазога мустаҳиқдирлар.

Каламуш деди: – Билиб қўй, дўстлар икки хил бўладилар: биринчилари – ўз ихтиёрлари билан самимий дўст бўлганлар; иккинчилари – мажбурият ва зарурият юзасидан аҳду паймон боғлаганлар. Буларнинг мақсади фойда кўрмоқ ва заардан қочмоқдир. Лекин самимият ва садоқатга асосланган дўстлик ҳамиша, ҳар ерда ва ҳар шароитда ишончли бўлади; зарурият ва мажбурият натижасида пайдо бўлган дўстлик эса ундаи бўлмайди. У дарё каби гоҳ тошиб атрофни босади, гоҳ қуриб суви озайиб қолади. Мен берган сўзимнинг устидан чиқаман, лекин ўз жонимни сақлашни ундан афзалроқ, деб биламан. Чунки мен гарчи душманларнинг ҳужумидан сенинг ёрдаминг туфайли қутилиб қолган ва шунинг учун сен билан келишишга мажбур бўлган бўлсан-да, лекин сен душманлардан ҳам хавфлисан. Мен таҳликани даф этиб, хатарли ишларнинг олдини олиш учун сен билан муроса қиляпман, бу – вақт ва замон тақозоси билан қилинган бир тадбирдир. Ҳар ишнинг ўз ери, ҳар соатнинг ўз ҳукми бордир. Вақтни ўтказиб, мавқеини қўлдан берган одамни узоқни кўрадиган одам деб бўладими?! Мен албатта бандларингни кесаман, лекин бир асосий бандни жонимнинг гарови сифатида сақлаб тураман. Уни менга ҳужум қилишдан муҳимроқ иш билан бўлиб, ўз жонинг ғамини еб қолганингдагина кесаман. Ана шунда сен банддан озод бўласан, мен ҳам сендан қутиламан.

Каламуш айтганини қилди – ҳамма бандларни қирқиб, биттасини қолдирди. Тонг отиб, уфқдан қуёш боп кўтара бошлади. Бироздан кейин узоқдан овчининг келаётгани кўринди.

Каламуш деди: – Энди охирги бандни кесмоқ, ваъда устидан чиқмоқ вақти келди.

Мушукнинг кўзи овчига тушиши биланоқ ўлим ваҳмига тушди, каламуш унинг ёдидан кўтарилиб кетди. Шу вақтда каламуш охирги бандни кесди. Мушук сапчиб, бир дарахтнинг устига чиқиб олди, каламуш эса бир тешикка кириб ғойиб бўлди. Овчи титилган-кесилган тўрини кўтариб орқасига қайтди.

Эртаси куни каламуш инидан мўралаб турган эди, мушукни кўриб қолди. Лекин унинг ёнига боришга журъат қила олмади.

Мушук баланд овоз билан қичқириб деди: – Эй дўстим, нега мендан хавфсирайсан? Қўлга киритилган энг яхши ноёб нарсани – дўстлигимизни сақлаб қолиш керак. Яқинроқ кел, мен яхшилигингни қайтарай, мурувват қилиб, мардлигим ва сахийлигимни кўрсатай.

Каламуш унинг таклифини қабул этмай жойида тураверди.

Мушук деди: – Дийдорингни мендан яширма ва дўстлигимизни барбод этма... Мен сен туфайли тирик қолдим, бундан бўён ҳаётимни сенга бағишилайман, умримнинг охиригача яхшилигингни унутмайман ва имкон туғилиши билан сенинг яхшилигингни қайтаришга ҳаракат қиласман.

Мушук кўп ёлворди, кўп ялинди, лекин сўзлари каламушга кор қилмади.

Каламуш жавоб берди: – Зоти душман бўлиб дўстликдан лоф урганларга, дилида ғаним, тилида дўст бўлганларга ишониб бўлмайди. Иккимизнинг ўртамиизда ҳамжинслик йўқ. Кимки ўз жинсидан бўлмаганга қўшилса, қурбақадек балога йўлиқади.

Мушук сўради: – Қурбақага нима бўлган экан?

**Ҳикоят:** Каламуш деди: – Бир сичқон ўрмон четида яшар эди. Шу атрофдаги булоқда бир қурбақа умр ўтказар эди. У гоҳ-гоҳ булоқ четига чиқиб ҳаво олиб ўтирас ва ўзини булбул фаҳмлаб, ёқимсиз овоз билан сайрас ва хушловозли қушларнинг энсасини қотирав эди...

Бир куни сичқон ўз инида бир иш билан машғул эди. Қурбақанинг носоз овозини эшитиб ҳайрон бўлди, хонанданинг юзини кўрмоқчи бўлиб ташқарига чиқди ва унинг хунук башараси-ю, бемаъни ашуласидан таажжубланиб қўлларини бир-бирига уриб, бошини қимирлата бошлади. Қурбақа бу ҳолни кўриб, у менга таҳсин қилаётir, деб хурсанд бўлди ва сичқон билан ошно бўлиш орзусига тушди. Хуллас, сичқон билан қалин оғайнини бўлиб олди. Улар бир-бирларига ажойиб ҳикоятлар айтиб бериб, вақтларини чоғ этар әдилар.

Бир куни сичқон қурбақага деди: – Неча вақтдан бери сен билан сухбатлашгим келиб, булоқ ёнига келсан, сен сув остида бўласан, қанчалик баланд овоз билан чақирсан ҳам эшитмайсан.

Қурбақа деди: – Тўғри айтасан, мен ҳам кўпдан бери шуни ўйлайман. Баъзан мен қирғоқча чиқиб сени тополмайман, сен бошқа тешиқдан чиқиб кетган бўласан. Мен анчагача мунтазир бўлиб ўтираман. Энди бу ишнинг тадбирини ҳам ўзинг кўриб, муаммони ўзинг ҳал этасан.

Сичқон деди: – Энг яхши тадбирни маъқул топиб, кўп вақтгача шу усул билан бир-бирларидан хабардор бўлиб, кўришиб юрдилар. Бир куни сичқон сув ёқасига келди, қурбақани чақириб сухбат қилай деб турган эди, ногоҳ

бир қарға бало-қазодек ҳаводан тушиб, сичқонни күтариб учди. Оёғидан ипга боғланган қурбақа ҳам у билан ҳавога күтарилди. Сичқон қарға тумшугида, қурбақа эса пастроқда осилган ҳолда учиб борар әдилар. Бу ҳолни күрган одамлар ҳайрон бўлиб дер әдилар: – Ажаб ҳолат, қарға ўз одатига хилоф равишда қурбақани олиб кетяпти, ахир, ҳеч вақт қурбақа қарғага ов эмас әди-ку. Сичқон билан дўстлигининг қасофатидан қурбақа бу балога мубтало бўлибди. Кимки ножинсга қўшилса, жазоси мана шундай бўлади.

Мушук деди: – Суҳбат қилишга рағбатинг йўқ экан, нима учун аввал мендан дўстлик талаб қилдинг?

Каламуш деди: – У маҳалда шунга муҳтоҷ әдим. Ақлли одам оғир аҳволга тушса-ю, душманнинг ёрдами билан фалокатдан қутилмоғи мумкин бўлса, душман билан яқинлашиб, унинг кўмагидан фойдаланади. Шунингдек, дўстдан зиён кўрса, ундан узоқлашади. Ҳайвон болалари ҳам сут эмадиган вақтларида оналари билан бирга юрадилар. Сутдан айрилгач эса, ҳеч нарса бўлмагандек, улардан узоқлашиб кетадилар. Ақлли одам буни душманлик демайди. Ақл эгалари ҳамиша ўз ишларини замонанинг тақозоси ва ҳаёт талабини ҳисобга олиб қиласидилар; замон ва мақонни назарга олиб тадбир кўрадилар, дўст-ошно билан, рақиб-душман билан қандай муомала қилишни, вақтида меҳрибонлик кўрсатиб, вақтида қаттиқўл бўлишни биладилар. Ўзинг биласанки, сен билан бизнинг асл зотимиз ва табиатимиз бир-бирига тамомила қарама-қаршидир, бир-бirimizga душманмиз. Зарурият юзасидан пайдо бўлган дўстлигимизга ишониб бўлмайди, зарурият ўртадан кўтарилган замон дўстлик адоватга айланиши муқаррар. Ахир, каламуш жинси учун мушукдан кўра даҳшатли душман йўқдир. Ҳар иккимиз ўлимдан халос бўлмоқ учун мажбуран сулҳга келган эдик. Энди эса зарурат йўқолди, демак, яна қадимиҳ хусумат пайдо бўлди. Мен сени ўзимга дўст деб ҳисобламайман, энди сенинг яқинлашишингдан кўзлаган мақсадинг менинг лаззатли гўштимни ейишидир. Лекин мен қурбон бўлишни хоҳламайман. Қучсиз кучлидан, заиф қувватидан узоқ бўлиши керак. Кел, гапни қисқа қилайлик, иккимиз икки ёққа қараб кетайлик.

Мушук хафа бўлиб, кўзига ёш олди...

Шундай қилиб, мушук каламуш билан абадий видолашди.

Зарурият натижасида душман билан дўстлашиб, фурсатни қўлдан бермаган ва ўз мақсадига етгандан сўнг эҳтиётли бўлиб, ўз жонини саломат сақлаб қолган ақлли каламуш ҳақидаги ҳикоят шундан иборатdir.

*Форс тилидан*

*Суйима Fanieva таржимаси*

## ЁЛГОННИНГ ТУФИЛИШИ

Саккизинчи синф әдим. Ўша йиллар мактабимиз тўлиқ таъмирдан чиқиб, замонавий кўринишга келди. Биз уч ой давомида кўча чангитиб юрганимизда мактабда усталарап меҳнат қилишди.

Ёзнинг сўнгги ойи маҳаллада ёмон хабар тарқалди: «мактаб қурилишида ишлаётган ишчилардан бири нарвондан (ҳавоза) йиқилиб тушиб ўлибди, уни ёнида турган шериги итариб юборибди». То ўқув йили бошланиб, мактаб ўқувчилар билан тўлгунча бу воқеанинг янгидан-янги тафсилотлари очила бошлади. Ўликнинг таниб бўлмас алфозга келган юзи, ҳатто узилиб тушган боши ҳақида ҳам гапиришди.

Баъзилар «Қурилишда унча-мунча «строй материал» йўқолиб турар экан. Йиқилган ва уни йиқитган ишчи ана шу ишларнинг бошида тураркан. Охири улар ўртасида жанжал чиқиби-ю, бири иккинчисидан шундай қутилибди» деса, бошқалар «Аслида улар анчадан бери қидирувда бўлган хавфли жиноятчилар экан», дейишли. Бунга ҳодисанинг эртасига ўша атрофда милиция «наряди», исковуч итлари билан келганини «ҳужжат» қилишди.

Ўша ўқув йилининг аввалида ўқувчилар томонидан энг кўп муҳокама килинган мавзу шу бўлди. Маҳалланинг катталари орасида тарқалиб, ўзига хос фильм воқеаларига ўхшаб улгурган ҳодиса энди ёш болаларнинг тилларида ҳам янги қирралар ва янги кўринишлар билан бойиб борди. Бир ҳафта ўтмай мудҳиши воқеа тарих синф хонасига дераза ромларни ўрнатилаётганда содир бўлган деган аниқлаштиришлар пайдо бўлди. Энди аксар ўқувчилар бу хонага кирганда қўрқиб ўтирадиган бўлди.

Бу ҳол албатта ўқитувчиларга ҳам аён эди. Тарих дарсларидан бирида устозимиз синф журналини очиб бирин кетин исм-фамилия санай кетди. Бу санаш одатдаги давомаддан фарқ қиласр эди. Пала-партиш, журналнинг у ер, бу еридан исмлар айтилди.

– Ҳозир, кимнинг номини айтган бўлсан ўрнидан турсин, – деди устозимиз журнални ёпар экан.



Айтилганлар туришди. 10–12 бола. Аҳамият берсам, турганларнинг синфдаги жойлашуви бир парта оралаб бўлиб, улардан устозга энг яқин тургани Нозима эди.

– Ҳозир сизлар билан бир тажриба ўтказамиз – деди устозимиз ва оқ қоғозга нималарнидир ёзди, – Нозима, яқинроқ кел. – Устоз у келгач сто ли устидаги ҳозиргина нималарнидир ёзган қоғозни олиб унга тутқазди. – Буни ичингда ўқи ва жойига қайтариб қўй. – Табиатан жуда содда бўлган Нозима, аниқ нима бўлаётганини билмаса-да, унга қандайдир қизиқ ўйиндай туюлдими, ҳар ҳолда юзида қулги сезилиб турарди.

– Ўқиб бўлган бўлсанг, энди бориб ўзингдан кейин турган Шерзоднинг қулогига, фақат ўзи эшитадиган даражада паст овозда нима ҳақида ўқиганинг гапириб бер, – Бу сўзлардан сўнг бутун синфда паст қулги эштилди. Ҳамма нима бўлишига қизиқиб қолганди. Мана Шерзод ҳам ўша қоғозда нима ёзилганини Нозимадан билиб олди.

– Энди, сен – Шерзод, эшитганингни орtingдаги синфдошингга етказ, шу тартибда кетма-кетликда барча турган ўқувчилар бир-бирларига эшитганингни етказишин, охирги ўқувчи эса нима эшитгани овозини чиқариб бутун синфга айтади, – очиги ичим қизиб, турганлар сафида бўлгим келди. Қизиқ, нима гап экан-а бу?

Уч-тўрт дақиқага қолмай ўзига хос эстафета тугади. Ҳозирча кўпчиликдан махфий қолаётган сўзларни ҳаммага Рустам деган синфдошим эълон қиладиган бўлди. Рустам синф тугул мактабда номи чиққан безори эди. У бироз тиржайиб турди-да:

– Шаҳноз билан Олим бугун мактабга келишмади. Кечча ҳам келишмаганди. Кечча улани Панарамада ушаволишибди – дарс вақтида. Эртага эса иккаласини иши «линейка»да кўриларкан. – деди, У бу сўзларни айтар экан юзидаги ифода ўзгармаганди.

Синф бор овозда кулгига тўлди. Кимdir «ўўў, даҳшат-ку», деса, кимdir «йўғ-е унақамасдир» деб қўйди. Устоз эса атайин жим турар бизнинг овозимиз пасайиши кутарди.

– Тинчланинг! – деди-ю, тўсатдан нигоҳини менга қаратиб, – Орифжон, доскага, – деди.

Мен доскага чиқдим. Наргиза опа қўлимга ўша энг аввалида Нозима ўқиган қоғозни тутқазди.

– Овозингни баланд қилиб ўқи. Икки маротаба ўқи.

Мен ўқидим:

– Бугун дарсда йўқлар – Абдуллаева Шаҳноза ва Хўжаев Олимжон, – кўзимни устозимга қаратдим, у менга яна ўқи-ўқи дем имларди. – Бугун дарсда йўқлар – Абдуллаева Шаҳноза ва Хўжаев Олимжон.

Ха, қоғозда бошқа гап йўқ эди.

– Энди жойингга ўтири, – деди бирор муҳим гапни гапирмоқчи бўлганда доим туриб оладиган жойи – ўзига яқин ойна олди бориб давом этди. – Қурилишда, бахтсиз воқеа бўлгани рост. Аммо, ўша йиқилган уста тўртингчи эмас, иккинчи қаватдан йиқилди ва унга ҳеч қандай жисмоний зарар етмади. Ҳозир у соппа-соғ, сизлар учун қурилаётган футбол майдонида ишлапшда давом этмоқда. – у бу гапларни дераза ойналари орқали кўчага тикилганича гапирди. Сўнг синфга юзланиб, – Сизлар ҳали ёшсизлар, кўп нарсани жиддий қабул қиласлигингиз табиий. Балки, шундан бугун икки оғиз давомад битигини, ўз синфдошларингиз устидан қаттиқ тухматга айлантирдингиз. Бироқ, оз қолди. Катта бўласизлар, жамиятда ўз ўрнингизни топасизлар. Ана ўшанда ҳар бир эшитган гапингизни кўтариб юрманг. Жамият носоғлом бўлар экан, бу жамият ичидаги тарқаган хабарлар ҳам шунга яраша бирор даражада хаста бўлади. Қайтараман, зинҳор ва зинҳор эшитган гапингизни кўтариб юрманг, билиб-билмай уни бирорга етказманг.

Мен бу гапларни илк эшитганимдан ҳам қўра, ҳозир эсласам кўпроқ таъсиранаман. Ким билсин муаллимим ҳам айнан ақл кўзларимиз очиладиган вақтларда тушуниб етишимизни мўлжал қилгандир. Тафаккур қилсам, замонамида ахборот асри деб бонг урамиз-у, негадир шу ахборотнинг нақадар тўғри ёки нотўғри эканига эътибор бермаймиз. Қайси оммавий ахборот воситасидан эшитган нарсамиз қулоққа ёқса, ўзимизга шуни манба, далил ва ҳужжат қилиб оламиз. Хабар ёки воқеаларни бизда бор бўлган ёнг ишончли мезонларда ўлчашни эса хаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Яқиндагина поёнига етиб мени армон ва умидлар ила қолдирган Рамазон кечалари, пойтахтимиздаги сакинатга бурканган масжидлардан бирда имом домла Ҳужурот сурасидаги оятларни ўқиб тадаббур қилишга чақирди:

– Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, бир қавмга билмасдан мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар.

Мен бу оятларни эшитар эканман, ожиз ақлим билан яна бир бор тарих устозимнинг дарсини эсладим.

Орифжон Толипов

## ОТАГА ҚИЛГАНИНГ БОЛАНГДАН ҶАЙТАДИ

Бир йигит ўз отасини ҳакорат қилиб урганини кўрган одамлар нафратланиб, у адабсиз ўғилга ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Йигитнинг отаси одамларни тўхтатиб:

– Биродарлар, ўғлимга хужум қилманг, бу ишда ўғлим эмас, ўзим айборман. Йигитлик вақтимда кунлардан бир кун худди мана шу ерда отамни ҳақорат қилиб урган әдим. Отамга қилган адабсизлигим жазосини энди күриб турибман, отамга қандай муомала қилган бўлсам, бугун ўшандай муомала ўз ўғлидан қайтди. Нимани эксанг, шуни ўрасан, деб жуда тўғри айтганлар. Мен ота-онамни ҳурмат қилмадим, диллари ни оғритдим, у муборак зотлар мендан норози бўлиб кетдилар, энди ўғлим айбдор эмас, биродарлар, айб ўзимда,— деб ўксиниб-ўксиниб йиғлади.

Йигит отасининг сўзларидан таъсирланиб, дод-фарёд қилиб кўз ёшларини тўқди. Дарҳол отасини қучоқлаб, ўпиб, ундан узр сўради. Ота эмасми, у ҳам ўғлининг гуноҳини кечирди, унинг кўз ёшларини артиб, қучогига олиб эркалади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган ҳалқ ҳам таъсирланиб, кўзларига ёш олдилар.

Д.Тожиалиев

## КИТОБ КИРМАГАН УЙ ЗИМИСТОНДИР!

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир ҳукмдор вазиру вузароларидан ногоҳон «Дунёда энг кучли, энг зарур ва инсонни ўтмишу келажакдан бирдек воқиф этувчи нарса нима?» деб сўрабди. Эвазига кимдандир «Энг зўр нарса – қилич», кимдандир «Энг кераклиси – нон», бошқасидан «Одамзодни турфа воқеалардан боҳабар қилувчи восита сехрли кўзгудир», деган гапни эшитибди.

Илло, бирортасиданам қониқмабди. Шу боис аъёнларига жўяли жавоб топишлари учун уч кун муҳлат берибди. Ноилож қолган вазирлар қўшни давлатда яшовчи машҳур донишманддан нажот истаб боришибди. Минг бир таваллолар ила уни шоҳ ҳузурига бошлаб келишибди. Кекса донишманд учала саволга ҳам «Китоб!» дея жавоб берибди. Сўнгра бафуржга тушунирибди:

– Дунёда инсон учун энг мўътабар, энг азиз икки неъмат бор. Бири – нон, иккинчиси китобдир! Нон ризқ-рўз, тириклик омили ва дастурхон кўрки саналса, китоб мозийдан ҳикоя қилувчи ровий, ўзида бугунни акс эттирувчи ойнаи жаҳон, келажакни олдиндан баён эта оловчи башоратчидир. Поклик, иймон бутлиги, маънавий етуклик ҳам унинг шарофатидандир. Инчунин, буюк алломалар бежизга «Китоб кўрмаган одам нодондир, китоб кирмаган уй зимиstonдир!» дейишмаган.

– У ҳолда Қурраи заминдаги турли жойлару эл-элатлар ҳақида маълумот берувчи ҳам китоб экан-да?! – кесатибди ҳукмдор.

– Ҳа, китоб! – Фикрида событ қолибди донишманд. – У дунёни шундокқина күз ўнгизга келтириб қўяди, сизни умрингизда кўрмаган кишилар ва жойлар ила таништиради. Мана, ўзимдан қиёс. Мен олис ўлкаларда бўлмаганман. Аммо Марвдан Машриққача, Ямандан Ясаргача – барча-барчасини яхши биламан. Ер юзида яшаётган аҳли башарнинг ҳаёти, урфодатлари, расм-руссумларидан, озми-кўпми, хабардорман. Бунга эса китоб туфайли эришдим.

Донишманднинг жавобларидан дилида қониқиши туйган шоҳ унга анчамунча тилла ҳадя қилибди. Отахон бу тухфага бозордан бир талай китоб харид қилиб, юргига қайтибди...

## ИБРАТЛИ ҲИҚОЯЛАРДАН

### Китоб ва китобхонлик – маънавий эҳтиёж маҳсули

Китобнинг «таржимаи ҳоли» тахминан 2 миллион йил муқаддам бошлиниб, узоқ давом этган тош даврига бориб тақалади. Қолаверса, расмлар ва ёзувлар тарихига уйқашиб кетади. Чунки ибтидоий одамлар ўзлари қўним топган ғорлар деворига суратлар чизишган. Кўҳна мисрликлар, римликлар, юнонистонликлар ва Марказий осиёликлар эса фикрларини тошларга, сужекка, сополга, пальма баргларига, турли буюм-нарсаларга ёзиб, баён этишган.

Булар китоб аталмиш мўъжизанинг туғилишига доялик қилган. Унинг илк намуналари бояги материаллардан ясалган, вазни зил-замбил ўнлаб плиталардан иборат бўлган. Бундан 5-6 минг йил бурун папирус поялари ёзув ашёсига айлангач, ингичка таёкларга ўралган, узунлиги ўртacha 10 метрлик ғаройиб китоблар дунёга келган. Улар чарм ёки ёғоч филофларда сақланган. Бора-бора ҳайвонлар терисидан китоб тайёрлаш ўзлаштирилган. Чунончи, зардўштийлик динининг эрамиздан олдинги биринчи минг йилликнинг дастлабки ярмида Хоразмда яратилган илоҳий асарлари тўплами – Авестонинг илк ёзма нусхаси 12 мингта мол терисига битилган. Таассуфки, улар Искандар Зулқарнайн босқини авжига чиққан дамларда ёқиб юборилган.

II–IV асрлардан эътиборан қадимги Римда дебочасига папирус ёки пергамент (*маҳсус ишлов берилган тери*)ни, кейинроқ муқовали, қофозлари буклаб тикиладиган ва ўзаро бириктириладиган оғир-бесунақай китоблар – кодекслар кўпайган. Улар VI асрда ҳозирги шаклга кирган. Ўша кезлар қофознинг кашф этилиши эса китоб иши тарихида янги саҳифа очди. Айни тоғда, қўллэзмаларни бежирим қилиб оққа кўчириш, саҳифаларни нафис

расмлар билан безаш, ҳошияларига нақшлар воситасида жило бериш за- рурати кучайди. Қарабсизки, аста-секин китобат санъати шаклланди. Бу иш билан қофозрез, хаттот, лаввоҳ, мӯзаҳҳиб, мусаввир, саҳҳоф каби ҳу- нармандлар шуғулланадиган бўлишиди.

...Ва ниҳоят, 1445 йили олмониялик Иоганн Гутенберг ҳарфлар, рақамлар ва белгилар тасвирини юпқа металл тахтачага зарблаш қурилмаси- ни ясади. Басма-басига Римда китоб босадиган дастгоҳ ишга туширилди. Франция, Нидерландия, Швейцария, Испания, Германия ва Англияда ҳам китоб нашр этиш ривожланди. Янги аср арафасида Европанинг 250 та шаҳрида босмахоналар ишлай бошлади. 1798 йили тошбосма, 1811 йили текис босма ускунасининг яратилиши китоб чиқариш равнақ топишига туртки берди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрда уларнинг ўрнини линотип, ротация, офсет босма машиналари эгаллади. Бизнинг давримиз эса том маънода интеллектуал бойлик асрига айланди. Натижада ҳайра- томуз ахборот-коммуникация технологиялари пайдо бўлди. Уларнинг ша-рофати ўлароқ, кундалик ҳаётимизга ихчам ва қулай, кўз очиб юмгунча дунёнинг бу бурчагидан у бурчагига узатиладиган электрон китоблар ҳам кенг кириб келди.

### **Билмаслик айб эмас, ўқимаслик – айб!**

Ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди, ҳозирги ёшларимиз замонавий ахбо- рот-коммуникация технологияларини жуда яхши билишади, ўзлари ис- таган янгилигу маълумотларни улар орқали осонгина олишади, хорижий тилларда бинойидек гаплашишади. Уларнинг спорт ва санъат, илм-фан жабҳасида эришаётган ютуқлари ҳам беҳад қувонарли. Бироқ ҳар яхши- нинг бир ёмони бўлишини унутмаслик, бор ҳақиқатдан кўз юммаслик ке- рак. У ҳам бўлса, сўнгги пайтларда меҳнат фаолиятимизга ҳамда кундалик турмушимизга мобил телефонлари, компьютер, Интернет, кино, видео, телевидение шиддат билан кириб келгани китобхонликка салбий таъсир кўрсатаётир. Оқибатда ёшларимизнинг бадиий асарлар ўқишига қизиқи- ши сусайиб бораётир. Айримлари наздида китоб ўқиши гёёки вақт беҳу- да сарфланадиган ортиқча машмаша бўлиб қолаётир. Аслида эса бошқа воситаларнинг бирортаси ҳам бадиий асар ўрнини босолмайди. Айтайлик, кинофильм нечоғли маҳорат билан яратилмасин, спектакль қанчалар юк- сак савияда саҳналаштирилмасин, барибир, инсон руҳиятига китобчалик кучли таъсир кўрсата олмайди.

Бу оддий ҳақиқатни катталар ҳам доимо эсда тутмоқлари жоиз. Афсус, ҳозир уларнинг аксарияти китоб қудратини теран ҳис этишмайди. Баъзи-

лари соатлаб вақтларини чойхонада, гап-гаштакларда, тўй-тантаналарда ўтказишади-ю, қўлларига лоақал ҳафтада бир марта китоб олишмайди. Улфатчилигу кўнгилхушликка катта-катта маблағ сарфлашади-ю, фарзандлари ва невараларига китоб совға қилишга келганда зикналиикдан воз ке-чишолмайди. Ўзлари ибрат кўрсатиб, уларни бадиий асар ўқишга ундашмайди. Қуш уясида кўрганини такрорлашини, катта арава қайдан ўтса, кичиги ҳам шундан юришини хаёлларига келтиришмайди.

Эҳтимол, бу камчиликлар, бир қарашда, арзимасдек бўлиб туюлар. Эҳтимол, аччик гапларимиз кимларгадир ёқмай, уларнинг энсасини қоти-рар. Бундан қатъий назар, биз китоб ўқиш ҳам таълим-тарбияга киради деб ўйлаймиз ва уни маданиятнинг юксаклигини англатувчи омиллардан бири ҳисоблаймиз. Модомики, шундай экан, таълим-тарбияда зинхор-базинҳор хатога йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда, ундаги жимитдеккина кемтиклик келажакда катта талафотларни келтириб чиқариши эҳтимол-дан холи эмас. Негаки, темирни занг емирганидек, одам руҳиятини маъна-виятсизлик мўртлаштиради.

*Абдунаби Ҳайдаров*

## ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Бу саодатга тинч, хотиржам ва осойишта ҳаёт орқали эришиш мумкин. Зеро, инсон бахти ва иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси тинчлиkdir. Тинчлик хукмрон юртдагина инсон буюк ва эзгу орзуладарни кўнглига тугиши ҳамда уларнинг ушалишидан қалби қувончга тўлиши, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин. Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй ва тантаналар, шодлик ва хуррамлик ярашади, аҳиллик ва тотувлик, қут ва барака ҳамдам бўлади. Халқимиз бу олий неъматни доим улуғлаб келишининг, дуога қўл очганда Яратгандан, аввало, эл-юртга тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва ободлик тилашининг сабаби ҳам шунда.

Психолог олимларнинг таъкидлашича, хотиржамлик инсоннинг энг муҳим руҳий эҳтиёжи бўлиб, шахс соғлиги, жамият барқарорлигини таъминлашда катта ўрин тутади. Инсонда осойишталик ва хотиржамлик ҳисси бўлсагина, кўзлаган мақсадлари йўлидаги саъй-ҳаракатлари самарали бўлади ва муваффақиятга эриша олади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишта-

лигини асраш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди. Шу ҳақда сўз юритганда, давлатимиз раҳбарининг инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири бу – тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришидир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир.

Тинчлик ва тараққиёт, фаровонлик ва ободлик ўз-ўзидан келмайди. Бу неъматларнинг барқарор ва мустаҳкам бўлиши учун танлаган йўлимизда событқадам бўлиб, тинчликнинг маъно-мазмунини бойитишимиш, халқимизни, айниқса, ёшларимизни истиқлол шарофати билан эришган бугунги саодатли кунларимиз ва осуда ҳаётимиз қадрига етиб яшаш руҳида тарбиялашимиз даркор.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асраш энг катта вазифаларимиздандир. Бинобарин, йигирма етти йиллик мустақил тараққиётимиз йўлида элу юртимиз бошдан кечирган оғир синовларни ёддан чиқармаслигимиз, мустақиллигимизни, тинч-осойишта ҳаётимизни асраш учун ҳар биримиз доимо қурашиб яшшимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш учун турли бало ва оғатларни аввалдан англаш, доимо уларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш керак. Бугун жаҳонда рўй берадиган мураккаб ва қалтис жараёнлар ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишни, бепарвонликка, беғамликка йўл қўймасликни қатъий талаб сифатида олдимизга қўймоқда.

Халқимизнинг бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади, деган нақлида катта ҳикмат бор.

Сайёрамизнинг турли минтақаларида рўй берадиган бундай мудҳиш воқеаларга уйғоқ кўз, теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш лозим. Бу муаммоларга менинг дахлим йўқ, деган тушунча билан яшашнинг, бепарво ва лоқайдлик билан қарашнинг даври ўтган.

Бу қабиҳ йўлдан уларни минглаб бегуноҳ инсонларнинг бевакт ҳазон бўлаётган умри ҳам, ота-онасидан айрилган норасидаларнинг қайғу ва алами ҳам, ўн гулидан бир гули очилмаган фарзандидан жудо бўлган онаизорнинг оҳу ноласи ҳам қайтара олмаётгани ғоят аянчлидир.

Бугунги глобаллашув даврида ҳеч бир мамлакат ҳаёти ва истиқболини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Инсон тафаккурининг меваси бўлган мазкур интеллектуал ресурслар изчил иқтисодий тараққиёт омилига, билим ва ахборот манбаи ҳамда фаол мулоқот воситасига айланган. Айни пайтда ғаразли кучлар

ундан ҳам ўз мақсадлари йўлида устамонлик билан фойдаланмоқда. Интернет ва турли тармоқлар одамларнинг онгини заҳарлаш, уларни ёллаш, ноқонуний гуруҳларга жалб этишда, маънавий ва ахлоқий тубанликни кенг тарғиб қилишда жуда қўл келмоқда. Интернетдан фойдаланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Шу сабабли биринчи навбатда ҳали мустақил дунёқарашга эга бўлмаган ёшлар ташқи кучларнинг таъсир доирасига тушиб қолмоқда. Буни турли мамлакатлардаги тўс-тўполонларнинг биринчи қаторида, асосан, ёшлар тургани, ҳатто ўсмирлар қўлини қонга ботираётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дунёда кейинги ўн йилликларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар шуни қайта-қайта тасдиқламоқдаки, бирор жойда уруш ёки тўнтариш қилиш учун жиддий сабаб бўлиши шарт эмас экан. Faраз ниятли кучлар шунга қасд қиласа бас. Бузғунчилик қилиш учун эса турли сиёсий найрангу баҳоналар топилади. Бу бугунги замоннинг аччиқ ҳақиқати. Марказий Осиё минтақаси ҳам бундай хавф-хатарлардан холи эмас. Чунки заминимиз минерал ресурслар ва энергия манбаларига бой, ўта муҳим геостратегик маконда жойлашган. Шу боис минтақамизда янги хавф-хатарларнинг пайдо бўлишига бефарқ қараб бўлмайди. Ҳар кун, ҳар он хушёрлик, огоҳлик зарур.

Биз учун ягона Ватан бўлган Қозогистон – барчамизники. Унинг бугуни ва эртанги куни учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз. Она юртимизнинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам ўзимизники. Мамлакатимиз дунёning энг тараққий этган давлатлари қаторида бўлиши ҳам, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт фаровонлигига эришиши ҳам бизга, бизнинг қандай ҳаракат қилишимизга боғлик.

Тинчлик ва тараққиётнинг асоси бўлмиш огоҳлик кўлами ва залвори кенг тушунча. Огоҳлик илму маърифатдан, борлиқнинг мазмун ва моҳиятидан хабардорлик, инсоннинг ўз қамолоти ҳақида муттасил ўйлаши, дунё воқеаларига, ўз қисматига бефарқ бўлмай, хушёр ва сергаклик билан ўзини мунтазам назорат қилиб, тарбиялаб боришини, ҳаётда ғуурур билан яшашни ҳам англатади. Бугунги дунёда ўзининг қадр-қимматини, ғуурур ва ор-номусини англаб яшайдиган, ўз кучи ва қудратига ишонгган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан келажагини қуришга ва ўз юртини ҳимоялашга қурби етадиган давлат ва халқни жаҳон аҳли тан олади ва ҳурмат қилади.

Тинчлик – тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили. Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати самарасида саодатли, файзли кунларга мушарраф бўлмоқдамиз. Шу боис элу юртимизнинг энг буюк бойлиги бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, уни доимо асраш ҳар биримизнинг фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

## ГЛОССАРИЙ

<b>Ақлий ҳұжум</b>	Ушбу стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, үларга муқобил ғояларни танлаш үчүн шароит яратади.						
<b>Балиқ скелети</b>	Үрганилаётган масалани балиқ расми асосида ёритиш стратегияси. Бунда балиқ боши – мавзу масаласи, устки тармоқлар – асардаги тасвир воситалари, остки тармоқлар – далиллар, қүйруғи – асар ҳақида үқувчи фикрини билдиради.						
<b>БББ</b>	«БББ» график органайзери үқувчиларга муайян мавзу бүйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Үқув фаолияти бевосита ёзув таҳтаси ёки иш қоғозида үз аксини топған қуидаги схема асосида ташкил этилади:						
<table border="1" style="margin: auto;"> <thead> <tr> <th style="padding: 2px;">Биламан</th> <th style="padding: 2px;">Билишни хоҳлайман</th> <th style="padding: 2px;">Билиб олдим</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td style="height: 40px;"></td> <td style="height: 40px;"></td> <td style="height: 40px;"></td> </tr> </tbody> </table>		Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим			
Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим					
<b>Беш дақықали эссе</b>	«Беш дақықали эссе» стратегияси кичик ҳажмли, әркін баён усулигана әга бўлиб, үрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қиласиди. У үқувчилар томонидан үрганилган мавзу, мұхокама қилинаётган масала бўйича әркін фикр билдириш, мазмұн-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Беш дақықали эссени яратишда үқувчилар мавзу ғояларини умумлаштириш, тизимлаштириш, туркумлаштириш, хулосаларни баён этиш имконига әга бўлади.						
<b>Бумеранг</b>	«Бумеранг» технологияси үқувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқари вақтларда турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ёдда сақлаш, сўзлаб бериш, фикрларини әркін баён этиш, қисқа вақт ичида кўп билимга әга бўлиш, үқитувчи томонидан барча үқувчилар фаолиятининг бирдек баҳоланиши учун шароит яратишга хизмат қиласиди. У үқитувчига тарқатма материалларнинг үқувчилар томонидан гурухли, индивидуал шаклда самарали ўзлаштирилишини, дарсда ташкил этиладиган сұхбатнинг мунозарага айланишини таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради.						
<b>Венн диаграммаси</b>	Икки муаллиф ёки икки масаланинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиш стратегияси						



<b>Дебат</b>	Мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашиши.
<b>Елпифич</b>	Ўрганилган мавзуни ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, түғри жавоб бериш. Ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш.
<b>Жадвал</b>	«Жадвал» график органайзер методи ўқувчиларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама этилаётган масала ёки муаммонинг назарий моҳиятини жадвал ёрдамида акс эттириш қобилиятини шакллантиришга хизмат қиласди. Уни қўллашда ўқувчилар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини оғзаки баён ёки ёзма матн кўринишида эмас, балки асосий ғоя, таянч тушунча, муҳим жиҳатларини жадвалда аниқ, қисқа ифодалаш кўникмаларини ўзлаштиради.
<b>Жигсо – инглизчадан «жимжимадор appa, машина appa» маъносини англатади</b>	<p>Ўқувчилар янги ўқув материалини биргаликда қисқача вақт давомида ўзлаштирадилар.</p> <p>M: янги материал бир неча тенг қисмларга бўлинади. Нечта қисмга бўлсангиз, ўқувчилар шунча груп ҳосил қиладилар. Ҳар бир иштирокчи материал қисмини олади ва ҳар бир групдан бир аъзо эксперт ролини бажаради. Ҳар бир груп ўзларига тақсимланган парчани 10 дақиқа давомида ўрганадилар. Ҳар бир групдаги эксперталар масала бўйича мавзуга доир групга тўпланадилар ва ўзлаштирилган материални қандай қилиб бошқа груп аъзоларига тушунтириб бериш усусларини муҳокама қиладилар. (конспект, жавоб режаси, хуросалар; 15 дақиқа давомида) Сўнгра бир масала устида ишлаган эксперталар турли групларга бориб, ахборот алмашадилар.</p> <p>Бу эса «эксперталар учрашуви» деб номланади. Шундан сўнг барчаси ўзларининг дастлабки групчалирига қайтадилар ва бошқа групчалири мустақил ўрганган маълумотлари билан ўртоқлашадилар. Сўнгра ўқитувчи текширувчи саволлар орқали янги материал қандай ўзлаштирилганлигини билиб олади, баҳолайди.</p>
<b>Инсерпт</b>	<p>Ёки «Туртиб чиқиш» стратегияси. Қўйидаги шартли белгилар орқали ўқувчи ўзининг ўрганилаётган асарга бўлган муносабатини билдиради.</p> <p>«V» – биламан      «+» – билмайман      «–» – янги ахборот      «?» – тушунмадим</p>

<b>Қарорлар шажараси</b>	Ушбу стратегия мұrakkab мавзуларни ўзлаشتариш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хүлосаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хүлоса орасидан энг мақбул ҳамда түғрисини топишга йўналтирилгандир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукаммал тушунишга хизмат қилади. Стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хүлосага келиш) учун ўқувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир варианти таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.
<b>Кластер</b>	Бунда илгари сурилган ғояларни умумлаشتариш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имконияти яратилади.
<b>Концептуал жадвал</b>	Ўрганилаётган мавзуни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади.
<b>Муаммоли вазият</b>	Бунда ўқувчиларни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўнишка, малакаларни шакллантиришга хизмат қилади.
<b>Нилуфаргул</b>	Ушбу технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос ва унга бириккан тўққизта «гулбарг» (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.
<b>Оқилнинг олти қалпоғи</b>	Эдвард де Бононинг 6 қалпоғи (6 груп) асар таҳлилида 6 хил маълумотни тўплашга ёрдам беради: оқ – аниқ маълумотлар, қизил – ички ҳис-туйғу, қора – танқид, сариқ – ижобий томони, яшил – янги фикрлар, кўк – хўлоса чиқарувчи.
<b>SWOT таҳлил</b>	Ўрганилаётган масаланинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга ёрдам беради. Ўқувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омиилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади. <ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Strengths</b> (кучли томонлар),</li> <li>• <b>Weaknesses</b> (заиф томонлар),</li> <li>• <b>Opportunities</b> (имкониятлар),</li> <li>• <b>Threats</b> (хавфлар).</li> </ul>



<b>Синквейн</b>	Беш мисрали шеър стратегияси 1 – битта от сўз туркуми 2 – иккита сифат сўз туркуми 3 – учта феъл сўз туркумига хос сўз 4 – тўрт сўздан иборат гап 5 – мавзуга доир бир синоним
<b>Соябон</b>	Ўқувчилар ўрнидан туриб қўлларини юқорига кўтариб жуфтлиқда бошларига соябон шаклини келтиришади. Уларнинг ясаган соябони тагидан ўтган дарсда келмаган ёки дарсни яхши тушунмаган ўқувчи билан ўтади. Ҳар соябондан ўтаётганда соябон эгалари ўтилган дарс ҳақида битта сўзми ёки гапми айтишлари керак. Барча соябондан ўтган ўқувчи ҳамма олдида қандай маълумотни эслаб қолганини баён этади, натижада ўтилган дарс такрорланади ва мустаҳкамланади.
<b>Тадқиқот иши</b>	Асарни ўрганиш давомида ўқувчилар 5 гурӯҳга тўпланиб, қўйидаги топшириқларни бажарадилар. 1. Матннинг асосий ғоясини топинг 2. Аниқ ва ноаниқ маълумотлар 3. Фикрингизни расм билан тасвирланг 4. Асадан ҳаётий мулоҳаза чиқаринг 5. Тарбиявий хулоса чиқаринг
<b>Тақдимот</b>	Ушбу стратегия ўрганиладиган мавзу моҳиятининг компьютер хизматидан фойдаланилган ҳолда слайдлар ёрдамида очиб берилишини таъминлайди. Уни қўллашда мавзунинг асосий ғоялари, таянч тушунчалари, муҳим хусусиятлари кичик матн, жадвал, тасвир, схема, расм ва диаграммалар асосида ёритилади. Стратегия ўқувчиларда мавзу мазмунини образли, яхлит тарзда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиради.
<b>Т-жадвал</b>	Мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарали ёки самараасизлигини, буғунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослади.
<b>ФСМУ</b>	Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки дарс якунида ёки ўқув режаси асосида бирон бўлиб ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан

	<p>қаторда ўқувчиларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалланганларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.</p> <p><b>Ф</b> – фикрингизни баён этинг.</p> <p><b>С</b> – фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.</p> <p><b>М</b> – кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг.</p> <p><b>У</b> – фикрингизни умумлаштиринг.</p>
<b>Чархпалак</b>	«Чархпалак» усули ўқувчиларда ўрганилган мавзуларни ёдга олиш, улар юзасидан мантиқий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш, ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш, ўқитувчи томонидан қисқа вақтда ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини яратади. Унинг мақсади ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил, эркин баён қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, индивидуал, жуфтлик, гурӯҳ ва жамоада ишлаш, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш, мавжуд фикрлар орасидан муҳимини танлаб олиш кўникма, малакаларини ривожлантиришдан иборат.
<b>Ягона давра</b>	Бунда ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил, мантиқий фикрлаш, бошқалар томондан билдирилаётган фикрларни тинглаш, уларни тўлдириш, шахсий фикрларни асослаш, хулоса чиқаришдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Д.Ашуррова, Ф.Убайова, Ҳ.Болтобоева. Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. Тошкент, 1962.
2. Ш.Шоабдураҳмонов, М.Асқарова, А.Хожиев, И.Расулов, Ҳ.Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм, Тошкент, 1980.
3. А.Фуломов. М.Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1987.
4. Р.Сайфуллаева. Ҳозирги ўзбек тилида уюшувчи ва уюуштирувчи элеменлар. Тошкент, Университет, 1990.
5. Г.Абдураҳмонов. Ўзбек тили грамматикаси «Синтаксис» Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент. «Ўқитувчи», 1996.
6. F.Абдураҳмонов ва бошқалар. Ўзбек тили грамматикаси. Т., 1999.
7. Б.У. Умуркулов, Ҳозирги ўзбек адабий тили Термиз, 2009й. Термиз ДУ.
8. М.Тўхлиев, А.Тилавов, Тарбия китоби (Ҳаёт сабоқлари), Тошкент, 2015й.
9. У.Кўчкинов, М.Дедаҳонова, Она тили ва адабиёт (Ахборотнома), Тошкент, 2015й.
10. Д.Лутфуллаева, Р. Давлатова, М.Сапарниязова, Ҳозирги ўзбек адабий тили (2-қисм). Тошкент, 2018.

## МУНДАРИЖА

### I бўлим.

#### ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ ҚАДРИЯТЛАРИ: МАДАНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

1. Замонавий жамият қадриятлари .....	6
2. Маданият ва қадриятлар .....	11
3. Қадр топаётган қадриятлар .....	16
4. Қари билғанни пари болмас .....	25
5. Асл миллий қадриятларимизнинг сарчашмалари буюк аждодларимиздан мерос .....	33
6. Маънавияти юксак халқ ўзлигини йўқотмас .....	41
7. «Нур шарқдан таралади» ёҳуд шарқ – илм маскани.....	46
Мустаҳкамлаш учун саволлар .....	50

### II бўлим.

#### САНОАТЛАШТИРИШ: МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР

1. Индустрлаштириш – янги технологияларни жорий этиш даври келди .....	54
2. Истиқболли замонавий тараққиёт.....	59
3. Қозогистонда ҳалол маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаси ривожланмоқда.....	53
4. Янги тараққиёт сари: янги корхоналар .....	68
5. Қозогистон – қора олтинга бой макон .....	73
6. Импорт ўрнини босиш сари ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш.....	78
7. Қозогистон саноати ва унинг миллий иқтисодиёти ривожидаги роли ва ўрни .....	82
Мустаҳкамлаш учун саволлар .....	90

### III бўлим.

#### ИНСОНИЯТНИНГ УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРИ

1. Умумбашарий муаммолар: у нима?.....	94
2. Умумбашарий муаммоларнинг вужудга келиши .....	99
3. Она сайёра хавф остида .....	103
4. Умумбашарий муаммолар: қандай ҳал қилиш мумкин? Глобал башоратлар .....	111
5. Умумбашарий муаммолар ечими: маънавий қадриятлар? .....	119
Мустаҳкамлаш учун саволлар .....	128

**IV бүлим.**  
**ИНСОН ҲАЁТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

1. Инсон ўзинг, инсон ўзинг...	132
2. Инсон ҳуқуқлари нима?	137
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси нима?	140
4. Энг устувор мақсад...	147
Мустаҳкамлаш учун саволлар	153

**V бүлим.**  
**ЖИНОЯТ ВА ҚОНУН**

1. Жиноят нима?	158
2. Конституциямиз – Баш қомусимиз	161
3. Қонунни билиш – бурчимиз	167
4. Жиноят ва жазо	170
5. Сўнгги пушаймон – ўзингга душман	177
6. Юксак ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий давлат пойдевори	181
Мустаҳкамлаш учун саволлар	185
Илова	188
Глоссарий	206
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	211

*Оқу басылымы*

**Ш. Наралиева**

## ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг  
табиий-математик йўналишдаги  
10-синфи учун дарслик

(өзбек тілінде)

Редакторы  
Мұқабаның дизайнери  
Техникалық редакторы  
Дизайнын жасаған және  
компьютерде қалыптаған

*Ш. Наралиева*  
*Е. Мейірбеков*  
*З. Бошанова*  
*Г. Отенова*

ИБ №7420

Басуға 16.09.2019 ж. қол қойылды. Пішімі 70×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Қаріп түрі «SchoolBook Kza». Офсетті басылым.

Баспа табағы 13,5. Шартты баспа табағы 15,79.

Таралымы 2500 дана. Тапсырыс №



Қазақстан Республикасы «Жазушы» баспасы, 050009.  
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.  
E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-677-3



A standard EAN-13 barcode representing the ISBN 978-601-200-677-3. The barcode is composed of vertical black bars of varying widths on a white background. To the left of the barcode, the number '9' is printed, and to the right, the number '3' is printed, indicating it is a standard ISBN.

9 786012006773